

ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАР
ОЛАМИ



РАМЗЛАР СИЛСИЛАСИ

Иккинчи нашри

ТОШКЕНТ
«O‘ZBEKISTON»
2018

УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)
Р-22

Тўпловчи:

*Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди*

ISBN 978-9943-01-946-1

© “O‘ZBEKISTON” НМИУ, 2013, 2018



МАЖОЗ ВА ҲАҚИҚАТ

Бир киши қутурган туядан жонини қутқариш учун жар устига эгилган икки шохга осилиб, жар ёқасига оёқ қўяди. Лекин оёғи остидаги индан тўртта илон бош чиқариб турганини кўриб қолади. Жарнинг остига назар ташласа, у ерда улкан бир аждаҳо оғзини катта очганча унинг тушишини кутиб турганлигига, юқорига қараса, оқ ва қорасичқонлар у осилиб турган шохларни тўхтовсиз кемираётганликларига кўзи тушади. Бу аҳволдан

кутулиш чорасини ўйлаб турганида шундай ёнгинасида асалари уясини кўради ва бармоғини асалга ботириб ялай бошлайди. Асалнинг ширинлиги унинг бошини шу даражада айлантириб кўядики, натижада у ўзининг қандай аҳволдалигини унутади: оёқларини тўрт илоннинг бошига қўйганлиги ва бу илонлар уни ҳар лаҳзада чақиб олишлари мумкинлиги, сичқонлар шохларни кемириб битиришлари ва шох синса, у аждаҳо домига тушиши муқаррарлиги хаёлидан кўтарилади. Жаҳолат пардаси ақл нуруни тўсиб кўяди ва оз фурсат ўтмай, у жарга қулаб ҳалок бўлади.

Бу даҳшатли ва чуқур жар ҳеч қачон ташвиши тугамайдиган ҳаёт, оқ ва қора сичқонлар — одамлар—

нинг умрини камайтириш учун тинимсиз алмашиб турган кеча ва кундуз, тўрт илон — борлиқнинг асосини ташкил қилувчи тўрт унсур: улардан бирортаси ўз мувоzanатини йўқотса, инсон дарҳол маҳв бўлиб кетади, асал — азоби кўп, фойдаси кам бўлган, одамларни тўғри йўлдан оздириб, уларга нажот йўлини беркитиб қўядиган ўткинчи дунё, аждаҳо — ҳеч ким қочиб қутула олмайдиган ўлим.

МАЙМУН ВА ДУРАДГОР

Бир маймун бир дурадгорнинг ёроч устида ўтириб, пона билан уни ёраётганини кўрди. Дурадгор бир понани қоққандан кейин иккинчисини чиқариб олар,

уни бошқа ерга қоқар ва шундай қилиб ёғочни ёриб борарди. Буни кўрган маймун дурадгор тушликка кетганида ўзига дахли бўлмаган ишга аралашиб, унинг ишини давом эттирмоқчи бўлди. У орқасини ёғочнинг ёриғига қилиб, юзини понага қаратиб, ёғоч устига миниб олди. Унинг думи ёғочнинг ёриғига тушиб турганди, у понани суғура бошлади. Маймун понани чиқарган ҳам эдики, думини ёғоч қисиб олди. Маймун ҳушидан кетди, то дурадгор етиб келгунча шу аҳволда ётди. Дурадгор эса келиб, маймунни уриб ўлдирди.

ОЧКЎЗЛИКНИНГ ЖАЗОСИ

Бир овчи овга чиқиб, оҳу овлади. Уни орқалаб, уйига равона бўлмоқчи бўлиб турганида тўсатдан унга ёввойи тўнғиз ҳужум қилиб қолди. Овчи унга ўқ узди. Тўнғиз жон талвасасида ўзини овчига отиб, унинг қорнини ёрди ва ўзи ҳам ҳалок бўлди. Шу пайт бир бўри келиб қолди. Қараса овчи, оҳу ва тўнғиз ўлиб ётибди. У ниҳоятда қувониб кетди. Лекин очкўзлиги тутиб, ўзига-ўзи деди: “Бу ўлжаларни эҳтиёт қилиб сақлаб қўйиш керак — оғир кунларимда ярайди. Бугунча камоннинг тиркиши билан кифояланай”. Шундай деб, бўри ҳарислик қилиб, камонни тортиб турган тиркишни ея

бошлади. Шу пайт камон очилиб кетиб, бир учи бўрининг бўғзига қадалди — у ўша лаҳзадаёқ жон таслим қилди.

ДУМСИЗ ЭШАК

Бир думи йўқ эшак бўлар эди. Думсизлигини ўйлаб, дарди кундан-кунга зиёда бўлар эди. Дум ахтариб, дум талаб қилиб, биёбонма-биёбон кезар эди. Шундай сарсон-саргардон кунлардан бирида ўзи билмаган ҳолда бир экинзорнинг ўртасидан ўтиб қолди. Эшакни узоқдан кузатиб турган деҳқон уни тутиб олиб, икки қулоғини кесиб ташлади. Бечора эшак дум орзу қилиб, дум топиш ўрнига икки қулоғидан ҳам ажралди.

ЯХШИЛИККА ЁМОНЛИК

Карвонлар ёқиб кетган гулхан-нинг учқунини шамол учириб, даштга ўт тушиб кетган эди. Туя минган бир киши ўша ердан ўта туриб, оловлар ўртасида бир илоннинг тўлғаниб ётганини кўрди. У ўт балосидан қутула олмай, заҳарли кўзларидан қон ёш тўкиб, суворийга ялиниб деди:

– Марҳамат қилиб, мени бу дўзахдан қутқар – савоб бўлади.

Суворий раҳмдил киши эди. У илоннинг зорини эшитиб, бечорага юраги ачиди, илон гарчи одамзодга душман бўлса ҳам, ҳозир қийин аҳволда қолибди, уни бу балодан қутқарсам, савоб бўлар, деб ўйлади. У тўрвасини найза учига

боғлаб, илон томонга узатди. Илон севиниб, тўрвага кирди. Суворий бир оздан кейин тўрвани очиб, илонга деди:

– Бор, эсон-омон қутулганингга шукур қилиб, уйингга кет, бундан буён ҳеч кимга озор берма.

Илон деди:

– Эй йигит, бу сўзларингни қўй. Мен сени ва туянгни чақиб, захримни солмай кетолмайман.

Суворий деди:

– Ахир, сенга яхшилик қилиб, оловдан қутқардим, гуноҳим шуми?

Илон деди:

– Ҳа, сен яхшилик қилдинг, аммо ўринсиз яхшилик қилдинг. Биласанки, мен зарарли махлуқлар тоифасиданман, бошқа нарсани

мендан кутиш мумкин эмас. Нима учун мени қутқардинг? Ўлдириш керак эди, сен эса одамзод душманига раҳм қилдинг. Яхшиликка ёмонлик менинг касбим. Ёмонларга яхшилик қилиш яхшиларга ёмонлик қилиш демакдир. Энди мен сени заҳарласам, бу ишим сенга жазо, ўзгаларга ибрат бўлади.

Суворий деди:

– Эй ноинсоф, яхшиликка ёмонлик қайси мазҳабда бор?

Илон деди:

– Одамзод мазҳабида бор. Мен сенинг ижозатинг билан ўз матоларингизни ўзларингизга сотмоқчи ва ўз косангизда ўзингизга заҳар ичирмоқчиман. Тезроқ жавоб қил, аввал ўзингни чақайми ё туянгни?

Суворий деди:

– Мени ҳам чақма, туяни ҳам.

Илон деди:

– Нега энди! Ўзларингиз ҳам яхшиликка ёмонлик қиласизларку!

Суворий илоннинг бу гапини инкор қилди ва деди:

– Бу даъвога гувоҳ керак.

Шу орада сигир кўриниб қолди.

Илон деди:

– Эй сигир, яхшиликнинг жазоси нима?

Сигир деди:

– Одамзод мазҳабида яхшиликнинг жазоси ёмонлик. Мен бир неча йилдан бери уларникида тураман. Ҳар йили бола туғар ва уйларини сут билан қаймоққа тўлатар эдим. Ҳозир боладан, сутдан қолдим, қаридим, ўтлаб семирсин деб мени

далага ҳайдаб қўйдилар. Кеча эгам келиб, у ёқ-бу ёғимни ушлаб, бир оз семирганимни кўриб, қассобга сотди. Мана, бугун сўйишга олиб кетаётирлар. Яхшилигимнинг жазоси шу бўлди.

Илон деди:

– Эй йигит, эшитдингми?

Суворий деди:

– Эшитдим, аммо бир гувоҳнинг шохидлиги етмайди. Яна бир гувоҳ керак.

Илон атрофга қараб, бир дарахт-ни кўриб, ёнига келди.

Илон сўради:

– Эй дарахт, яхшиликнинг мукофоти нима?

Дарахт деди:

– Одамзод мазҳабида яхшилик-нинг мукофоти ёмонлик, фойданинг

жазоси зиён. Далил шуки, мен бу даштда кўқарган бирдан-бир дарахтман, одамлар иссиқда хориб-чарчаб келиб, соямда дам олишадди. Нафасларини ростлаб олгач, юқорига қараб, “Анави шохи аррага даста бўлади, буниси тешабоп экан”, деб шохларимни кесиб ёки арралаб оладилар. Мендан фойда кўрсалар ҳам менга азобни раво кўрадилар.

Илон деди:

– Икки гувоҳ бўлди. Энди тан бер, сени чақай.

Суворий деди:

– Жон жуда ширин нарса. Яна бир киши гувоҳлик берса, узрга ўрин қолмайди.

Иттифоқо, ўша ердан бир тулки ўтиб қолди. Буларни кўриб

тўхтади-да, сўзларига қулоқ солди, кейин саволни кутмасданоқ:

– Яхшиликнинг жазоси ёмонликдир, – деди кейин суворийга қараб. – Сен бу илонга нима яхшилик қилиб эдинг? – деб сўраб қолди.

Суворий бўлган гапни айтиб берди.

Тулки деди:

– Сен ўзинг ақлли одамга ўхшайсан-у, лекин нега ёлғон гапирасан?

Илон деди:

– Ростини айтяпти, бу одам мени тўрвага солиб, оловдан чиқарди.

Тулки ҳайрон бўлиб сўради:

– Бу сўзга қандай ишонса бўлади, ахир, шундай катта илон бу кичик тўрвага сиғиши мумкинми?

Илон деди:

– Агар ишонмасанг, тўрвага кириб кўрсатай, шубҳага ўрин қолмасин.

Суворий тўрва оғзини очди, илон тўрвага кириб, кулча бўлиб олди.

Тулки деди:

– Эй йигит, душманинг бандга тушди, пайтни қўлдан берма.

Суворий тўрва оғзини маҳкам боғлаб, ерга ураверди-ураверди, илон мажақ-мажақ бўлиб кетди.

ҲОДИСАЛАР ЗАНЖИРИ

Ҳалаб вилоятида бир ўрмон бўлиб, унда бир баҳайбат она шер яшар, унинг қиладиган иши ҳа-

миша қон тўкиш эди. Унинг Қорақулоқ деган мулозими шернинг ситамкорлиги ва қонхўрлиги оқибатидан жуда кўрқарди. Ўйлаб-ўйлаб унинг хизматидан кетишга қарор қилди.

Бир куни Қорақулоқ ўрмон четига чиқиб ўтирган эди, бир сичқоннинг жаҳду жадал билан дарахт томирини кемираётганини кўриб қолди.

Дарахт тилга кириб, унга деди:

– Эй дилозор ва ситамкор! Нима учун жоним ришталарини қирқяпсан?

Сичқон унинг нолаю зорига эътибор бермай, ўз ишини давом эттираверди. Ногоҳ бир илон чиқиб, сичқонга ҳамла қилди ва уни ютиб юборди.

Қорақулоқ бу воқеадан: “Дилорнинг жазоси озор экан”, деган хулоса чиқариб олди.

Шу вақт бошқа тарафдан типратикан келиб, илоннинг думидан тишлади-ю, бошини ичига тортиб, гужанак бўлиб олди. Илон жаҳл билан унга ўзини ура бошлаган эди, аъзойи баданини тиканлар пора-пора қилиб юборди. Илон ўша заҳоти ўлди.

Қорақулоқ бундан ҳам сабоқ олди.

Илон ўлгач, типратикан бошини чиқариб, унинг яхши-яхши жойидан танлаб еди. Қорни тўйгач, ётган эди, ногоҳ бир оч тулки келиб қолди. Типратиканнинг найзаларидан қўрқиб, уни хийла билан ўлдирмоқчи бўлди. У типра-

тиканни ағанатиб, қорнига ёзилди. Типратикан ёмғир ёғяпти шекилли деб ўйлаб, бошини чиқарган ҳам эдики, тулки бир ҳамла билан уни чўрт узди, бўшашиб, қорни очилиб қолган типратиканни иштаҳа билан еб олди. Шу вақт бўрига ўхшаган ваҳший бир ит келиб, тулкини турган ерида бўғиб, унинг гўшти билан очлигини қондирди.

Қорақулоқ бу ажойиботларни кўриб, ҳайрон бўлиб ётар эди.

Ит энди дам олишга ҳозирлик кўраётганда бир қоплон келиб, унинг сийнасидан олди. Қоплон ҳали итни еб тугатмаган ҳам эди, овчи келиб, бир ўқ билан уни ўлдирди. Қоплоннинг жони ҳали узилмай туриб, бир отлик ўтиб қолди. Унга қоплоннинг териси

ёқиб қолиб, овчи билан уруша бошлади. Кейин шартта қиличини суғурди-ю, овчининг бошини танидан жудо қилди ва қоплоннинг терисини олиб йўлга тушди. У юз қадам ҳам юрмаган эди, оти қоқилиб, ерга йиқилди ва бўйни синиб, жон таслим қилди.

ОЗ ВА КЎП

Оз кўпга тобедир.

– Қаерга кетаяпсан? – деб сўрашди оздан.

– Кўпнинг олдига! – жавоб берди оз.

ИТ ВА ТУЛКИ

Бир шаҳарнинг атрофида далада қўйлар отари бўлиб, чўпон ўз қўйларини қўриқлаш мақсадида итини посбон қилиб тайинлади. Ит содиқлик билан қўйларни қўриқлар, ҳеч бир жонзотни қўйлар ёнига яқинлаштирмас эди.

Кунлардан бир кун далага яқин тоғда тулки ит билан тил топишиб қолди. Тулки итга иккиюзламачилик қилар, итнинг кўнглида эса, у билан айшу ишрат қилиш тамаси жўш урар эди. Ит шу тама туфайли тулкига ҳар куни биттадан қўзинъом қила бошлади. Қўйларнинг камайиб бораётганини сезган чўпон бир куни ўзича: “Садоқатли итим бўлса-ю, нега бундай ҳол юз бе-

раяпти?” деб ўйлади-да, пойлашга тушди. Воқеадан огоҳ бўлгач: “Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога, тулки итни йўлдан урибди”, — деди.

ТОШБАҚА

Тошбақа судралиб бормоқда.

У бутунлай тупроқ рангида. Бўйинлари буришган, кўзлари ўлик. Жони бор. Қимирлайди. Қаёққа бораётганини билармикин? Мунча секин қимирлайди? Қони совуқ бўлса керак-да. Бундай жонивордан ўлик ернинг ўзи яхши эмасми?..

Тошбақа бир замонлар тошбақа эмас экан. Удабурон ва чаққон, хушбичим махлуқлардан бири экан. Ўтлоқларда майин барралар-

дан тамадди қилиб, япроқларда
йилтиллаган шабнам томчилари-
дан чанқоғини қондириб, кўм-кўк
осмонга тикка қараб, жониворлар
орасида кўркам ва мағрур, ҳаётнинг
завқини суриб, дориломон яшаб
юрар экан.

Кунлардан бир кун Чангали
Мозандарон томондан йиртқич
ҳайвонлар мўр-малахдек бостириб
келиб, жониворлар ўртасида жан-
гу жадал, ҳарбу зарб бошланибди.
Лак-лак лашкар кетидан лашкар
келибди, аскар кетидан аскар; жо-
ниворлар босқинчи йирқичларни
дам орқага суриб бориб, дам
ўзлари чекиниб, кўп қурбон бери-
шибди, қирқ йил қирон бўлиб, тоғ
этакларидаги яшил ўтлоқлар қизил
қонга беланибди.

Қумурсқадан тортиб филгача, катта-кичик ҳар бир махлуқ урушнинг тақдирини ҳал қиладиган бир пайт келганда, ёнидаги шерикларининг ҳалок бўлаётганини кўриб, тошбақанинг кўнглига бир шумлик, бир ғулув оралабди: “Менга навбат келяпти-ку, ўлиб кетавераманми?!”

Осмон жуда тиниқ, банорас экан. Яшил ўтлар, ранг-баранг гуллар майин шабадада аста тебраниб, ҳаётнинг нашъасини кўз-кўз қилармиш.

“Йўқ, йўқ, мен ўлмайман!” – дебди тошбақа. Дебди-ю, яна жангга кирибди. Лекин яшин чақнаб, ер титраб, яна ёвнинг қўли баланд кела бошлаганда, унинг юрагига яна ғулув тушибди. Шу бир зумлик таҳликада қалтираб кетган

тошбақа ўзини беихтиёр сафдан четга олиб, йўл ёқасидаги тошлар орасига яширинибди. Дўстлари буни пайқамай, ёвга қарши қонли жангга кириб кетаверишибди. Тошбақа эса тошлар орасидан бошини чиқариб жанг суронига қулоқ солиб ётибди. Аламли фарёдлар, йиртқичларнинг даҳшатли бўкиришлари, дўстларининг ўлим олдидаги ёлворишлари эшитилибди. У эса “Бўлар иш бўлди”, деб титраб-қақшаб ётаверибди, энди қайтиб чиқса, дўстга ҳам, душманга ҳам эл бўлолмаслигини билибди.

Яна қирқ йил қирғин бўлиб, кўп дўстлари ўша майдонда ҳалок бўлиб кетибди. Ўз ери учун жонини тиккан жониворларни ёв енголмабди. Душман чала ўлик

лашкарларини судраб чекинибди. Булутлар тарқаб, чарақлаб офтоб чиқибди. Жанг суронлари тинган хушҳаво ўтлоқларда яна қўзи-қулунлар ўйноқлаб, қушлар сайрай бошлабди.

“Энди хавф ўтиб кетди, мен ҳам аста чиқай-чи”, деб бизнинг тошбақа ҳам бир қимирлаган экан, ётган жойидан силжиёлмабди. Қўл-оёғи, боши қимирлармиш-у ўзи силжиёлмасмиш. Қараса, қирқ йилдан бери писиб ётаверганидан, тагидаги тош билан устидаги тош бир-бирига эт ўриб, туташиб кетибди. Боши билан қўл-оёғигина чиқиб ётганмиш.

Энди нима қилиш керак? Ост-устига қопланиб қолган тошларни ҳам судраб, икки қадам йўлни

бир неча кунда зўрға босиб, тўрт оёқлаб ёнидаги йўлга чиқибди. Чиқса, буни ҳеч ким танимасмиш, тош, деб ўтиб кетаверишибди. Биров таниса нима деб тушунтиради? Ундан кўра, энди у ҳеч кимга индамагани, уни ҳеч ким танимагани маъқул. Шундай ёлғиз, кимсасиз, тош ичида яшашга тўғри келади. Бироқ яшаш учун овқат ейиш керак. Ўт ичига кирай деса, тўнқарилиб қолишдан қўрқади. Шунинг учун йўл юриб, “Онда сонда тиканларни ерман” деб, жонсиз саҳроларга чиқиб кетибди.

Ўшандан бери унинг номи тошбақа экан.

Осмонни кўрмайди, офтобни кўрмайди, бир умр ёлғиз, тош ко-саларини тавқи лаънатдек судраб

оламдан ўтиб кетаркан. Болалари ҳам қалқон ичида туғилиб, азоб билан тош судраб яшаб, тош ичида азоб билан ўлиб кетар экан. Ўша бир зумлик қўрқоқлиги учун кўпроқ азоб тортсин деб, Худо ҳам унинг умрини ҳамманикидан узун қилганмиш. Бу азоблардан унинг юзлари доим буришган, жонсиз кўзлари ҳамма вақт ерда, ранги эса тупроқ билан тенг, бир яшил барг дардида сахро кезиб, тўрт юз йилдан бери имиллагани-имиллаган...

Тошбақа ҳамон судралиб бормоқда...

ЛОЧИН ВА ТОВУҚ

Бир куни лочин товукқа дебди:

– Эй товук, сен бевафо ва ахдингда турмайдиган бадфеъл паррандасан.

Товук сўради:

– Мендан қандай бевафолик со-
дир бўлди?

Лочин деди:

– Бевафолигинг аломати шуки, одамлар сенга кўп яхшиликлар қиладилар. Уйларида дунёга келибсан, сув ва донларини еб катта бўлибсан, яна сени ит ва қушлардан асрайдилар. Лекин қачонки сени тутмоқчи бўлсалар, томдан-томга қочасан ва нола қиласан, тузларининг ҳақини оқламайсан, вали-неъматингдан қўрқасан. Мен эса

вахший жониворман. Лекин, агар бир-икки кун улар билан улфат бўлсам, қўлларида таом есам, тузларини оқлайман. Уларга ов қилиб бераман. Узоққа кетган бўлсам, чақирсалар учиб келаман.

Товуқ деди:

— Гапинг рост. Сенинг учиб келишинг ва менинг қочишимнинг боиси бор, сен ҳеч қачон лочиннинг сихга тортилганини кўрганмисан? Мен эса анча товуқларнинг сихда кабоб бўлганларини кўрдим. Агар сен кўрган бўлсайдинг, уларнинг ёнига сира йўламас эдинг, мен томма-том қочсам, сен тоғма-тоғ қочардинг.

МАНФААТ ВА ЭҲТИЁТКОРЛИК

Бир тулкидан:

– Нима учун арслон билан улфат бўлишни ихтиёр этдинг? – деб сўрадилар. Тулки жавоб берди:

– Овининг ортгани билан тамадди қиламан ва ҳимояси соясида ўзимни ёвлардан сақлайман.

– Ҳимоясида юриб, берган неъматларидан миннатдор эсанг, нима сабабдан арслонга яқинроқ бормайсан, токи у сени садоқатли маҳрамлари қаторига киритсин?

– Унинг қаҳру ғазабидан ҳам эмин эмасман.

ТЎТИ БИЛАН ҚАРҒА

Тўтини қарға билан бир қафасга қамадилар. Тўти қарғанинг ёқимсиз башарасини кўришдан додга келиб, ўз-ўзига дерди: “Бу қандай жирканч қиёфа, қандай баднамо башара, нақадар ёқимсиз шаклу шамойил ва нақадар бесўнақай жасад? Кошки эди иккаламизнинг орамизда ғарб билан шарқча масофа бўлса-ю, сенинг тасқара башарангни кўриб бунчалик азоб чекмасам!”

Қизиғи шундаки, қарға ҳам тўти билан бирга яшашдан қаттиқ азобланиб, афсус-надоматлар чекиб, тақдиридан шикваю шикоятлар қилиб дерди: “Нақадар бахти қаролик бу, толеим паст, фа-

лак бевафо экан! Менга муносиб улки, бошқа бир қарға билан бирга боғнинг деворида савлат тўкиб юрсам!

Не гуноҳим бор эканки, тақдир мени жазолаб, ўзига бино қўйган шундай аҳмоқ ва бемаъни, аблаҳ ва ножинс билан бирга банди-балога гирифтор қилиб қўйди?”

ИЛОННИНГ КАСБИ

Бир киши қўрққанидан ранги ўчиб, қони қочиб турган илонни кўриб:

– Ҳа, илон! Сенга нима бўлди? – деб сўраган экан, илон:

– Овчидан қочдим, у мени қидириб юрибди, мени бир нарса қилиб яшириб қол, агар мени ун-

дан қутқазиб қолсанг, бир умр яхшилик қилардим, — дебди.

У киши мукофот тама қилиб илонни қўйнига яширибди. Овчи кетиб, хавф йўқолгандан кейин ҳалиги киши илонга:

— Қани, мукофотни чўз, мен сени сиҳат-саломат сақлаб қолдим, — деган экан, илон унга:

— Қани, айтчи, қайси аъзойинг-ни чақай? Заҳар солишдан бошқа мукофотим йўқлигини ўзинг ҳам биласан-ку, — дебдида, ўша кишини чақиб ўлдирибди.

ТАҚЛИДЧИНИНГ АҲВОЛИ

Бир чумчуқ қўйлар ўтлаётган жойдан учиб ўтиб кетаётган экан, бир бургутнинг қўзилардан бири-

га ташланиб, уни чангаллаб олиб
учиб кетганини кўриб қолибди.
Чумчук буни кўриб, ўзини ҳам
катта фаҳмлаб, катта қушга
ўхшатиб қанотини ёзибди-да, мен
ҳам бу ишнинг уддасидан чиқаман
деб, ўша ондаёқ учибди. Юнги на-
матга айланиб кетган, елим каби
ёпишқоқ бўлиб қолган семизроқ
бир кўчқорнинг устига кўниб,
қанотлари билан уни бир урган
экан, иккала оёғи юнга ўралиб
қолибди. Учмоқчи бўлиб учолмабди.
Чўпон бу воқеаларни кўриб турган
экан, ғазабланиб келиб чумчукни
тутиб олибди. Қанотларини юлиб,
оёғидан ип боғлаб, болаларига олиб
бориб берибди. Болаларидан бири:

— Бу нима? — деб сўраса, чў-
пон:

– Бу ўзидан кучлироққа тақлид қилиб ҳалок бўлган қуш, – деб жавоб берибди.

ЧАЁН

Чаёндан сўрадилар:

– Нима учун қишда инингдан чиқмайсан?

Чаён жавоб берди:

– Ёзда чиқиб нима обрў кўрдимки, яна қишда чиқсам!

ДЎСТЛИК СИНОВИ

Бир қарға мушук билан жуда дўст бўлиб кетди. Улар ўрмондаги бир дарахт тагида ҳар куни ширин-ширин суҳбатлашиб ўтирардилар. Бир куни мана шун-

дай суҳбатлашиб ўтирган пайтларида узоқдан бир қоплоннинг булар томонга қараб келаётганини кўриб қолдилар. Қарға пир этиб учиб, дарахтнинг энг юқори шохига қўнди. Мушук нима қилишини билолмай дарахтга тирмашди. Зўр-базўр дарахтнинг энг паст шохига чиқиб олиб, барглар орасига яширинди ва қарғага зорланиб:

— Дўстим, ҳалокат остидаман, сенинг ёрдамингга муҳтожман, бир илож қилиб мени бу қўрқинчли аҳволдан қутқаз, — деди.

Ўша дарахтга яқин ерда чўпонлар юрган эдилар. Қарға учиб бориб чўпонларнинг итларидан бирининг бошига қаноти билан урди. Итлар қарғани тутиб олиш учун югурдилар. Қарға учиб бо-

риб яна бир ерга қўнди, итлар яна қарғани қувиб кетдилар. Шундай қилиб, қарға уча-уча итларни ўша дарахтнинг ёнига келтирди. Қоплон дарахт тагида мушукни ейишни мўлжаллаб турган эди. Итлар қоплонни кўра солиб, бирдан унга хужум қилишди. Қоплон тумтарақай бўлиб қочди, итлар унинг орқасидан қувлаб кетди. Шундай қилиб, қарға ўз дўсти мушукни ҳалокатдан қутқазди.

ДЎСТ ҚАЧОН ДУШМАНГА АЙЛАНАДИ?

Бир тулки йўл устида чор атрофга қараб турарди. Шу вақтда бир ит бир бўри билан дўстлик йўлига тушиб, бир-бирларига дахл

қилмасдан келиб қолдилар. Тулки ҳайратда қолиб, буларнинг бир-бирлари билан дўст бўлиб қолганларига нима сабаб эканини билмоқчи бўлди. Дарҳол ёнларига келиб салом берди. Таъзим бажо келтириб айтди:

— Шукр, қадимий душманлигингиз дўстликка айланган, гинадоватни унутиб иттифокда яшай бошлагансиз, муборак бўлсин, мен жуда хурсанд бўлдим, лекин бу дўстликнинг сабаби нима? Буни билиш орзусидаман. Агар билдирсангиз, жуда хурсанд бўлардим.

Ит тулкига шундай жавоб берди:

— Чўпоннинг қилган бевафолиги бизнинг дўстлигимизга сабаб бўлди. Кеча бу бўри қўйларига

хамла қилиб бир қўйни олиб кетди. Мен одатим бўйича бўрининг орқасидан югурдим. Қўйни зўрға қутқариб олиб, чўпонга келтириб топширдим. У бадбахт миннатдор бўлиш ўрнида мени уриб, кўп хафа қилди. Шундан кейин қадимги дўстим чўпонга душман бўлиб, душманим бўрига дўст бўлдим. Бўри билан дўст бўлишимизнинг сабаби мана шудир.

ЁМОНГА ЯХШИЛИК ҲАЙФ

Бир тиканли дарахт боғбонга:
— Агар мени боғнинг ўртасига ўтқазсанг, гул ва меваларим ҳаммага манзур ва мақбул бўлади, — деди.

Боғбон тиканли дарахтнинг сўзига ишониб, уни боғнинг ўртасига ўтқазди. Яхши тарбия қилди. Тиканли дарахт тез вақт ичида ўсиб, катта дарахт бўлди. Шохлари ҳар томонга қулоч отиб, ҳар бир шохидан найзадек тиканлар ўсиб чиқди, олдига ҳеч ким боролмади.

Боғбон яхши ҳидли гуллар ва мевали дарахтлар ўтқазган эди. Тиканли дарахт уларни ўраб олиб, ўсишларига, мева қилишларига ҳаляқит берди. Боғбон тиканли дарахтни боғнинг ўртасига, гул ва мевали дарахтлар орасига ўтқизгани учун пушаймон қилиб, дарҳол уни кесиб ташлади.

БИРОВГА ЧОҲ ҚАЗИСАНГ...

Бир бўри овқат талабида ҳар томонга югурарди. Хас-хашак устида ухлаб ётган қуённи кўриб, севинганидан у томонга қадам ташлади. Қуён унинг дамидан ва қадамининг товушидан уйғониб, қочишга ҳаракат қилди. Бўри унинг йўлини тўсиб, қочишга имкон бермади. Қуён қўрқиб, титраб бўрига ялина бошлади:

— Биламан, ваҳший ҳайвонлар амири жуда очдирлар, лекин мен кичик ва кучсиз бадан бирла ҳазрат амирга бир луқмагина бўламан, мени ейишдан ҳеч мурод ҳосил бўлмайди. Шу яқин орада семиз бир тулки яшайди. Агар ҳазрат

амир рухсат берсалар, уни бир хийла билан бу ерга келтираман, ҳазрат амир унинг гўштини еб, менадан хурсанд бўладилар, — деди.

Бўри қуённинг сўзидан завқланиб, тулкига интизор бўлиб ўтирди.

Ўша ерга яқин жойда бир маккор тулки яшарди. Қуён уни сира кўролмай, дилида унга гина-адоват сақларди. Бу қулай фурсатни ғанимат билиб, ундан ўч олмоқчи бўлди. Бўрини яқинроқ бир ерга яшириб, ўзи тулкининг уйига кириб салом берди. Тулки ҳам таъзим бажо келтириб, ундан қадам ранжида қилганининг сабабини сўради.

— Кўп вақтдан бери сиз билан суҳбатлашиш орзусида бўлсам ҳам

ишим кўплиги сабабли муродимга ета олмадим. Каромат эгаси бир эшон пиримиз бордирлар. Сизнинг хилватда ўтириб, тоат-ибодат билан машғул бўлганингизни эшитганлар. Шунинг учун уйимга келиб мени сизни олиб келмоққа юбордилар. Агар ижозат берсангиз, ҳузурингизга киришга муштокдирлар, — деди қуён.

Тулки қуённинг бу сўзларидан макр-ҳийла нақшини ўқиди ва кесак отганга тош отиш билан жазо берай, деб қуёнга хушомадлар қилиб айтди:

— Шундай азиз зот менга меҳмон бўлсалар, оёқларининг чанг-тупроқларини кўзимга сурма қиламан, лекин ташқарига чиқиб,

бир оз кутинг, уйимни супуриб тозалай, кейин чақираман, азиз меҳмон билан бирга кулбамга ташриф этинг, – деди.

Қуён ташқарига чиқиб, бўридан суюнчи олди. Тулки ҳар эҳтимолга қарши ўз уйида чуқур қудуқ қазиб, устини хашак билан ёпиб қўйганди, душман келганда, ундан қочиб қутулиш учун яширин бир йўл ҳам ҳозирлаган эди. Қуён чиқиб кетгандан кейин қудуқнинг оғзини хашаклар билан беркитиб:

– Қани, азиз меҳмонлар, қадам ранжида қилинглар, – деб қичқирди.

Бўри билан қуён тулкининг қопқоронғи, уйига қадам қўйишлари биланоқ, қудуққа тушиб кетдилар.

Тулки аввал тайёрлаб қўйган яшинин йўлидан қочиб кетди. Бўри: “Мени алдаб, қудуққа туширди”, деб гумон қилиб, қуённи икки бўлак қилди.

БИРОВНИНГ УСТИДАН КУЛМА

Бир қуён ҳар кун бир ўтлоқ ерда маза қилиб ўтлаб юрарди. Кунлардан бир кун унинг ўтлаб юрганини бургут кўриб қолди. Яшиндек учиб келиб уни чангалига олди-ю, ҳавога кўтарилди. Шўрлик қуён бургут чангалида инграб нола қиларди. Бир чумчуқ қуённинг бу аянчли ҳолини кўргач, уни мазах қилиб:

– Эй чопағон қуёнчам, сен жуда чопиб юрардинг, бу чопағонлигинг фойда бермадими? Нега бургут чангалига илиндинг? – деб кичқирди.

Шу пайтда яна бир йиртқич қуш чумчуқнинг товушини эшитди, дарҳол ҳужум қилиб, уни чангалига олиб ҳавога кўтарилди. Чумчуқнинг тутилганини кўрган қуён ҳам:

– Чумчуқжон, ҳолинг қалай? Сен жуда тез учар эдинг, қочиб қутулишга қанотларинг ёрдам бермадими? Нега тутилиб қолдинг? – деб кичқирди.

ЗУЛМ ОҚИБАТИ

Бир арслон икки кийик боласини даштда ўтлаб юрганини ва меҳрибон оналари уларни қўриқлаб турганини кўриб қолди. Дарҳол кийик болаларини овлаш қасдига тушиб югурди. Бечора она:

— Эй ҳайвонлар султони, бу икки норасида гўдакни овлаб ейишдан сенга нима манфаат бўлади? Нуридийдаларимнинг фироғи ўтида мени куйдирма, бағримни кабоб қилма, ахир сенинг ҳам фарзандларинг бор-ку, ўйла, мени фарзандларим доғида куйдирсанг, сенинг ҳам фарзандларингга бало етишадди, — деб фарёд қила бошлади.

Арслон она кийикнинг ноласига эътибор бермай унинг икки бола-

сини ўлдирди. Меҳрибон она фарзандларининг доғида ҳар томонга югуриб фарёд этарди. Шу вақт қора қулон етиб келди. Она кийикдан аламли воқеани англаб, у ҳам нола-фиғон қила бошлади. Кейин она кийикка тасалли бериб: “Кўп ғам ема, нобакор арслон тез кун ичида жазосини тортади”, – деб айтди.

Арслон кийик болаларига қасд қилган фурсатда бир овчи унинг икки боласини овлашга киришган эди. Арслон кийик болаларини ўлдирган чоғда овчи унинг болаларини ўлдириб, териларини шилиб олди. Арслон уйга қайтиб, болаларини ўлган, терилари шилиниб, тупроққа буланиб ётган ҳолда кўрди, фарзандлари ғамида

дод-фарёд қила бошлади. Шундай қилиб, қилган ёмонлигининг жазосини кўрди.

ИПАК ҚУРТИ ВА ЎРГИМЧАК

Кунлардан бир кун бир мутакаббир ўргимчак ипак қуртига:

— Мен сенга жуда ачинаман, бир озгина ипак учун шошмасдан ишлаб, кўп вақт сарф этасан. Мана, менга қара, тез-тез ишлаб, озгина вақт ичида бу деворнинг бошдан-оёғигача тўр ўраб битирдим. Менга ўхшаб шошиб-пишиб тўр ўрасанг бўлмайдими? — деди.

Ипак қурти унга:

— Тўғри, ишда суръат, тезлик керак, лекин сен сингари апил-

тапил ишлашдан фойда чиқмайди, шунинг учун тўринг ҳеч бир қимматга эга эмас, менинг тўрим эса жуда қимматли тўр, – деб жавоб берди.

АРИ БИЛАН ЧУМОЛИ

Бир ари кулфат ва машаққатлар билан бир донни ташиб кетаётган чумолини кўриб унга айтди:

– Эй чумоли, нега бунча ранжу аламни ўз устингга юкладинг, нега бунча машаққатни ихтиёр қилдинг? Кел, менинг ейиш-ичишимга бир қара, сен ҳам ундан баҳра ол. Мен хоҳлаган еримга қўнаман, хоҳлаган овқатимни ейман, сен бўлса, битта дон учун бунча машаққат чекасан, – деди-да, учиб бориб бир

қассобнинг сотиб турган гўшти устига қўнди. Қассоб пичоқ билан бир урган эди, икки нимта бўлиб ерга тушди, чумоли дарров келиб унинг оёғидан тишлаб, уясига олиб кета бошлади. Ари чумолидан:

– Мени қаерга олиб бораётибсан? – деб сўраган эди, чумоли:

– Ҳирс, очкўзлик балосига мубтало бўлиб, жойини билиб ўтирмаганнинг ҳоли мана шундай бўлади! – деб жавоб берди.

АҚЛ ВА САБР

Тулкига айтдилар:

– Нега оч юрибсан? Арслоннинг ёнига бор, ҳамма жониворлар унинг еб қолдирган овқатидан фойдаланади. Сен ҳам унинг ёнига

борсанг, овқатидан еб тўйиб юрасан.

Тулки уларга:

— Арслон — қўрс, жоҳил, бадфеъл бир ҳайвон. Бир куни мени ҳам еб, қолган этимни бошқа жониворларга бериши мумкин. Мана шундан қўрқиб, унинг ёнига яқинлашишни асло истамайман, — деди.

ТАМАГИРЛИК ОҚИБАТИ

Чўл-сахродан ўтиб кетаётган бир овчи шўхлик қилиб югуриб ўйнаб юрган тулкини кўриб қолди. Тулкининг чиройли териси унга ёқиб қолди, ўз-ўзига: “Бу тулкини ўлдириб, терисини қимматбаҳога сотаман”, деб ўйлади. Тулки ўз

инига кириб кетгач, овчи унинг инига яқин жойда чуқур кавлади, устини чўп ва хас билан ёпди-да, бир парча гўшт ташлаб қўйди. Ўзи эса панароқ жойга беркиниб, тулкининг чуқурга тушиб кетишини кутиб турди.

Тулки инидан чиқиб, чўп-хаслар билан беркитилиб, устига бир парча гўшт ташланган чуқурни кўриб ҳайрон бўлди ва ўз-ўзига: “Бу иш мени ўлдириб, теримни олмоқчи бўлган овчининг ҳийла-найранги бўлса керак. Нафсим гўштни олиб ейишни истайди, лекин бу гўшtdан ўлимнинг ҳиди келиб турибди. Донишмандлар хатарли ишни қилишни буюрмайдилар. Оқил, донолар: “Сенга икки ишдан бирисини қилиш керак бўлиб қолса, улар-

дан қайсиси хавф-хатарсиз бўлса, ўша ишни қилишга қадам қўй”, деб бежиз айтмаганлар. Ҳар ҳолда, нафсимга бир уриб, гўшти олиб емаслигим керак”, деб қочиб, инига кириб кетди.

Шу вақтда тоғ устида юрган бир оч қоплон гўштнинг ҳидини сезиб қолди. Тоғдан тушиб, чўп-хаслар билан беркитилган чуқур устидаги гўшти олмоқчи бўлган эди, бирдан чуқурга тушиб кетди. Овчи чуқур тубига тушиб кетган ҳайвонни тулки деб хаёл қилади. Қўлга илинган ўлжани олмоқ пайида югурганича келиб, ўзини чуқурга ташлади. Қоплон бу одам гўшти мендан олмоқчи деб ўйлаб ҳарис ва тамагир овчини пора-пора қилиб ҳалок этди. Шундай қилиб, хирс ва тама

туфайли овчи ҳалокатга учради.
Аммо тулкини қаноат шарофати
балодан қутқазди.

ГАДО ИТДАН БАТТАР

Итдан сўрабдилар:

— Нима учун сен бор уйга гадо
қадами етмайди, сен ётган остона-
дан тиланчи ҳатлаб ўтмайди?

— Мен тамадан йироқман, —
дебди ит, — тамасизликни суяман.
Менга беминнат насиба — хизма-
тимга яраша бир бурда нон, ки-
чикдир-каттадир бир устухон ки-
фоя. Гадо-чи? У ҳамиша очман
деб тиланади. Қўли доимий чў-
зилган. Халтасида бир ҳафталик
нон-у, ўзи очман деб нолон. Тама-
дан йироқлигим туфайли тамагирга
ўртоқ бўлолмайман.

БАДНАФС ТУЛКИ

Йўлда икки қўчқор бир-бири билан урушар эди. Улар бир-бирларини ярадор қилган ва жароҳатларидан қон томар эди. Бир тулки келиб томган қонларни яларди. Икки қўчқор шохларини тўғрилаб, бир-бирларига ташланганларида, тулки ўртада қолиб, мажақланиб кетди.

КУЧ ЕТМАСА, ҲИЙЛА ҚИЛ

Бир қарға тоғдаги дарахтга ин қурибди. Унинг яқинида бир илон уяси бўлиб, қарға бола очиши билан илон унинг болаларини еб қўяверар экан. Бир куни қарға насиҳат қилмоқчи бўлиб, илоннинг ёнига келди:

– Ёдингда сақла, шундай масал бор: “Зулм қиличини ишлатган – худди шу қиличдан ўзи ҳалок бўлади!”

Қарғанинг бу насиҳати илонга таъсир қилмади. Шундан кейин қарға ўз дўсти шағолнинг ёнига келди:

– Бу золимнинг зулмидан бир илож қилиб қутулмоқчиман.

Шағол сўради:

– Қандай қилиб қутулмоқчисан?

Қарға деди:

– Илон ухлаган вақтда тумшуғим билан унинг кўзларини ўйиб оламан, зора шундан кейин жондан азиз болаларим унинг балосидан ҳалос бўлсалар.

Шағол деди:

– Бу тўғри тадбир эмас, душманга қарши шундай бир тадбир кўрки, ўзингга зарар етмасин. Сен ҳавога парвоз қилиб, уй ва кўчаларга назар сол. Агар кўзинг бирор қимматбаҳо нарсага тушса, уни олиб парвоз қил. Лекин шундай учгинки, одамлар сени кўриб турсинлар ва қимматбаҳо нарсани қайтариб олиш учун орқангдан эргашсинлар. Сен илон уясига ҳалиги нарсани ташла. Шунда одамлар илонни ўлдириб, нарсани олиб кетадилар ва сенинг жонинг омон қолади.

Қарға учиб бориб, бир ҳовлига қўнди. Бир хотин марваридини ерга қўйиб, юз-қўлини ювар эди. Қарға марваридни олиб қочди ва шағол айтганидек, уни уяси олди-

да ётган илоннинг ёнига ташлади. Қарғага эргашиб келган кишилар илонни ўлдирдилар ва марваридни олиб кетдилар.

ҚУЁННИНГ ҲИЙЛАСИ

Ёввойи ҳайвонлар суви мўл, ўти сероб бўлган бир ўрмонда роҳат-фароғатда яшашар, лекин ўша яқинда яшовчи бир шер уларнинг тинчлигини бузар, еганларини ҳаром қилар эди. Бир кун ҳайвонлар иттифоқ бўлишиб, шер қошига бордилар:

— Биз учун қийналиб, биттамыз-ни аранг тутиб ейсан. Сен ҳамиша бизни қидириб, роҳатингни бузасан, биз эса қўрқув ичида яшаймиз. Бугун маслаҳатлашиб, сени ҳам

заҳматдан қутқариш, ўзимизнинг ҳам роҳатимизни таъминлаш мақсадида шундай хулосага келдик: агар сен ҳужум қилиб, бизни қўрқитмасанг, ўзимиз ҳар куни ичимиздан овқат вақтида сенга бир жонивор келтириб берамиз.

Шер рози бўлди. Бир неча муддат аҳвол шу йўсинда давом этди.

Бир куни навбат қуёнга етди. У дўстларига деди:

– Агар мени шоширмасангиз, сизларнинг ҳаммангизни бу қонхўр, ғаддор золимнинг дастидан қутқараман.

Ҳайвонлар дедилар:

– Қаршилигимиз йўқ.

Қуён шошмасдан шер олди-га равона бўлди. Шернинг ов-

катланадиган вақтида етиб бормади. Шер очиқиб қолди, унинг кўзлари қонга тўлиб, тишларини фижирлатиб турар эди. Қуённи кўргач, наъра тортиб деди:

— Қаердан келдинг, хайвонлар нима қилмоқдалар?

Қуён жавоб қилди:

— Подшоҳ омон бўлсинлар, хайвонлар менга қўшиб яна бир қуённи юборган эдилар. Йўлда ногоҳ бир шер учраб, шеригимни олиб қолди. “Бу подшоҳ ҳазратларига аталган тортиқ, қўйиб юборинг”, десам: “Бу ер менинг жойимдир, мен кучда ҳам, шону шавкатда ҳам ундан ортиқман, шунинг учун бу ердаги овлар аввал менга тегишли”, деб лоф урди. Мен сизга хабар қилиш учун қочиб қошингизга келдим.

Шер ғазаб билан ўрнидан сакраб туриб:

– Уни менга кўрсат! – деди.

Қуён олдига ўтиб, йўлга тушди, шер эса унинг кетидан борарди. Қуён уни бир чуқур қудуқ лабига келтирди. Қудуқ суви ниҳоятда тиниқ эди, кимки унга қараса, ўз аксини аниқ кўrsa бўлар эди.

Қуён деди:

– Ўша шер шу қудуқда, лекин мен ундан кўрқаман, агар сиз мени ўз бағрингизга олсангиз, кўрсатаман.

Шер қуённи ўз қучоғига олиб, қудуққа қаради. Қудуқда ўзига ўхшаш бир шерни ва унинг қучоғида қуённи кўрди. Шунда қуённи ерга қўйиб, ўзини қудуққа отди ва ҳалок бўлди.

БОЛА ШАРОИТГА ҚАРАБ КЎПАЙТИРИЛАДИ

Мусичадан сўрадилар:

— Нима учун сен фақат икки-тагина бола очасан? Ёки товуклар каби кўп бола очишга қувватинг етмайдими?

— Мусича болалари ота-онасининг жиғилдонидан озиқланади, — жавоб берди у. — Товук болалари эса кўзига кўринган ахлатни титиб қорин тўйғазади. Бир жиғилдондан иккитадан ортиқ болани тўйғазиб бўлмайди, бир ахлат уюмидан эса минглаб жўжа ризқини топиб ейди.

УЧ БАЛИҚ

Йўлдан узоқ, ўткинчилардан холи бир ерда кўл бўлиб, унда уч балиқ яшар, иккиси ақлли ва эҳтиёткор, бири эса хом ва тажрибасиз эди. Кунларнинг бирида тасодифан икки овчи кўл ёнидан ўтиб қолди. Кўзлари учта балиққа тушиб, эртага келиб уларни тутишга ваъдалашиб, жўнаб кетдилар. Балиқлар бу сўзларни эшитдилар. Уларнинг бири тадбирли бўлиб, золим замонанинг зулми ва ғаддор фалакнинг вафосизлигини кўрган, ақл ва тажриба орттирган эди. У дарҳол эҳтиёт чорасини кўриб, сув келар тарафдан чиқиб, бошқа кўлга бориб олди. Кўп вақт ўтмай балиқчилар келиб, сувнинг кирар

ва чиқар томонини маҳкам беркитдилар.

Биринчи балиққа нисбатан тажрибасизроқ, лекин ақл ва фаросатдан маҳрум бўлмаган иккинчи балиқ вазиятни кўриб шундай деди:

— Фурсатни кўлдан бердим, ғофиллар ишининг охири шундай бўлади. Энди тадбир ва хийлани ишга солиш пайти келди. Типирчилаб у ёқ-бу ёққа қочган билан фойда йўқ. Умидсизликка тушмай, нажот йўлини ахтариш керак.

Шундай деб, балиқ сув юзига қалқиб чиқди ва ўзини ўлганга солиб ётди. Бир балиқчи уни олиб, ўлган гумон қилди ва сув чиқиб кетадиган ариқ бўйига ташлади.

Балиқ судрала-судрала оқар сувга тушиб олди, хийла ишлатиб ўз жонини қутқарди.

Хом ва тадбирсиз балиқ эса ўзини йўқотиб, у ёқдан-бу ёққа қочиб юрар, гоҳо сув остига шўнғир, гоҳо юзага чиқар эди — оқибат балиқчилар тўрига илинди.

ТОШБАҚА БИЛАН ЧАЁН

Тошбақа билан чаён дўст эдилар. Улар бир кун сафарга отландилар. Ногоҳ йўлда бир анҳорга дуч келдилар. Чаён ўта олмаслигини сезиб, хайрон бўлиб тўхтади.

Тошбақа деди:

— Эй азиз дўстим, сенга нима бўлди, ғамгин бўлиб турибсан?

Чаён деди:

– Биродар, мен бу сувдан қандай ўтаман, деб ҳайронман.

Тошбақа деди:

– Ғам ема, орқамга миндириб, сени сувдан беҳатар ўтказиб қўяман.

Тошбақа чаённи орқасига миндириб, сувга тушди. Сузиб бораётганида унинг қулоғига бир нарсанинг тиқирлагани эшитилди ва чаённинг ҳаракатидан шубҳаланиб сўради:

– Эшитаётганим қандай овоз, нима қияпсан?

Чаён жавоб берди:

– Нишимни сенинг қалқонингга санчиб кўраяпман.

Тошбақа деди:

– Мен ўзимни гирдобга ташлаб, сени сувдан беҳатар ўтказмоқчи

бўлсам-у, сен орқамга ниш урсанг. Биласанки, найзанг менинг қалқонимга зарар етказолмайди.

Чаён деди:

– Менинг одатим хоҳ дўст орқасига, хоҳ душман кўксига бўлсин, ниш уришдан иборат.

– Донишмандлар ёмонга яхшилик қилма, деб бекорга айтмаганлар.

Шундай деб, тошбақа сувга шўнғиди, чаён эса чўкиб, ҳалок бўлди.

ФАРОСАТСИЗ ЎРДАК

Бир ўрдак тиниқ сувда ойни кўриб, уни балиқ деб ўйлади ва сувга шўнғиди, лекин ҳеч нарса топмади. Бир неча маротаба шўнғиб

чарчагандан кейин бу ишнинг баҳридан кечди. Бир неча кундан кейин қўлга росмана балиқлар сузиб келдилар, лекин ўрдак ҳар гал балиқ кўрганда уни ойнинг аксигумон қилиб, уларни тутиб ейишга ҳаракат қилмади. Шундай қилиб, янглиш тажриба натижасида у ҳамиша очлик билан кун кечирди.

МУНОФИҚ ДЎСТЛАР

Бир зоғ, бўри ва шағол бир шернинг хизматида бўлиб, уларнинг маскани йўл устида эди. Бир кун бир савдогарнинг туяси карвондан айрилиб, ўрмонга келиб қолди. Шерни кўргач, унга бош эгиб салом берди. Шер ҳам мулоқимлик билан бу ерга қандай ке-

либ қолганлигини суриштирди. Туя аҳволни гапириб бергач, шер:

– Энди нима қилмоқчисан? – деб сўради.

Туя деди:

– Шоҳимнинг ихтиёри нима бўлса шу.

Шер деди:

– Майлинг бўлса, менинг ёнимда қолиб, роҳат-фароғатда яша-шинг мумкин.

Туя буни эшитиб, шоду хуррам бўлди, ўша ўрмонда ўтлаб, семириб юраверди. Кунлардан бир куни шер овга кетаётганида бир маст филга дуч келди. Ўрталарида шиддатли уруш бошланди. Шер оғир ярадор бўлиб, инграй-инграй ўрмонга қайтди ва бир бурчакда

инграб ётди. Бир неча кун овга чиқа олмади. Шернинг овига шерик бўлиб юрган бўри, зоғ ва шағол оч қолдилар. Бунни сезган шер уларга деди:

– Оч қолиб қийналаётганга ўхшайсизлар, бу яқинда бирор ов кўрсангиз хабар беринглар, мен уни ушлаб парчалай. Сизнинг ҳам қорнингиз тўяди, менинг ҳам.

Улар ташқарига чиқиб, маслаҳат қилдилар:

– Туя бизнинг орамизда ортиқча. Унинг шерга нима нафи бор-у бизга нима фойдаси? Хеч биримизга ўртоқ бўла олмайди. Ҳозир шерни мажбур қиламиз, уни есин, қолдиғи бизга тегади.

Шағол деди:

– Бу гапни шерга айтиб бўлмайди, чунки шер унга омонлик бериб, ўз хизматида олиб қолган. Кимки подшоҳни хиёнатга йўллаб, аҳд-паймонни бузишга даъват этса, дўст-ошналарини бало тузоғига ташлаган бўлади. Бахтсизлик ўқини ўзига қаратган бўлади.

Зоғ деди:

– Бу вазиятда шундай ҳийла ишлатиш керакки, подшоҳнинг ўзи ўз аҳдини бузишга мажбур бўлсин. Сизлар шу жойда тек турунглар, мен ҳозир келаман.

Зоғ учиб шер қаршисига борди ва таъзим қилиб турди. Шер сўради:

– Бирор нарса топдингизми?

Зоғ деди:

– Очликдан кўзларимиз ҳеч нарсани кўролмайди. Агар подшоҳ розилик берса, ҳаммага етадиган бир неъмат бор.

Шер деди:

– У нима деганинг?

Зоғ деди:

– Ана у туя бизларнинг орамизда бегона. Унинг бу ерда юришидан шоҳга ҳеч фойда йўқ.

Шоҳ ғазаб билан деди:

– Бу гапинг инсоф ва муруватдан эмас, буни виждон қабул қилмайди. Мен туяга берган ваъдамни қандай буза оламан?

Зоғ деди:

– Мен буни ҳам ўйлаб қўйдим. Донишмандлар айтибдиларки, фалокат юз берганда бир кишини бир оила учун, бир оилани бир

қабила учун, бир қабилани бир шаҳар учун, шаҳар аҳолисини эса подшоҳ учун фидо қилса бўлади. Аҳдни бузмаслик учун ҳам бир важ ва илож топилади. Шунда аҳд ҳам бузилмаган бўлади, подшоҳ ҳам очлик таҳликасидан қутулган бўлади.

Шер буни эшитгач, бошини қуйи солиб ўтирди.

Зоғ ўз дўстлари қошига келиб деди:

– Шер бошда ғазабланиб, гапимга қулоқ солгиси келмади, охирида индамай қолди. Энди маслаҳат шуки, ҳаммамиз туянинг олдига бориб, шернинг очликдан азоб чекаётганини гапириб берайлик ва айтайлик: “Шернинг давлати соясида тўқ ва шод-хуррам кун кечир-

дик. Агар энди унинг бошига оғир кун келганда шоҳ учун жонимизни фидо қилмасак, нонкўр бўламиз”. Кейин шернинг ёнига борамизда, унинг бизга катта илтифотлар кўрсатганини эътироф этиб, жонимизни унга қурбон қилишга тайёрлигимизни айтамиз, ҳар биримиз навбат билан: “Шоҳ бугун мени есинлар”, деймиз. Бошқаларимиз: “Йўқ, мени енг”, деб туриб оламиз. Шундай қилиб, биз ҳам шерга бўлган миннатдорчилигимизни изҳор этган бўламиз, ҳам саломат қоламиз.

Улар алдаб-сулдаб туяни ўз сўзларига кўндирдилар, туя шернинг ҳузурига боришга рози бўлди. Ҳаммалари шернинг қошида бош эгиб таъзим қилдилар.

Сўзни зор бошлади:

– Шоҳнинг умри узун, давлати боқий бўлсин! Бизнинг тирикчилигимиз шоҳнинг соғлиғига боғлиқ. Шоҳнинг бошига мусибат тушгандан кейин бизнинг яшашимизнинг нима маъноси бор? Бўйим кичкина ва вужудим заиф бўлишига қарамай, мен ўзимни шоҳ ҳазратларига фидо қилишга қарор қилдим. Агар шоҳ менинг гўштимни емоқчи бўлсалар, марҳамат тайёрман.

Бошқалари дедилар:

– Сенинг гўштинг билан ким тўяди?

Шағол сўз бошлади, у ҳам зорга ўхшаб ўзининг фидокорлигидан лоф ура бошлади. Шериклари унга:

— Сенинг гўштинг сассиқ ва зарарли, шоҳга лойиқ эмас, — дедилар.

Ундан кейин бўри гап бошлаб, ўз гўшти яхшироқ эканини айтди. Шериклари бўрига ҳам эътироз билдириб:

— Сенинг гўштинг қаттиқ, томоққа тиқилиб қолади ва захарлайди. Сени ҳам еб бўлмайди, — дедилар.

Навбат бечора туяга етди. У маккор шерикларининг “самимий”-лигига ишониб, ўз гўштининг тоза ва лаззатлилигини мақтай кетди. Ҳаммалари бир овоздан унинг сўзини қувватладилар:

— Жуда тўғри ва чин юракдан гапиряпсан, ўзинг чиройлисан, гўштинг мазали, подшоҳ ҳаз-

ратларининг мижозларига жуда мос келасан, бошқаларга ҳам етади, — деб ҳаммалари туя устига ёпирилиб, бечорани пора-пора қилдилар. Шу йўсинда туя уларнинг ҳийла тузоқларига илиниб, ҳалок бўлди.

ЎРДАКЛАР ВА ҚУРБАҚА

Бир кўлда икки ўрдак ва бир қурбақа яшардилар. Қўшни бўлганлари учун улар бир-бирлари билан дўст ва иттифоқ эдилар. Бирдан ғаддор фалак уларнинг тинчгина турмушини бузди. Уларнинг ҳаёт манбаи бўлган сув камая бошлади. Бунини кўрган ўрдаклар қурбақа ёнига келиб дедилар:

— Видолашмоққа келдик, эй азиз дўстимиз, саломат қол!

Қурбақа бу гапни эшитиб, нола қилди ва кўз ёшларини оқизиб деди:

— Эй менинг азиз дўстим ва меҳрибон биродарларим! Сувнинг озайиши мен учун яна ҳам даҳшатлидир, мен сувсиз яшай олмайман. Энди мурувват вақти келди, мени ҳам халос этиш учун бир тадбир кўринглар!

Ўрдақлар дедилар:

— Сендан айрилиш ва ҳижрон дардини чекиш биз учун ҳам оғир. Сендан ажралиб қаерга кетмайлик ва қандай нозу неъматлар ичида яшамайлик, бизга татимайди. Лекин сен ўз дўстларинг насиҳатларига қулоқ солмайсан, ўз фойдангни ту-

шунмайсан. Сени ҳам бирга олиб кетишимизни хоҳласанг, бир шартимиз бор: осмонга кўтарилгандан кейин бизни ким кўрмасин ва нима демасин, индамайсан, оғизни маҳкам юмиб кетаверасан.

Қурбақа деди:

– Розиман. Айтганингизни қиламан, тишимни тишимга қўйиб, нафасимни чиқармайман.

Ўрдақлар бир новда топиб келтирдилар. Қурбақа унинг ўртасидан тишлади, ўрдақлар икки бошидан тишлаб, осмонга кўтарилдилар. Одамлар уларни кўриб, таажжуб билан ўнг ва сўлдан:

– Ўҳ-ҳў, анавини қаранглар, ўрдақлар қурбақани учуриб олиб кетяпти, – деб қичқира бошладилар.

Қурбақа бир муддат индамай борди, кейин ўзини тута олмай, “Кўролмаганларнинг кўзи чиқсин!” демоқчи бўлиб оғиз очган эди ҳамки, ерга тушиб чилпарчин бўлди.

МАЙМУНЛАР

Бир тўда маймунлар бир тоғда яшар эдилар. Бир кун қуёш ботиб, дунё юзини зулмат пардаси қоплаганда аёвсиз изғирин ҳар томонга югуриб, маймунларга ҳужум қила бошлади. Бечора маймунлар совуқдан титрар ва исиниш учун бирон чора ахтарар эдилар. Ногоҳ бир жойда ялтироқ қуртни кўриб қолдилар. Уни чўғ деб ўйлаб, талай ўтин йиғиб, атрофига қаладилар ва

ҳадеб пуфлай бошладилар. Уларнинг қаршиларидаги дарахт устидаги бир қуш:

— Бу олов эмас, кечалари ялтираб кўринадиган ялтироқ қурт, — деб қичқириб, фарёд қилар, маймунлар эса унинг гапига эътибор бермас эдилар. Шу аснода ўткинчи бир одам келиб аҳволни кўрди ва қушга:

— Ўзингни кўп койитма, улар сенинг сўзингга қулоқ соладиган, фойдасиз ишдан воз кечадиганлардан эмас, уларга насиҳат қилиш — қилични тошга уриш ва шакарни сув остига бекитиш билан баробардир, — деди.

Қуш одамнинг сўзларига эътибор бермай, маймунларнинг хатосини тушунтириш учун дарахтдан

тушиб, улар ёнига келди. Маймунлар уни ўраб олиб, бошини узиб ташладилар.

ТУЗОҚҚА ЎЗИ ТУШДИ

Бир қурбақа илонга қўшни эди. Қурбақа ҳар болалаганида илон унинг болаларини еб кетарди. Қурбақанинг бир қисқичбақа дўсти бор эди. Бир куни қурбақа унинг ёнига бориб, деди:

— Эй биродар, менга бир чора кўрсат. Кейинги пайтларда бир зўр ва шафқатсиз душман пайдо бўлиб қолди, у билан олишиб ен-голмайман, ўзим бу ерга ўрганиб қолганим учун ҳеч қаяққа кетолмайман. Манзилим гўзал, об-ҳавоси мусаффо, ери зумраддек ям-яшил.

Қисқичбақа деди:

— Ғам ема. Ўзингдан кучли душманни ёлғиз ҳийла билангина енгиб бўлади.

Фалон жойда латча деган бир ҳайвон яшайди. Сен бир қанча балиқ тутиб, уларни ўша ҳайвоннинг уясидан то илоннинг инигача тўкиб бор. У ҳайвон ҳид билиб уясидан чиқади, балиқларни еб-еб, илоннинг уясигача келади ва сен илондан халос бўласан.

Қурбақа шу ҳийла билан илонни ўлдиртирди.

Бир неча кундан сўнг ҳалиги ҳайвон овқат излаб, бояги балиқ еган йўлидан келди, лекин балиқни топмай, қурбақани ва унинг болаларини еб кетди.

ЁҒ ВА ПИЛИК

Одамлар чироққа ёғ қуйишди. Пилик эса “энди пичоғим ёғ устида” деб ўйлаб, оловга кўпроқ ёғни рўпара қилаверди... Лекин ҳақ жойида қарор топди: пиликнинг боши ҳар кеч қирқиладиган бўлди.

ЎРГИМЧАК ВА ПАШША

Пашшаой ўргимчак тўрага тақлид қилиб яшарди. Ўргимчак тўранинг катта-катта тиниқ кўзлари, мағрур салобати, узоқ вақт офир сукутича тура олиши, ўзининг ипак йўлларида назокат билан қадам ташлаши, мардлиги — ҳамма-ҳаммаси пашшаойнинг юксак иде-

аллари, орзуси эди. Буни у ҳеч кимга айтмас, у ҳақда гапиришни ҳам ўринсиз деб билар, ўргимчак тўранинг номига номуносиб сўзлар ишлатиб қўйишдан қўрқарди.

Ё фалак! Бир куни пашшаойнинг юракчаси ёрилиб кетай деди. У олий ҳазратлари томонидан зиёфатга таклиф этилган эди.

Бормасинми, оҳ?! Борди! Бу ерда ҳамма нарса гўзал эди! Пашшаой ҳаяжонланар, ўргимчак тўра билан ёлғиз ўтирганидан тили тутилиб гапира олмас, нафаси сиқилиб борар эди. У буни билдирмасликка тиришар, лекин борган сари негадир ҳолдан тояётган эди.

Пашшаой ўзининг кўринмас бир тузоққа тушиб қолганини, ўлаётганини жуда кеч пайқаб қолди.

Жуда кеч... Лекин шунда ҳам миқ этмади, фақат жони чиқаётган пайтда бир сўз дея олди, холос:

– Ўлсанг ҳам энг ишонган кишининг алдовидан ўлма экан!..

КЎРШАПАЛАКНИНГ ЖАВОБИ

Кўршапалакдан:

– Оламга нур таратиб, ҳаёт бағишловчи қуёшни кўришдан нега ор қиласан – бунинг сабаби нима? – деб сўрадилар.

– Ҳаё, – деб жавоб берди у.

ЧУВ ТУШГАН ТУЛКИ

Бир куни тулки овқат излаганича ҳар томонни кеза бошлади. Тасодифан бир товукқа кўзи ту-

шиб, уни тутишга бел боғлади. Шу пайт қулоғига баланд бир овоз эшитилди. У чор атрофга қараб, дарахт тепасида турган йўғон гавдали, семиз бир нарсани кўрди. Иштаҳаси очилиб кетди. Ўша семиз нарсага эришиш мақсадида юз ранжу кулфат билан дарахт тепасига чиқди ва унга чанг солди. Ўша нарсанинг ичи бўм-бўш бўлиб, ҳаводан ўзга нарса йўқ эди. Тулкининг очкўзлиги туфайли бу ноғора унинг кўзига семиз ҳайвон бўлиб кўрингани маълум бўлди. Шамол таъсирида дарахт шохлари тебраниб, унга урилар ва чиқаётган овоз ҳайвон товушига ўхшаб кетарди. Тулкининг дили ҳасрат ўтидан куйиб, надомат ёшларини тўкди. Сўнгра ўзига деди:

– Эссиз, бу ҳаводан шишган нарсани деб ҳалол овимни қўлдан чиқардим, фойдасиз бу йўфон гавдадан ҳеч манфаат етмади!

ДУШМАНИНИ МЕНСИМАГАННИНГ АҲВОЛИ

Бир том бўғотида икки чумчуқ ин қўйган эдилар. Улар бир куни бола очдилар. Икковлари навбатманавбат болаларини боқиш учун овқат излаб кетар эдилар. Кунлардан бир куни эркак чумчуқ келганда она чумчуқ ўз ини олдида парвона бўлиб учиб юрганини кўриб, нима гаплигини сўради.

Она чумчуқ жавоб берди:

– Бир лаҳза ғойиб бўлган эдим, келсам, бир ҳайбатли илон келиб,

болаларимизга қасд қилаётган экан. Шунча ялиниб-ёлвордим бўлмади, кейин таҳдид қилишга ўтдим: “Бу ишингдан қайт, йўқ эса болаларимнинг отаси билан интиқом камарини белимизга боғлагаймиз”, – дедим, бўлмади. Фарёду зоримга қарамай, инимизга кириб, болаларимизни еди, ҳозир ҳам ўша ерда ётибди.

Ота чумчуқ ғазабдан ёниб, нима қилишини билмай турган эди, шу вақт уй эгаси қорачироқ ёқмоқчи бўлиб, пиликни ёндирди ва энди уни чироғдонга қўймоқчи бўлганда, чумчуқ париллаб учиб келиб, ёниб турган пиликни олиб қочди, уни бўғотдаги инга отди. Уй эгаси уйга ўт кетишидан қўрқиб, дарҳол томга чиқди ва бўғотни очиб, ўтни

ўчиришга уринди. Шу маҳал илон оловдан қутулиш учун бўғот очилган томондан бошини чиқарган эди, уй эгасининг кетмони келиб, бошини чирт узди.

БЎРИ ВА ЭЧКИ

Эчки баланд иморатнинг томига чиқиб, ўша ердан бўрига дўқ ура бошлабди.

Бўри унинг ингичка овозига бирпас қулоқ бериб турибди-да, кейин шундай дебди:

– Ҳой эчки полвон, бунчалик чиранма! Бу жасоратли сўзлар оғзингдан эмас, ўтирган ерингдан чиқяпти!

СИЧҚОН БИЛАН ҚУРБАҚА

Бир қурбақа ўрмон четида яшар, гоҳ-гоҳ булоқ четига чиқиб, ҳаво олиб ўтирар ва ўзини булбул фаҳмлаб, ёқимсиз овози билан сайрар ва хушовоз қушларнинг энсасини қотирар эди.

Бир куни сичқон ўз инида бир иш билан машғул эди. Қурбақанинг хунук овозини эшитиб, ҳайрон бўлди. Хонанданинг юзини кўрмоқчи бўлиб ташқарига чикди ва унинг совуқ башарасию бемаъни ашуласидан таажжубланиб, қўлларини бир-бирига уриб бошини қимирлата бошлади. Қурбақа бу ҳолни кўриб, у менга таҳсин айтаётир, деб хурсанд бўлди ва сичқон билан ошна бўлиш орзусига тушди. Хуллас,

сичқон билан қалин оғайни бўлиб олди. Улар бир-бирларига ажойиб ҳикоятлар айтиб бериб, вақтларини чоғ этар эдилар.

Бир куни сичқон қурбақага деди:

– Неча вақтдан бери сен билан суҳбатлашгим келиб, булоқ ёнига келсам, сен сув остида бўласан, қанчалик баланд овоз билан чақирсам ҳам эшитмайсан.

Қурбақа деди:

– Тўғри айтасан, мен ҳам кўпдан бери шуни ўйлайман. Баъзан мен қирғоққа чиқиб, сени тополмайман, сен бошқа тешикдан чиқиб кетган бўласан. Мен анчагача мунтазир бўлиб ўтираман. Энди бу ишнинг тадбирини ҳам ўзинг кўриб, муаммони ўзинг ҳал этсанг.

Сичқон деди:

– Энг яхши тадбир шуки, мен бир узун ип топаман, унинг бир учини сенинг оёғингга, иккинчи учини ўзимнинг оёғимга боғлайман. Ҳар вақт сувнинг лабига келиб, ипни қимирлатсам, дарҳол чиқасан. Агар сен ҳам менинг ёнимга келмоқчи бўлсанг, ипни тортиб, мени хабардор қиласан.

Икковлари ҳам бу тадбирни маъқул топиб, кўп вақтгача шу усул билан бир-бирларидан хабардор бўлиб, кўришиб юрдилар. Бир куни сичқон сув ёқасига келди. Қурбақани чақириб, суҳбат қилай деб турган эди, ногоҳ бир қарға бало-қазодек ҳаводан тушиб, сичқонни кўтариб учди. Оёғидан ипга боғланган қурбақа ҳам улар

билан ҳавога кўтарилди. Сичқон қарға тумшуғида, қурбақа эса пастрокда осилган ҳолда учиб борар эдилар. Бу ҳолни кўрган одамлар ҳайрон бўлиб дер эдилар:

— Қизик, қарға ўз одатига ҳилоф равишда қурбақани олиб кетяпти, ахир, ҳеч вақт қурбақа қарғага ов эмас эди-ку. Сичқон билан дўстлигининг касофатидан қурбақа бу балога мубтало бўлибди. Кимки ножинсга қўшилса, жазоси мана шундай бўлади.

ТОЗИ ВА ОҲУ

Този ит оҳуни қувибди.

— Менга етиб бўпсан! — дебди оҳу.

— Нега? — деб сўрабди ит.

– Чунки мен ўзимни қутқаргани югураман, сен эса хўжайинингга ёқиш учун югурасан!

ЗЎРАВОННИНГ ҲАЛОКАТИ

Бир маймун ҳамжинсларидан четланиб, ўрмоннинг бир бурчагида яшар, атрофда бир неча анжир дарахти бўлиб, у ҳар куни анжир қоқиб тўйгунча ер, қолганини қуритиб, қишга ғамлаб қўяр эди.

Маймун бир куни ўз одати бўйича анжир дарахтига чиқиб анжир тераётганида тасодифан бир чўчка овчидан қочиб, бу ерга келиб қолди. Маймуннинг кўзи чўчкага тушиб, кайфи учиб кетди. Чўчка ҳам маймунни кўриши билан

мархабо, деб салом берди. Маймун эса истехзо билан деди:

— Агар илгарироқ одам юбориб, хабар берсалар, зиёфат тайёргарлигини кўриб қўяр эдик. Энди яхши кутиб олмасак, айбга буюрмагайсиз.

Чўчка деди:

— Мен узоқ йўлдан келяпман, нима бўлса ҳам иштаҳа билан ейман. Такаллуф қилмай, бор нарсангни олиб кел.

Маймун анжир қоқиб берди. Чўчка иштаҳа билан еб олди, лекин тўймади. У маймунга деди:

— Эй мезбон, қорним тўймади, нафсим қонмади, бошқа дарахтни қоқиб бер.

Маймун оғрина-оғрина яна бир дарахтни қоқиб берди. Чўчка ҳаял

ўтмай ҳамма анжирни еб тугатди, кейин бошқа дарахтга ишора қилди.

Маймун деди:

– Эй азиз меҳмон, инсофни унутма. Бир ойлик овқатимни сенга бердим. Бундан ортиқ карам кўрсата олмайман.

Чўчка ғазабга келиб деди:

– Сен неча йиллардан бери бу ўрмонда яшаб, меваларни еб келасан. Энди ўрмондаги меваларнинг барчаси менинг насибамдир.

Маймун деди:

– Бировнинг мулкани зўрлик билан олиш зулм ҳисобланади. Зўравонликнинг оқибати яхши бўлмайди. Заифларга озор бериш, беғуноҳларни ранжитиш яхши эмас.

Чўчканинг жаҳли чиқиб:

– Мен сени ҳозир дарахтдан тушириб, жазонгни бераман, – деди ва дарахтга тирмашди. Бир шохга оёқ қўйган эди, шох синиб, чўчка йиқилиб тушди ва ҳалок бўлди.

ШАМ ВА ПАРВОНА

Парвонага дедилар:

– Нега шам теварагида гир айланганинг-айланган. Ахир, куйиб ўласан-ку!

Парвона жавоб қилди:

– Куйиб ўлишни ҳаётимнинг мазмуни деб биламан.

НАФСИ ЁМОН БЎРИ

Тулки билан бўри ажралмас дўст бўлишга аҳд қилишибди. Бир

куни улар чор атрофи пишиқ ва баланд девор билан ўралган боғ олдидан ўтиб қолишди. Боғни хўб айланиб, охири кўзлари девордаги кичик бир туйнукка тушди. Туйнук тулкига кенглик, лекин бўрига торлик қиларди. Тулки осонгина ўтиб олди-ю, лекин бўри роса қийналди. Турли нав узумлар ва ранго-ранг меваларни кўриб, кўзлари ёниб, офизларидан сўлаклари окди. Шунга қарамай, тулки боғдан чиқиб кетишни мулоҳаза қилиб, улардан камроқ, бўри бўлса қорнига сиққанича роса еди. Шу пайт боғбон калтак кўтариб келиб қолди ва уларни қувиб кетди. Хипчабел тулки лип этиб тешикдан ўтиб қочди, лекин бўри туйнукка тиқилиб қолиб, роса калтак еди.

ЛОЧИН ИШИНИ ҚИЛМОҚЧИ БЎЛГАН ҲОЗ

Бир кир ювувчи ҳар куни сув лабида кир ювар ва ўша сувда қурт-қумурсқаларни тутиб еб юрадиган бир ҳозни кўрар эди. Бир куни лочин семиз какликни тутиб келиб, гўшtidан бир оз еди-да, қолганини ташлади. Буни кўриб, ҳоз ўзига-ўзи деди:

— Бу қуш кичкина жуссаси билан катта қушларни тутиб ейди, мен бўлсам шу ҳайбатим билан майда-чуйда нарсаларга қаноат қилиб юрибман. Энди каттароқ кабутар, какликлар тутишга ҳаракат қилай.

Шу вақт бир кабутар қўнмоқчи бўлган эди, ҳоз унинг кетидан

қувди. Аммо кабутар чап бериб учиб кетди. Ғоз сув лабига йиқилди, оғзи лойга ботиб қолди. Қутулишга ҳаракат қилиб зўр берган сари баттарроқ бота бошлади, кир ювувчи югуриб келиб уни ушлаб олди-да, уйига олиб кетди. Йўлда учраган бир дўсти ундан сўради:

– Қўлингдаги нима?

Кир ювувчи деди:

Бу лочин ишини қилмоқчи бўлган ғоз. Ўз эҳтиёжидан ортиқча нарсa кетидан югуриб, ўз ҳаётини барбод қилди.

ОДОБНИ КИМДАН ЎРГАНИШ КЕРАК?

Тўқайда ўта йиртқич бир шер маскан қурибди. Бўри билан тулки эртаю кеч унинг хизматида эканлар. Кунлардан бир куни шер бир жониворни ўлдириб, бўрига:

– Қани буни ўртада тақсимла! – деб буюрибди.

Бўри ўлжани уч қисмга бўлиб, бир қисмини шернинг, иккинчисини тулкининг олдига қўйибди; учинчисини эса ўзига олибди. Бундан шернинг фигони чиқиб, ўз улушини ҳам бўрининг олдига отибди. Бўри қўрққанидан дир-дир титраб, нима қиларини билмай қолибди.

Шер тулкига:

– Ўлжани сен бошқатдан тақсим қил! – деб буюрибди.

Тулки ўйлаб ҳам ўтирмай, ҳар учала бўлакни олиб шернинг олди-га қўйди. Шер тулкининг фаросати ва одобига қойил қолиб:

– Сен бунақа одобни кимдан ўргангансан? – деб сўради.

– Шер билан бўридан, – деб жавоб қилди тулки.

ШИЖОАТЛИ ЧУМОЛИ

Чумоли жон-жаҳд билан ўзидан ўн баравар катта чигирткани судраб борарди. Кўрганлар таажжубланардилар:

– Чумолини қаранглар-а, қилтириқ ҳоли билан шундай оғир юкни судраб кетаяпти-я?

Чумоли хохолаб кулди ва деди:
— Мардлар юкни жуссаси ва
қудрати билан эмас, балки ғайрат
ва шижоати билан тортадилар.

СИЧҚОН ВА ТУЯ

Туя арқонни судраганича дашт-
да ўтлаб юарди. Олдидан сичқон
чиқиб қолди. Қараса, туянинг эгаси
йўқ. Хирси қўзғаб, арқонни учидан
тишлаб, туяни уясига қараб етак-
лади. Табиати бўйсунуш ва одати
“хўп” дейишдан иборат бўлган туя
қаршилиқ кўрсатмай сичқонга эр-
гашиб бораверди.

Сичқон уясига етиб бордилар.
Туя қараса, жуда тор.

— Эй хомтама, — деди туя сич-
қонга, — бу нима қилганинг ўзи?

Уйинг шундай кичик, менинг бўлса жуссам катта: на сенинг уянг катаради, на менинг жуссам кичраяди. Шундай бўлгач, иккимизнинг дўстлигимиз қаёққа ҳам борарди?

ШОХСИЗ ҚОЛГАН ХЎКИЗ

Хўкиз пода бошида юриб, шохи билан сигирларга бошчилик қиларди. Ногоҳ подага бўри ҳужум қилиб қолгудек бўлса, шохи билан сузиб, улоқтириб ташларди. Қандайдир бир сабаб билан унинг шохи синиб, энди бўри кўрингудай бўлса, ўзини сигирлар паноҳига оладиган бўлиб қолди. Бунинг сабабини суриштирганларга дер эди:

*Шохим синди, гўё қолдим бешамшир.
Ботирлик ўрнига, дилда хавотир.
Маълумки, эл аро шундай мақол бор:
Ишни қуrol қилур, даъвони ботир.*

ҚАРҒА ВА ТОВУС

Бoғ саҳнида қарға билан товус учрашиб қолишди ва бир-бирининг айбини юзига солишди:

— Оёғингдаги қизил этик менинг заррин атлас ва нақшин кимхоб либосимга ярашади, — деди товус. — Йўқликнинг қора тунидан борлиқнинг равшан кунига ўтиш вақтида адашиш рўй берганга ўхшайди. Мен сенинг қора бужур этигингни кийиб олибман, сен бўлсанг менинг қизил саҳтиён этигимни кийиб олибсан.

– Йўқ, – деди унга қарға, – аксинча, борди-ю, янглишиш содир бўлган бўлса, кийим кийишда адашилган, чунки сенинг либосларинг менинг этикларимга мос келади. Эҳтимол уйқусираб, сен менинг кийимларим ёқасига бош тикқансан.

Шу атрофда ўтлаб юрган тошбақа тортишувни эшитиб турган экан, товус билан қарғага деди:

– Бефойда баҳсни йиғиштиринглар, бемаъни тортишувни тўхтадинглар. Тангри таоло ҳамма нарсани бир кишига бериб қўймайди. Бир одамдаги хусусият бошқада бўлмайди. Шунинг учун ҳар киши борида хурсанд бўлиши лозим...

ТАҚЛИДЧИ ҒОЗ

Бир куни ғоз какликни кўрди. Унинг ноз ва ғамза билан юриши ғозга ёқиб қолди. У ҳам какликнинг юришини ўрганмоқчи бўлиб, унинг изидан қолмасдан бутун ҳаракатларига тақлид қилди, лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. У какликнинг юришини ҳам ўргана олмади, ўз юришини ҳам унутди.

СЎНГГИ ПУШАЙМОН

Бир жуфт кабутар бор эди. Улар уяларини арпа-буғдойга тўлдириб қўйдилар.

Эркак модага деди:

— Ҳозир ҳамма ёқ ўт билан қопланган. Йиққан донларимизни

асраб қўйсак, қишда кунимизга ярайди.

Мода унинг гапини маъқуллади. Донлар нам бўлгани учун уянинг ичи лиқ тўлиб кетган эди. Ёғингарчилик ўтиб, ёзнинг иссиқ кунлари бошлангандан кейин у қуриб, камайиб қолди. Эркак кабутар узоқ сафарга кетганди. Қайтиб келганида доннинг камайиб қолганини кўриб, модага деди:

– Бун қиш учун олиб қўйган эдик-ку, нега единг?!

Мода “мен еганим йўқ”, деб қанчалик онт ичмасин, эркак ишонмади, ғазабланиб модани шундай урдики, бечора шу он жон берди. Қиш келиб ёғинлар бошланди, ҳаво намланиб, донлар яна бўртиб аввалгидек бўлиб қолди. Бун

кўрган эркак кабутар фарёд қилиб, меҳрибон ёри фироғида куйиб дер эди: “Афсуски, сўнгги пушаймондан фойда йўқ”.

ЎЗИГА ҚОЛГАНДА...

Бир кабутар жуда баланд бир хурмо дарахти устига зўр машаққатлар билан уя солган эди. Болалари тухумдан чиқиб, учирма бўлиш вақтида бир тулки келиб, болаларингни ташламасанг, ҳозир чиқиб ҳаммангизни ейман, дер эди. Ундан қўрққан кабутар боласини ерга ташларди. Кабутарнинг икки боласи учирма бўлишига яқин қолганида бир лайлак учиб келиб, ўша хурмо дарахтига қўнди. Кабутарни ғамгин кўриб, ҳол сўради.

– Нега бунча хафа кўринасан?

Кабутар деди:


– Бир тулки мени ҳолу жонимга қўймапти. Қай вақт бола очсам, у мени қўрқитиб, болаларимни олиб кетади.

Лайлак деди:

– Бу сафар тулки келганида, унга мен энди сенга болаларимни бермайман, қўлингдан келса, дарахтга тирмашиб чиқ, дегин.

Лайлак кабутарга шу сўзларни уқтиргач, ўзи учиб бориб, сув қирғоғига қўнди. Тулки дарахтнинг остига келди ва ўз одати бўйича қичқириб, дўқ қила бошлади. Кабутар лайлак ўргатганидек жавоб берди. Бундай жавобни кутмаган тулки сўради:

– Буни сенга ким ўргатди?



Кабутар деди:

– Лайлак.

Тулки дарҳол дарё қирғоғига, лайлакнинг ёнига келди. Унга қараб деди:

– Эй лайлакжон, шамол ўнг томондан эсганда, сен бошингни қаёққа ўгирасан?

Лайлак деди:

– Сўл томонга ўгираман.

Тулки сўради:

– Сўлдан эсганда-чи?

Лайлак жавоб берди:

– Ўнг томонга.

Тулки деди:

– Агар шамол ҳар томондан эсса, нима қиласан?

Лайлак деди:

– У вақтда бошимни қанотим остига беркитаман.

Тулки деди:

— Бундай қилиш мумкин эмас, мен ишонмайман. Сен бошингни қанотинг остига ололмайсан.

Лайлак деди:

— Оламан.

Тулки деди:

— Бўлмаса, кўрсат. Агар шундай бўлса, Оллоҳ қушларни биздан афзал қилиб яратган экан. Сиз бир соатда қиладиган ишни биз бир йилда ҳам бажара олмаймиз. Сиз шундай ишлар қиласизки, унга бизнинг сира ақлимиз етмайди. Айтишингча, сиз бошингизни қанотларингиз остига олиб, совуқдан ва шамолдан сақлана оласиз. Офарин, сизларга. Қани кўрсат, буни қандай қиласан.

Лайлак бошини қаноти остига олган ҳам эдики, тулки бир сапчиб, тутиб олди ва шундай сикдики, бечоранинг умуртқа суяги синиб кетди. Қанот ва думларини юла туриб, тулки деди:

— Эй бошқаларга норин қилиш йўлини ўргатиб, ўзига атала ҳам пишира олмаган аҳмоқ! Сен кабутарга йўл кўрсатиб, ҳийла ўргатдинг-у, лекин ўз жонингни душмандан қутқара олмадинг.

Тулки шу сўзларни айтиб, бир зумда лайлакни еди-қўйди.

ЭНГ ЯХШИСИ

Тулкидан:

– Итдан қочиб қутулиш учун қанча айёрлик ишлата оласан? – деб сўрашса, тулки:

– Юздан ортиқ, лекин энг яхши-си унга рўбарў келмаслик, – деб жавоб берибди.

ОҚҚУШ МУҲАББАТИ

Халқ орасида хосиятли ҳисобланган оққушлар полапонлик давридан эътиборан жуфт-жуфт бўлиб, то умрларининг охиригача бир-бирларидан ажралмай яшайдилар. Жуфтидан айрилган оққуш ўзини яшин тезлигида ерга уриб ўлдирганини кўпчилик кўрган

бўлса керак. У айрилиққа чидай олмайди: ҳеч қандай овқат емай қўяди ва ихтиёрий равишда ўзини очдан ўлдиради.

Оққуш муҳаббати жуда кучли бўлади.

ОҚИБАТЛИ БЎРИЛАР

Чўпон истиқомат қиладиган уйдан унча олис бўлмаган жойда бўри болалайди. Чўпон ўз ишлари билан банд бўлиб, бўрининг оиласига халақит бермайди. Бўрилар ҳам ўзлари билан ўзлари бўлиб, чўпонга ҳеч қандай зарар-заҳмат етказмайдилар. Жуда узоқ вақт қўшни сифатида тинч-тотув яшайдилар.

Овул йигитлари бир неча марта бўрининг болаларини олиб кетмоқчи бўладилар, аммо чўпон уларга рухсат бермайди. Дунёда боласидан айрилиб қолган бўридан ҳам қаҳри қаттиқ йиртқич бўлмайди. Баъзан бўрилар отардаги барча қўй-қўзиларни бир кечадаёқ бўғизлаб кетади. Эр-хотин бўрилар оиласи оқибатли қўшнисининг отарини бегона қариндошларидан ҳимоя қилади; ёт бўриларни яқин келтирмайдилар. Лекин, кутилмаган ҳодиса рўй беради. Офтобшувокда инидан чиққан бўри болалари ўйинқароқлик қилиб, тасодифан битта қўзичоқни ўлдириб қўйишади. Буни чўпон ҳам кўради. Эртаси куни, қани энди бўрилар ўзларини қандай тутишар экан, деб ўйлайди

чўпон. Не кўз билан кўрсинки, отарида бўйнига арқон боғланган оппоқ битта қўзичоқ юрибди. Бу бегона эди.

Ажабки, бўри болаларининг кечаги қилмишидан уялган ота-она ўша кечасиёқ бировнинг отарига кириб, у ёқдан битта қўзичоқни ўғирлаб келадилар-да, қўшни чўпонга “совға” қиладилар.

ИНСОНЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР

Бир қасабада Яжилдатта деган браҳман¹ яшарди. Унинг қашшоқликдан абгор бўлган хотини уззукун жаврагани-жавраган эди:

¹ *Браҳман* – ҳинд руҳонийси.

– Ландавур, бағри тош брахман! Нахотки, болаларинг очликдан қанчалар азоб чекаётганларини кўрмаётган бўлсанг? Парвойи фалак! Узоқроқ бир ерга отлан, егулик – ризқу рўз топ. Унгача уйга оёғингни босма.

Хотинининг шикоятларидан чарчаб кетган брахман ниҳоят йўлга отланибди.

Бир неча кундан сўнг у қалин ўрмонга етиб келибди, очлик, ташналикдан қийналиб, сув излай бошлабди. У бир қудуққа дуч келибди. Қудуқнинг суви қуриб, тагида ўт-ўланлар ўсиб ётарди. Брахман қудуқ ичига қараб, унда йўлбарс, маймун, илон ва одам боласини кўрибди. Уларнинг ҳам кўзлари брахманга тушибди. Йўлбарс: “Бу

одам”, – деб ўйлабди ва унга қарата дебди:

– Эй олийжаноб одам! Тирик жонзотни халос этмоқ – зўр савоб. Шунинг учун мени бу ердан чиқариб ол, бола-чақам, ёру биродарларим, қавму қариндошларим билан омон-эсон юз кўришай.

Брахман айтибди:

– Сенинг номинг ҳаммани титроққа солади. Мен ҳам сендан қўрқаман.

Йўлбарс эътироз билдирибди:

– Уч карра қасам ичаманки, сенга зарар еткизмайман. Мени чиқариб ол.

Шунда икки қайта туғилган ўйланиб қолибди: “Тирик махлуқни қутқараман деб, ўзимга зарар етса

ҳам, барибир менинг бу ишим
фойда келтиради”. Шундан сўнг у
йўлбарсни тортиб олибди. Маймун
ҳам илтимос қила бошлабди:

– Ҳой, яхши одам! Мени ҳам
чиқариб қўй!

Икки қатла туғилган унинг
сўровини ҳам адо этибди. Илон
ялинибди:

– Ҳой, икки қайта яралган!
Мени ҳам тортиб ол!

Брахман айтибди:

– Одамлар сенинг номингни
эслашса, этлари сесканади. Мен
ҳатто сенга қўл теккизишга ҳам
қўрқаман.

Илон дебди:

– Биз ўз ихтиёримиз билан ҳеч
кимга тегмаймиз, илож бўлмай

қолганда чақамиз. Уч карра қасам ичаманки, сенга зарар-заҳмат ет-кизмайман.

Шундай кейин браҳман уни ҳам чиқариб олибди. Жониворлар бундай сўз айтибдилар:

– Ҳамма ёмонликлар одамдан чиқади. Сенга маслаҳатимиз шу: одамни қудукдан чиқарма. Унга ишониб бўлмайди!

Йўлбарс гапга бундай қўшимча қилибди:

– Қатор чўққили ҳов анави тоғни кўраяпсанми? Унинг терскай томонида ўрмонлар ва ғорлар ичида менинг масканим. Бизникига меҳмон бўлиб бор, яхшилигингни қайтарай. Шунда қарзим елкамдан тушиб, у дунёга осон кўчиб ўтаман.

Шундай деб йўлбарс кетибди.
Маймун тилга кирибди:

– Йўлбарс инидан сал нарирокда шаршара ёнида яшайман. Меникига бор, – у хайрлашиб жўнабди.

Илон айтибди:

– Сенга ёрдам керак бўлиб қолса, мени ёдга ол. – Илон ўз инига қараб кетибди.

Қудукда қолган одам бу орада тинмай қичқирарди:

– Ҳой, брахман, мени ҳам тортиб ол!

Икки қайта туғилганнинг унга раҳми келибди: “У ҳам мендек одам-ку”, – деб ўйлаб, қудукдан чиқарибди.

Одам дебди:

– Мен заргарман. Бхригукачче деган жойда яшайман. Сенга бирон

тилла буюм керак бўлиб қолса, менинг олдимга кел.

У ҳам йўлига равона бўлибди.

Брахман кўп замонлар дунё кезиб юрибди, лекин барибир излаган нарсасини тополмабди. Уйга қайтиб келгач, у маймуннинг таклифини эслаб, уни кўргани борибди. Маймун уни ширин-шарбат мевалар билан сийлабди. Меваларни еган брахманнинг бадани куч-қувватга тўлибди. Кейин маймун дебди:

— Қачон қорнинг очса, менинг олдимга келавер.

Икки қайта туфилган дебди:

— Сен қарзингни уздинг. Энди менга йўлбарс инини кўрсат.

Маймун уни йўлбарсникига олиб борибди. Йўлбарс брахманни таниб, унга жуда ҳам нафис ишланган дур-

жавоҳирлар ва бошқа қимматбаҳо нарсалар совға қилибди:

– Бир шахзодани оти опқочиб, бу ерларга келиб қолиб эди, мен уни ўлдирдим. Унинг нарсаларини сенга сақлаб қўйибман. Ол, сеники бўлди.

Бу нарсаларни олиб, браҳман заргарни эслабди: “Сотиб менга пул қилиб беради”. У уста заргарни кўргани йўл олибди. Заргар уни очик чехра билан қаршилабди, иззат-ҳурмат қилиб тўрга ўтқазибди, қўлига сув келтирибди, турли ноз-неъматлар билан меҳмон қилибди. Браҳманнинг ҳурматини ўрнига қўйгач, у дебди:

– Жаноблари яна нима десалар, қўлимдан келганча адо этаман.

Икки қайта туғилган дебди:

– Мен тилла буюмлар олиб келган эдим. Шуларни сотиб берсанг.

Заргар дебди:

– Кўрсат!

Меҳмон тилла буюмларни кўрсатибди. Заргар ажабланиб қолибди. “Буларни мен ўзим шахзодамга ясаб берган эдим-ку!” – деб ўйлабди у ва меҳмонга қараб дебди:

– Сен бирпас ўтириб тур. Мен бу нарсаларни оладиган одам бўлса, кўрсатиб келай.

Заргар шоша-пиша саройга йўл олибди ва тилла буюмларни шоҳга кўрсатибди. Шоҳ таажжубга тушибди:

– Қаердан олдинг буларни?

Заргар жавоб берибди:

– Менга бир браҳман келтирди. Ҳозир уйимда ўтирибди.

Шоҳ ўйланиб қолибди: “Менинг ўғлимни ҳеч шубҳасиз шу браҳман ўлдирган! Энди ҳаммаси учун жавоб беради”.

Подшоҳ мулозимларга амр этибди:

– Қотилни тутиб, тонг билан қозиққа ўтқазинг.

Браҳман зиндонга тушиб, илонни эслабди. Илонни ёдга олган замони у браҳман олдида ҳозир бўлибди:

– Тила тилагингни?

Икки қайта туғилган дебди:

– Мени занжирдан қутқар.

Илон айтибди:

– Мен шоҳнинг суюкли хотинини чақиб оламан. На табиблар уни тузата олади ва турли дуо-қайтариқлар. У фақат сенинг

қўлинг тегсагина тузалади. Ўшанда сени озод қиладилар.

Илон ваъдасига биноан маликани чақибди. Саройда қий-чув тўполон, йиғи-сиғи кўтарилибди. Бутун шаҳар таҳлика, саросима ичида қолибди. Зудлик билан турли шаҳарлардан сеҳргарлар, афсунчилар, коҳинлар ва заҳарни қайтарадиган табиблар чақирилибди. Шунча саъй-ҳаракат билан барибир ҳеч ким маликани даволай олмабди. Шундан сўнг жарчилар маликани тузатадиган борми, деб бутун мамлакатга жар солибдилар.

Брахман айтибди:

– Мен тузатаман уни.

Уни дарҳол занжирдан бўшатиб, шоҳга олиб боришибди.

Шоҳ амр этибди:

– Уни ўлимдан қутқар!

Брахман малика олдига кириб, унга қўлини теккизиши билан у тузалиб кетибди.

Маликага жон кирганини кўрган шоҳ брахманни хўп иззат-хурмат қилиб, охирида сўрабди:

– Тўғриси айт! Олтин буюмларни қаердан олган эдинг?

Шунда икки қайта туғилган шоҳга бутун ўтган воқеаларни бирма-бир сўйлаб берибди. Шоҳ ҳикояни тинглаб бўлгач, заргарни жазолабди, брахманни ўзига вазир этиб, унга мингта қишлоқ ҳадя қилибди. Брахман хонадонини кўчириб олиб келибди, атрофини фозил дўсту биродарлар би-

лан қуршабди, дунё лаззатларидан тўйиб-тўйиб баҳраманд бўлибди. У мамлакатни донолик билан идора қилиб, кунларини бахтли-саодатли ўтказибди.

ДЎСТЛАР ИТТИФОҚИ

— Ўрмон ичида эр-хотин чумчуқлар яшар, улар тамала дарахтига ин қўйган эдилар. Вақти-соати келиб она чумчуқ тухум қўйди. Бир куни ҳирси қайнаб маст бўлган ёввойи фил иссиқдан қочиб, тамала соясига келди. Қони жунбишга келиб телбаланган фил хартумини кўтариб, тамаланинг чумчуқлар ин қўйган шохини уриб синдирди. Чумчуқларнинг ини вайрон бўлиб,

тухумлари пачақланди, ўзлари ҳам базўр омон қолдилар. Чумчуқнинг хотини қаттиқ қайғуриб, нола-фигон кўтарди. Унинг фарёд солиб чирқиллашини эшитган энг яқин дўсти қизилиштон келиб, юпата бошлади:

– Азизим, бўлар иш бўлди, ўзингни бунчалар қийнайверма. Эшитмаганмисан:

*Ўтди-кетди одам деб, ўтди-кетди
замон деб,
Донишманд қайгурмайди, тентакдан
фарқи шунда.*

Чумчуқнинг хотини айтди:

– Рост айтасан. Лекин нима қилай! Маст бўлган фил тухумларимни қийратди. Агар сен менга чин дўст бўлсанг, бу ярамас фил-

дан ўч олишга ёрдам бер. Шунда ярали дилим андак таскин топади.

Қизилиштон деди:

— Майли, мен ҳам бир ақлимни ишлатай. Менинг Винарава деган бир чибин ошнам бор. Ёвуз филни ҳалок қилиш учун мен уни кўмакка чакираман.

Кейин қизилиштон чибиннинг ёнига бориб, унга деди:

— Ёвуз фил мени дўстим чумчуқнинг тухумларини синдириб, қайғу-ғамга ботирди. Филни йўқотишга ёрдам бер.

Чибин деди:

— Азизим, сенга нима десам экан? Менинг Мегхадута деган садоқатли қурбақа дўстим бор. Уни чақириб, сўнг қўлимиздан келган

бари ишни қиламиз. Эшитмаганми-
сан:

*Оқил, ориф кишининг бағри жуда
кенг бўлар,
Маслаҳат билан доим ишлари
ҳам ўнг келар.*

Шундан сўнг улар учовлари
Меғхадутанинг олдига бориб, бор
гапни айтиб бердилар.

Қурбақа деди:

– Бадбахт филга биз билан
олишмоққа йўл бўлсин? Чибин, сен
бориб бадмастнинг қулоғи тагида
финфиллайвер. У бундан роҳатланиб
кўзларини юмади. Қизилиштон,
шунда сен унинг кўзларини чақиб
ол. Фил ташна бўлиб, сув ичгиси
келади. Шунда мен чуқурга тушиб,

қуриллайман. У ёнимда ҳовуз ё дарё бор экан деб, сув ичмоқчи бўлади ва чуқурга тушиб кетади. Шу билан нариги дунёга равона бўлади.

Ҳаммасини қурбақа айтгандай қилдилар. Чибиннинг фин-филлашидан фил кўзини юмди, қизилиштон унинг кўзини чўқиди; кечаси ташна бўлиб қийналган фил қурбақанинг сайрашини эшитди, чуқурга тушиб кетиб, ҳалок бўлди.

ДОНИШМАНДНИНГ ҲИЙЛАСИ

Ўрмонда тарвақайлаб шох-лаб кетган улкан анжир дарах-

ти ўсар, унинг устида бир тўда
ғозлар тўп бўлиб яшардилар. Нима
ҳам бўлди-ю, анжирни кошамби
деган чирмовуқ ўрай бошлади.
Ғозларнинг қариси буни кўриб,
деди:

– Чирмовуқ дарахтни бутун-
лай чирмаб олсак, бизга яхши
бўлмайди. Ундан бирон ёвимиз
ўтиб келиб, бизни ҳалок қилиши
мумкин. Келинглар, ҳали кеч
бўлмай туриб, чирмовуқни осонги-
на олиб ташлайлик.

Аммо ғозлар унинг сўзига кирма-
дилар. Чирмовуқни йўқотмадилар.
Кўп вақт ўтмай чирмовуқ бутун
дарахтни то тепасига қадар чирмаб
олди. Бир куни ғозлар ўзларига
овқат ахтариб кетдилар, бир овчи
келиб, чирмовуқдан осилиб, да-

рахтга ўтди-да, ҳар ерга тузоқ қўйиб кетди. Ғозлар ўйнаб-ўйнаб, қоринларини хўп тўйғизиб, уйларига қайтдилар-у кўплари тузоққа тушдилар. Шунда қари ғоз деди:

— Биз қўлга тушдик. Вақтида менинг сўзимга кирмаганларинг учун шундай бўлди. Энди кунимиз битди.

Ғозлар унга дедилар:

— Ишимиз чатоқ бўлди. Энди, эй ҳурматли зот, ўзинг айт, нима қилайлик?

Қари ғоз айтди:

— Энди гапимга қулоқ солинглар. Овчи келганда ҳаммаларинг ўзларингни ўликка солинглар. У сизни ҳаром ўлган деб, ерга ташлайди. Кейин шартта ҳавога кўтариласиз.

Эрталаб бўлди, овчи келди. Тузоқларда ўлиб ётган ғозларни кўрди. Уларни тузоқдан чиқариб, бирин-сирин ерга улоқтираверди. Унинг дарахтдан тушаётганини кўриб, барча ғозлар баробар патирлаб ҳавога парвоз қилдилар. Қари ғознинг сўзига кириб, ўлим хавфидан қутулдилар.

СИР ОЧИЛГАЧ...

Ўрмонда подадан ажралиб қолган қўй яшарди. Унинг бўйнидан қўнғироқдай қуюқ жунлари осилиб ётар, шохлари панжара-гулчиндай ғоят мустаҳкам, оёқлари бақувват эди. Қўй ўрмонда кезиб юраркан, бир куни уни мулозимлари

билан айлангани чиққан арслон кўриб қолди. Ҳаммаёғи қуюқ қора жун билан қопланган, ҳаттоки танаси қандайлигини ҳам кўриб бўлмайдиган бу махлуқнинг ғалати равиш-рафторидан лол қолган арслоннинг дилига ваҳима тушиб, чўчинқиради: “Шубҳасизки, у мендан хийлагина кучли, бўлмаса бу ерда бемалол ўйнаб юрмас эди”. Шундан сўнг у аста орқасига қайтиб кетди. Бироқ, эртасига арслон қўйнинг ўт чимдиб юрганини кўриб: “Э, бу ўт ер эканку”, – деб ўйлади ва шу заҳоти уни тилка-пора қилиб ташлади.

ЎЛИМ НИГОҲИ

Индранинг Пушпака деган мисл-сиз гўзал, одобу ахлоқда танҳо тўтиси бор эди. У жуда кўп илмларни ўрганди, ақлу фаросатда дунёда ягона бўлди. Бир куни улuf Индранинг кўлида ўтираркан, ху-дога мана шунчалар яқинлигидан юрагини лаззат-фароғат тўлдирган тўти турфа ҳикматлар сўйларди. Тўти бирдан қазову қадар соати етиб, ўлим худоси учиб келаётганлигини кўрди ва ўтакаси ёрилганча ўзини бир чеккага олди.

Шунда бу ерда ҳозир бўлган барча илоҳотлар тўтидан савол сўрадилар:

— Нима учун сен Яма худосини кўриб ўзингни четга олдинг?

Тўти жавоб берди:

— У жамики тирикларга жафо қилади. У билан ёнма-ён туришдан қўрқаман.

Илоҳотлар буни эшитгач, унга далда бериш учун Ямадан илтимос қила бошладилар:

— Сендан илтижо қилиб сўраймиз, уни ўлдирмагил.

Лекин Яма кўнмади:

— Менинг кўлимдан ҳеч нарса келмайди. Қазо ҳукми шундай.

Илоҳотлар ёнларига тўтини олиб, қазо қошига бордилар. Ямага айтганларини унга ҳам айтдилар. Қазо жавоб қилдики:

— Буни ёлғиз ўлим билади. У билан гаплашиб кўринглар.

Илоҳотлар ўлимга мурожаат этдилар, ўлим шундай назар таш-

лаган эди, тўти шу заҳоти нари-
ги дунёга равона бўлди. Шунда
барчалари Ямадан ташвишланиб
сўрадилар:

– У нега ўлди?!

Яма айтди:

– Унга ўлим нигоҳини кўриб
жон бериш ҳукм бўлганди.

ИККИ ХИЛ ТАРБИЯ

Она тўти бир куни баландликка
икки тухум қўйди, улардан икки
полапон чиқди. Тўти бир куни
овқат излаб кетган маҳалда овчи
унинг болаларини олиб кетди.
Қушчаларнинг бири унинг қўлидан
чиқиб қочди. Қолган тўти боласи-
ни қафасга солиб, одамга ўхшаб
гапиришга ўргата бошладилар.

Ҳалиги учиб кетган тўти боласини дарвеш ушлаб олди. Уни боқиб катта қилди. Кунлардан бир кун ўз аскарларидан орқада қолган шох шу ерларда адашиб юриб, овчилар маскани устидан чиқди. Уни узоқдан кўриб қафасда ўтирган тўти шовқин солиб қичқира бошлади:

— Ҳей-ҳей! Ҳазратим! Бир отлик чопиб келаётир. Ушлаб банд қил, банд қил! Ўлдир, ўлдир!

Бу қичқириқларни эшитган шох дарҳол отини буриб, йўлни бошқа ёқдан солди. Бир оз ўтгач у дарвешлар макони устидан чиқди. Хужралардан бирига кирган эди, қафасда тўти турганлигини кўрди. Тўти уни шундай сўзлар билан қаршилади:

– Кел, подшоҳ, кел! Дам ол! Муздай сувлардан ич, лазиз мева-лардан е. Хей-хей, дарвешлар! Уни соя-салқин дарахтзорда меҳмон қилинглар, оёқларини ювгали сув келтиринглар.

Шоҳ хайратдан кўзларини катта-катта очди: “Мўъжиза!” деб ўйлади. У тўтига шундай деди:

– Бошқа бир ерда худди сенга ўхшаш тўтини кўрдим. У: “Банд қилинг, банд қилинг! Ўлдилинг, ўлдилинг!” – деб қичқирди.

Шунда тўти ўзи билан акасининг бошига тушган воқеани сўйлаб берди.

ИККИ БЎЙИНЛИ ҚУШ

Бу ердаги бир кўлда бхарунда деган қушлар яшашарди. Уларнинг ҳар бирида битта қорин ва иккитадан бўйинлари бор эди. Қушлардан бир куни бхарунда айланиб юриб, битта бўйинини чўзиб, гулнинг шарбатини ича бошлабди. Шунда унинг иккинчи бўйни дебди:

— Менга ҳам бер.

Биринчи бўйин шарбат беришдан бош тортибди, шунда иккинчиси қандайдир заҳар топибди-да, ютиб юборибди. Шундан кейин ҳар икковлари ҳам тил тортмай ўлиб қолибдилар. Ахир, уларнинг қоринлари битта экан-да.

КЎПЧИЛИК КУЧЛИ

Чумолилар инига яқин жойда Атидарпа номли катта қора илон истиқомат қиларди. Нима бўлди-ю, у инидан одатдаги йўл билан эмас, бошқа бир тешикдан ташқарига чиқа бошлади. Илон жуда катта, тешик оғзи кичкина бўлгани учун, у тешикдан судралиб чиқаётганда тақдир тақозоси билан танасини қириб олди. Чумолилар қон исини сезиб, уни ҳар томондан қуршаб олдилар-да, талашга тушдилар. Илон уларнинг кўпларини ўлдирди, кўпларини абгор қилди, лекин ададсиз чумолилар барибир унинг бутун вужудини чақиб ташладилар. Атидарпа оламдан кўз юмди.

ТАҚДИР ТУҲФАСИ

Бир шаҳарда Девашакти деган подшоҳ истиқомат қиларди. Подшоҳ ўғлининг қорнида худди чумоли уясида яшагандек илон яшарди. Шундан ёш йигит кундан-кунга озиб-тўзиб борарди. Ниҳоят ёш йигит ҳаётдан тўйиб, бошқа юртга кетиб қолди. У бир шаҳарга келиб, хайр-садақа сўраб кун кечира бошлади, у бўш вақтларини улкан бир ибодатхонада ўтказарди. Ўша шаҳарда Бали деган шох яшарди. Унинг икки навраста қизи бор эди. Бирови ҳар куни шохга салом бериб: “Зафар ёр бўлсин, о улуғ шох!” – дерди. Иккинчиси эса: “Тақдир не ато этган бўлса,

бари муяссар бўлсин сенга, о улуг шоҳ!” – деб айтарди.

Бир куни шоҳ иккинчи қизининг оғзидан шу сўзларни эшитиб, дарғазаб бўлди ва деди:

– Эй вазиру вузаро! Бад сўзлар айтгани учун иккинчи қизимни ёт бир кимсага берингиз. Тақдирда не бор бўлса, у ҳам кўрсин!

Вазиру вузаро шоҳнинг бу ишини: “Амри вожиб!” – деб маъқулладилар ва қизнинг хизматига бир қанча одам ажратиб, уни ибодатхонада турувчи шаҳзодага узатдилар.

Малика шаҳзодани шод-хуррам қарши олди, унга ниҳоятда катта эъзоз-икром кўрсатиб, у билан бирга бошқа юртга жўнади. Катта бир шаҳар чеккасига етиб,

улар кўл бўйига қўндилар. Малика шахзодани қўналғада қолдириб, ўзи хизматкорлар билан сарийё, кунжут, туз, гуруч каби нарсалар сотиб олгани кетди. Малика зарур нарсаларни олиб қайтганда, шахзода бошини чумоли инига қўйиб ўйлаб ётганини кўрди, унинг оғзидан ҳаво олишни хоҳлаган илоннинг бош капчаси чиқиб турарди. Бу орада чумоли уясидан иккинчи бир илон ҳам ҳаво олиш учун бошини чиқарди. Илонлар бир-бирларини кўргач, қаҳр-ғабадан кўзлари ўт бўлиб ёнди ва чумоли уясидан чиққан илон айтди:

— Вой, манов пасткашни қаранглар! Ҳой, нега гўзал шахзодага мунча азоб беряпсан?

Шаҳзоданинг оғзида ўтирган анов илон эса деди:

– Вой, нега сен пасткаш икки товоқ олтинни булгаб ётибсан?

Шунда улар бир-бирларининг заиф жойларини оча бошладилар. Чумоли уясида яшовчи илон деди:

– Вой, пасткаш! Шаҳзода агар хандал ичса, сендан батамом халос бўлишини ҳеч ким билмайди дейсанми?

Шаҳзоданинг қорнига ин қурган илон деди:

– Эй қабих! Наҳот, қайноқ сув қуйса, сендан қутулишларини билмайдилар дейсан?

Малика бута орқасида яширишиб, бу гапларининг барини эшитди ва улар айтгандай қилди. У эрини даволаб, кўп бойлик орт-

тириб, эри билан биргаликда ўз юртига қайтди. Ота, она, қавм-қариндошлари хурсанд бўлиб, иззат-икром билан қарши олдилар. Малика тақдир ато этмиш насибасини топиб, бахтли-саодатли ҳаёт кечирди.

ҲИЙЛАГАР ШАҒОЛ

Ўрмон ёқасида Махачатурака деган шағол яшарди. Бир куни у ўз ўлими билан ўлган филнинг лоши устидан чиқди. Шағол қайси томондан ўтиб уринмасин, филнинг қалин терисига ҳеч тиши ўтмади. Шу вақт нарироқда арслоннинг қораси кўринди. У яқинлашгач, шағол ҳурпайган думалоқ сочини ерга урди, нилуфардай панжалари-

ни таъзимда икки букди ва хоки-
сорлик билан деди:

– Жаноб! Мен асобардоринг
эрурман ва ана бу филни сен учун
қўриқламоқдадурман. Ол, тановул
қил.

Аммо арслон эътироз билдирди:

– Мен ҳеч қачон биров ўлдирган
ўлжани емайман. Шунинг учун бу
филни сенга ҳадя этдик.

Шағол бунӣ эшитиб, хурсанд
бўлиб, хитоб этди:

– Ҳукмдор ўз хизматкорларига
ана шундай қилиши керак!

Арслон ўз йўлига кетгач, йўл-
барс пайдо бўлди. Шағол уни
кўриб ўйлади: “Бир ёвудан ширин
сўйлаб қутулдим. Мунисини қандай
ҳайдаيمان? Шак-шубҳа йўқки, бу-

нинг битта чораси бор — уни бошқа биров билан уруштириб қўймоқ керак. Айтилган-ку, ахир:

*Бермаса ёрдам агар, на совга,
на ширин сўз,
Душман ичра низо сол —
мақсадингга етгайсан.*

Шағол шундай деб ўйлаб, бўйнини озгина чўзди-да, йўлбарс қошига келиб деди:

— Амаки! Сен нақ ўлимнинг комига келиб қолдинг. Бу филни арслон ўлдирди, менга лошни қўриқлашни топшириб, ўзи ювингани кетди. Кетаётиб менга шундай деб тайинлади: “Агар бу ерда биронта йўлбарс кўринса, дарҳол менга хабар қил ва мен бу ўрмонда-

ги барча йўлбарсларнинг белини синдираман. Бир марта қайсидир йўлбарс мен ўлдирган филни паққос тушириб, менга сарқитини қолдириб кетган. Ўшандан бери йўлбарсларни жиним суймайди”.

Буни эшитиб, йўлбарс қалтираб шағолга деди:

– О, қариндош! Мени қутқар, арслон кечроқ қайтса ҳам, барибир унга мени кўрганингни айта кўрма.

Шундай деб, йўлбарс дарҳол кўздан ғойиб бўлди.

Йўлбарс кетгач, бу ерга қоплон келди. Уни кўриб шағол ўйлади: “Қоплоннинг тишлари жуда ўткир. Шундай қилайки, у менга филнинг терисини тешиб берсин”.

Шу қарорга келиб, у деди:

— Ўв, қариндош! Нега анчадан бери кўринмайсан? Кўринишдан жуда очқаганга ўхшайсан. Менинг меҳмоним бўл. Манави филни арслон ўлдирди, мени кўриқлашга қолдирди. Лекин барибир фил гўштидан татиб кўр, қорнинг тўйиши билан бу ердан жўна, арслон келиб қолмасин тағин.

Қоплон деди:

— Амаки! Мен барибир бу этни емайман. Барча тирик махлуқларнинг теварагида минглаб ноз-неъматлар мавжуд, лекин биз ўзимизга тўғри келганидан лаззат-фароғат олишимиз зарур. Шунинг учун мен бу ердан кетаман.

Шағол деди:

– Ҳой қўрқоқ! Менга ишонгинда, бемалол еявер. Агар арслон узоқдан кўринса, мен сенга дарров хабар бераман.

Қоплон филнинг терисини тешганлигини кўриши билан шағол ваҳима солди:

– Тезроқ кет, қариндош. Арслон қайтиб келяпти.

Буни эшитиб, қоплон дарҳол қочди.

Шағол фил гўштидан тўйиб ер экан, бир пайт бошқа бир шағол пайдо бўлди. У ғоятда қаҳрга минган эди. Пашшахўрданинг кучи ўзига тенг эканлигини кўриб, унга дангал хужум қилди-да, келган шағолни тишлаб ташлади, шағол қочди. Сўнг кўп замон у фил гўштидан мазза қилиб еб юрди.

ВАТАН ҚАДРИ

Бир қишлоқда Читранга деган ит яшарди. Бир пайт очарчилик рўй бериб, шунчалар узоқ давом этдики, итлар ва бошқа махлуқлар қирила бошладилар. Очликдан озиб-тўзиб, бўйни ингичка тортиб кетган Читранга ўлиб-нетиб қолмаслик учун бошқа мамлакатга йўл олди. Бир шаҳарда бир ҳовли бекасининг бепарволигидан фойдаланиб, у ҳар куни уйга кирар ва турли ноз-неъматлардан тўйиб еб оларди. Лекин ит ташқарига чиқди дегунча уни ҳар томондан шу ернинг калондимоғ итлари ўраб олишар ва раҳмсизлик билан талашар эди. Охири у ўйланиб қолди: “Оч бўлсанг ҳам, ватанингда юрганинг

маъқул экан, у ерда ҳеч ким сени сўкмайди, уриб таламайди. Яхши-си, ўз маконимга қайтай”. Шундай фикр қилиб, у она юртига қараб йўл олди.

АҚЛ ВА КИБР

Катта бир ҳовузда иккита балиқ яшарди. Бирининг оти Шатабуддҳи, яъни “юз карра ақлли” бўлиб, иккинчисиники Сахасрабуддҳи, яъни “минг карра ақлли” эди. Улар билан Экабуддҳи, яъни “бир карра ақлли” деган қурбақа билан дўстлашган эди. Учовлари тез-тез ҳовуз бўйида йиғилишар, ҳикматли сўзлардан бир-бирларига айтишар, дўстона суҳбатлардан файз олиб, сўнг яна сув ичига кириб кетар-

дилар. Бир куни улар қуёш ботаётганда, йиғилишиб суҳбатлашар эканлар, шу ердан ўтиб кетаётган тўр кўтарган балиқчилар ҳовузга кўзлари тушиб, бир-бирларига айтдилар:

— Сув кам экан, балиқ эса кўпга ўхшайди. Келинлар, эртага эрта-лаб бу ерга тўр ташлайлик.

Улар шундай деб, уйларига кетдилар. Дўстлар бу кутилмаган сўзларни эшитиб, худди яшин ургандай бўлиб ўзаро маслаҳат қила бошладилар. Шунда қурбақа деди:

— О, азиз Шатабуддхи ва Сахасрабуддхи! Нима қилдик, қочамизми ё шу ерда қоламизми?

Сахасрабуддхи буни эшитиб, кулиб деди:

– Қўркма, жоним! Бу шунчаки дўқ, холос. Балиқчилар бу ерга келмайдилар, агар келсалар ҳам, мен сени ва ўзимни ҳам ўз ақлимнинг қудрати билан қутқараман. Ахир мен жуда кўп усулларда сузишни биламан.

Буни эшитиб, Шатабуддхи деди:

– О, Сахасрабуддхи рост айтади. Бекорга бир дўқ-пўписа туфайли ота-боболаримиздан қолган жонажон ҳовузимизни ташлаб кетмайлик. Ҳеч қаёққа кетма. Мен сени ўз ақлимнинг қудрати билан қутқараман.

Қурбақа деди:

– Менинг ақлим эса биттагина. У менга қочиб қол деб маслаҳат берапти. Шунинг учун мен шу

бугуноқ хотиним билан бошқа ҳовузга кўчиб кетаман.

Шундай деб, кечаси бўлишини кутиб, қурбақа ўз айтганини қилди. Эртаси эрталаб худди Яма чўрилари каби етиб келиб, ҳовузнинг у бошидан бу бошигача тўр ташладилар. Шунда ҳовуздаги барча балиқлар, тошбақалар, қисқичбақа ва қурбақалар бари тўрга илиндилар. Шатабуддхи билан Сахасрабуддхи турли усуллар билан сузиб қанча уринмасинлар, барибир тўрга тушиб ҳалок бўлдилар.

НОНКЎР

Бир сичқон бир баққол дўконида истиқомат қилар, ундаги қуруқ ва

хўл мевалардан хоҳлаганича та-
тиб юрар эди. Баққолнинг бундан
хабари бўлса-да, бепарво қарар,
унга ҳеч чора кўрмас эди. Аммо,
сичқоннинг ҳам ҳирси ошиб, баққол
ҳамёнини тешиб, тагига етди ва ун-
даги олтин-кумуш, ҳарна бўлса, ба-
рини инига ташиб кетди. Баққолга
пул керак бўлиб, ҳамёнга қўл урди
ва уни гадой тўрвасидек бўш, оч-
лар меъдасидек холи кўрди. Бил-
диким, бу ўша сичқоннинг иши.
Баққол мушукдек пусиб ётди ва
сичқон чиқиши биланоқ унга ўзини
отди.

Ушлаб олиб, оёғига бир узун
ип боғлади. Қўйиб юборган эди,
сичқон инига олиб борадиган бир
тешикка кириб кетди. Баққол ипни

Ўлчаб кўриб, сичқон инининг қанча узунлигини билиб олди. Тешикни ковлаб қараса, сичқон уяси саррофнинг дўконидек олтин-кумушга, динор ва дирҳамларга лик тўла. Пулларни олди ва сичқонни ташқарига чиқариб, мушук оғзига солди. У қилганига яраша кўрди ва нонкўрлиги учун бўлганича бўлди.

ХАВФЛИ ИШ

Бир тулкига:

– Қишлоқ итларига хабаримизни олиб боргил, ҳақиқа юз динор пул олгил, – деганларида у:

– Ҳақи анча мукофот, аммо ишнинг ўзи жонга офат, – деб жавоб берибди.

ФАРОСАТЛИ ТУЯ

Бир туя сахрода ўтлаб юрар, ундаги қуруқ тиканаклардан тамадди қилар эди. Бир янтоққа етишди, у гўзаллар зулфидек жингалак, жонон ёноғидек тоза ва беғубор эди. Ундан баҳра олай деб бўйнини чўзди, унинг устида кулча бўлиб ётган илонни кўриб қолди.

У орқага чекинди ва орзусига қайтди.

Янтоқ бўлса, “Туя менинг тиканаким найзалари захмидан қўрқди”, деб ўйлади.

Туя янтоқнинг дилидан ўтган гапга тушунди ва деди:

– Менинг қўрқувим сабаби бу ошкор мезбон эмас, балки пинҳон меҳмон.

Хавфим эса тикан захми эмас,
илон захри. Агар меҳмон хавфидан
узоқ кетардим, мезбонни икки ям-
лаб бир ютардим.

НАФС

Бирор луқма овқат тополмаган
оч ит шаҳар дарвозаси ёнида ту-
рар эди. Кўрдик, бир нон дар-
возадан юмалаб чиқиб, саҳро то-
мон филдираб кета бошлади. Ит
ҳам унинг кетидан югура кетди ва
деди:

— Эй тан қуввати ва руҳ қудрати,
эй дил маромию жон ороми, не са-
фар ихтиёрин кўнгилга солдинг ва
қай тараф йўл олдинг?

— Бу саҳрода бир неча шуҳратли
бўри ва йўлбарслардан ошно-

ларим бор, шулар зиёратига бел боғладим.

– Мени қўрқитма, – деди ит, – агар тимсоҳ бўғзига ёки шер оғзига кирсанг ҳам сендан қолмайман.

ИБРАТ

Қичқичбақадан сўрадилар:

– Нечун бунчалик қийшайиб кетдинг, ҳаммаёфинг қийшиқ, оёқ-қўлинг ҳам, юрган йўлинг ҳам.

– Илондан ибрат олдим, – деди у. – Шундай тўғрилиги ва тик йўлдан юришига қарамай доим боши жафо тошидан эзилган ва думи ситам захмидан узилган.

НОМУВОФИҚЛИК

Қурбақа ўз жуфтидан айрилиб
қолди, ёлғизликдан сиқилиб, дарё
қирғоғига йўл олди.

Ҳар томон назар солди...

*Сув ўртасида кўрди бир балиқ
Тоза сувдек оқар, усти ясоғлик.
Ё уч кунлик ой равшан ҳилоли,
Ҳар томон сузар яшнаб жамоли.*

Бақа уни кўриши биланоқ кўнгли
кетди ва ўзининг тўқлигидан гапи-
риб, уни ҳамдамликка чорлади.

– Ҳамсуҳбат бўлмоқ учун орада
умумий муносабат бўлиши керак, –
деди балиқ. – Номуносиб ҳамдамлар
суҳбатга нолойиқ. Менга сенинг не
муносабатинг бор ва сен билан биз-
ни орамизда қандай суҳбат даркор.

Мен дарё қаърида яшайман, сен
эса соҳилда, менинг оғзим доим
юмуқ, сенинг эса жағинг тинмайди,
сенинг ташқи кўринишинг боло-
ларга қалқон, шакл-шамойилингни
ким кўрса сендан йироқ қочади,
менинг ҳусним эса хавфи-хатар
асоси, кимки менинг жамолимни
кўрса, тама кўзини очади, осмон-
даги қушлар ҳавоси ҳам мен, ер-
даги жониворлар бошида савдоси
ҳам мен. Балиқ овловчилар гоҳ
мени қидириб минг кўзли тўр таш-
лайдилар, гоҳ орзуйим юкидан ҳам
бўлган қоматларидек қармоқларни
ташлаб кўзим ёшлайдилар.

Балиқ сўзини тугатиб, бақани
соҳилда ёлғиз қолдириб, ўзи сув
қаърига шўнғиб кетди.

ПАНОҲ

Чумчук ўз мерос инини ташлаб,
Лайлак уясининг бир чеккасига ки-
риб олди. Унга:

– Сенинг лайлак билан нима му-
носабатинг борки, кичик тананг би-
лан бундай катта қушга ҳамсоялик
даъвосини қиласан ва бир уйда ту-
ришга интиласан? – дедилар.

– Мен ҳам буни тушуна-
ман, – деди чумчук, – аммо бил-
ганимга риоя қилолмайман. Чунки
менинг қўшним бир илон. Мен ҳар
йили бола очаман, жигар қоним
билан уларни парвариш қила бош-
лайман. Аммо илон бирдан хужум
қилади ва болаларимни ютиб, ҳазм
қилади.

Бу йил унинг ғазабидан узоқ чопдим ва бу улур қуш ҳузурида паноҳ топдим. Умидим шуки, у додимга етар, ҳар йили болаларим унга емиш бўлар эди, энди ўзи бунга емиш бўлса дейман.

ЧОРА

Бир тулки боласи онасига қараб:

– Менга ит билан юзма-юз келиб қолганда қутулиб кетиш ҳийласини ўргат, – деган экан, унга онаси:

– Бунинг ҳийласи жуда кўп, аммо энг яхшиси шуки, уйдан чиқмай ўтир, на у сени кўрсин ва на сен уни, – деб жавоб берибди.

ҲАСАД

Қовоғари асаларига ҳужум қилиб уни тутиб олди ва емак учун чанг солди.

— Дод, — деди асалари, — ҳаммаёқда шахду шакар, инларимда тўла асал, шулар туриб нечун мени ейсан?

— Чунки шахду шакар кони ҳам сен, асалу гулшира хирмони ҳам сен — деди ари.

ТУЯ БИЛАН ЭШАК

Туя билан эшак ҳамроҳ бўлиб кетишди ва бир катта ариқ бўйига етишди. Аввал туя сувга тушди, ўртасигача борган эди, сув қоридан келди.

– Туш, – деб қичқирди у эшак-ка, – сув қорнимдан ошмайди.

– Рост айтасан, – деди эшак – аммо қориндан қориннинг фарқи бор. Модомики, сув сенинг қорнингга етар, менинг устимдан ошиб кетар.

РАМЗЛАР ТИЛИ

Бир савдогарнинг тўтиси бор эди. Қафасдаги кичкинагина қуш. Бир куни савдогар Ҳиндистонга бориш учун йўл тайёргарлигини кўра бошлади. Қўл остидаги хизматкорларининг ҳар биридан алоҳида-алоҳида: “Сенга Ҳиндистондан нима олиб келай?” деб сўради.

Ҳаммаси бошқа-бошқа нарса тайинлашди. Савдогар тўтисидан сўради:

– Эй гўзал қушим, сен Ҳиндистондан нима келтиришимни истайсан?

– У ердаги тўтиларни кўрсангиз, менинг аҳволимдан уларга хабар беринг ва: “Фалон тўти менинг маҳбусим. Уни қафасда боқаман. Сизга салом айтиб юборди. Ва: “Мен бегона юртларда, қафасларда, сизнинг ҳасратингизда азоб тортайин, сиз бемалол, эркин дарахтзорларда, тоғу тошларда айланинг. Шуни менга раво кўрасизми? Ҳеч бўлмаса, бир саҳар пайти мен ғарибни ҳам ёдга олинг, мен ҳам бир оз бахтиёр бўлай, деб айтди”, дегин. Бошқа ҳеч нарса истамайман, – деди тўти.

Савдогар карвонини тайёрлаб, йўлга чикди. Кеча-кундуз юриб, ниҳоят, Ҳиндистонга етиб борди. Йўлда қояликларда қўниб турган бир неча тўтиларни кўрди. Отини тўхтатиб, уларга деди:

– Мен фалон мамлакатдан фалончиман. Тижорат учун бу ерларга келдим. Менинг бир тўти қушим бор. Сизларга салом айтди ва бундай дейишимни тайинлади, – дея тўтисининг гапларини уларга етказди.

Савдогар сўзларини тугатар-тугатмас тўтилар титрашди, нафаси қайтиб ўлиб қолишди.

Савдогар айтган сўзларига пушаймон бўлди. “Мен нима қилиб қўйдим?! Бечора қушларнинг ўлимига сабабчи бўлдим. Ҳойнаҳой,

бу менинг бечора қушимнинг бир яқинлари, севган дўстлари бўлса керак”, деб ўйлади.

Орадан анча вақт ўтди, савдогар савдо-сотигини тугатиб, юртига қайтди. Ҳаммага сўраганларини берди.

Тўтиқуш қафасда буларни кузатарди. Охири чидаёлмай савдогардан сўради:

— Менинг истаганимни етказдингми? Ҳамжинсларимни, тўтилар тўдасини кўрдингизми? Нима деган, нима кўрган бўлсангиз, айтинг менга, мени хурсанд қилинг.

— Суюкли қушим, — деди савдогар, — мени кечир, бироқ гапирмаганим яхшироқ, деб ўйлайман. Чунки ҳали ҳам бемаъни хабар ет-

казиб, йўл қўйган хатойим учун ич-этимни емоқдаман, кел, яхшиси гапирмай қўяқолай.

Тўти ҳоли-жонига қўймагач, савдогар истамайгина сўзлай бошлади:

– Сен айтган жойга бориб дўстларинг бўлмиш тўтиларни кўрдим. Айтган сўзларингни ва саломингни етказдим. Аммо улар бу хабарга чидаёлмайди, титраб-титраб бемажол қолишди, охири ўлишди. Шу сабаб роса пушаймон бўлдим, бироқ начора, гишт қолипдан кўчган эди.

Савдогарнинг бу сўзларини эшитиб турган тўти ҳам қафас ичида титрай бошлади, ҳаракатсиз қотиб қолди ва бир оздан сўнг йиқилиб “ўлди”.

Буни кўрган савдогарнинг ҳуши бошидан учди, йиғлаб-сиқтади, кулоҳини ерга урди.

– Эй гўзал қушим, сенга нима бўлди? Нега бу ҳолга тушдинг? Мен нима қилиб қўйдим?! – деб йиғлади. Охири “ўлик” тўтини олиб деразанинг четига қўйди. У ерга қўяр-қўймас, тўти дарҳол жонланиб учди ва боғдаги бир дарахтнинг баланд шохига қўнди. Савдогар шошиб қолди:

– Эй гўзал қуш, бу не ҳол?! Айтиб бер менга. Бу ҳийлани қандай ўргандинг, мени қандай алдадинг? – деб сўради беихтиёр.

Тўти қўниб турган жойида айтди:

– Суюкли хўжайин, Ҳиндистонда кўрганинг тўтилар менинг са-

ломимни олгач, ўзларини ўликка солиб, менга хабар йўллашди, агар қутулмоқчи бўлсанг, ўл, дейишди. Кўриб турганингдек, айтганларига риоя қилиб, асирликдан қутулдим.

УЧРАШУВ ЖОЙИ

Икки тулки топишиб, бир муддат хотиржам ва бахтли ҳаёт кечирдилар. Шод-хуррам кезиб, кунлари айш-ишратда кечар эди. Ногаҳон бир подшоҳ овга чиқиб, уларнинг беғам ҳаётига нуқта қўйди – иккаласини ҳам қўлга туширди. Шунда урғочиси жуфтидан кўнгил узолмай сўради:

– Яна учрашиш насиб қилармикан? Насиб қилса қаерда?

— Агарда сени шаҳарга олиб тушсалар, мени пўстиндўзнинг дўконида излайсан-да, — деди унга жавобан эркаги.

НАФС ЎЙИНИ

Ризқ излаб учиб юрган пашша бир бурчакда турган асал хумини кўриб қолди. Асал орзусида тамшаниб, деди:

— Қани эди, бир саховатли зот пайдо бўлса-ю, хумнинг оғзини очиб, мени унинг ичига солса! Маза қилиб асалга тўярдим-да...

Бу орзу тезда ушалди — биров асал олиш мақсадида келиб хум оғзини очган эди, у дарҳол ўзини ичкарига урди. Келган одам керакли микдорда асал олгач, хум

оғзини ёпдида, кетди. Пашша эса асалга ёпишди-қолди. Жонини қутқариш учун ўзини ҳар томонга уриб кўрди – фойдаси бўлмади. Шундан оҳу фарёд чекиб деди:

– Бахтим чаппа қайтиб, бу асал менга заҳар бўлди. Кимки мени бу балодан халос этса, нима сўрамасин, жон деб берган бўлар эдим.

СИНОАТ

Баланд тоғ қўйнида бир қуш ёлғиз яшар эди. Ҳар йили қирқ кун тухум қўйиб, шод-хуррам бўлса-да, уларга сира парво қилмай, инини ташларди-кетарди. Лекин бир бе-гона қуш келиб тухумлар устига

ўтирар ва то жўжалар тухумни ёриб
чиққунча уларни қаноти остида ас-
раб, ҳар лаҳза меҳрибончиликлар
кўрсатарди. Жўжалар тухумдан
чиқиб, учадиган бўлгач, кутилма-
ганда она қуш пайдо бўлиб, аста
тоғ бошига қўнар ва овоз бериб,
болаларини ёнига чорларди. По-
лопонлар ҳам оналарини таниб,
дарҳол бегона қушни тарк этиб, у
томонга учишарди.

ҚИММАТГА ТУШГАН НАЙРАНГ

Бир тулки саҳар пайти тузоққа
тушиб қолди. Жонини қутқариш
учун дарҳол ҳийла-найранг йўлини
қидира бошлади.

– Овчи мени тирик қўлга тушир-
са, албатта теримни шилади, – деб
ўйлаб, ўзини ўлганга солиб ётди.

Овчи келиб қараса, тулки ўлиб
ётибди.

– Ўлик нарсани бошимга ура-
манми? – деб ўйлади. Кейин би-
рор ишимга яраб қолар деб ханжа-
рини чиқарди-да, қулоғини кесиб
олди.

– Қулоқ кетса кетибди – шу ҳам
ғам бўлибдими? Тирик қолганимга
шукур, – деб ўзига таскин берди
тулки.

Овчининг изидан биров келиб,
ўлик тулкини кўрди-да:

– Ие, тулкининг тили дардим-
га даво эди-ю... – деди-да, шартта
тилини кесиб олди.

Жон ширин. Тулки ночор дами-
ни чиқармай ётди.

Кўргиликни қарангки, у кетар-
кетмас яна биров келиб, эҳтиёжим
бор эди деб, омбир солганча
шўрлик тулкининг тишларини
суғуриб олди.

Тулки ҳамон қотганича ётарди.

– Ўлмасам бас, қулоқсизу тил-
сизу тишсиз ҳам бир амаллаб
яшарман... – деди.

Лекин тақдирнинг синовлари
ҳали тугамаган экан. Тағин биров-
нинг кўзи унга тушиб:

– Менинг касалимга табиб тул-
ки юрагини буюрган эди-ку, – деб
ёнидан пичоғини суғура бошлади.

Юрак сўзини эшитиб, тулкининг
кўзига олам қоронғи кўриниб кет-
ди.

– Юрак билан ҳазиллашиб бўлмайди. Энди бир чорасини топмасам бўлмайди... – деди ва бир хийла ишлатиб ўрнидан турди-да, қочди-кетди.

РИЁКОР

Аёзли қиш куни эди, тулки ов қилгани инидан чиқди, чиқди-ю баланд дарахтнинг тепасига қўниб ўтирган каптарга кўзи тушди ва уни тутиб ёмоқчи бўлди. Мана, у яқин келиб каптар билан саломлашди ҳамда ўзининг одатий тилёғлама гаплари билан шундай деди:

– Вой тавба, нега ахир совуқ изғиринда ҳам, қор ё ёмғир ёғаётганда ҳам шунақа баланд жой-

га қўниб ўтирасан-а, ҳайронман? Ундан кўра, пастроққа учиб тушиб, менга яқинроқ жойда бўлганинг яхши эди, ана унда иккимиз биргаликда кечгача дилкашлик қилардик.

Каптар унга шундай жавоб қилди:

— Мен ожиз ва қўрқоқ қушман, шунинг учун тинчимни кўзлаб баландроқда ўтираман.

— Э, қўрқма сира ҳам, — деди тулки, — мен ҳозир катта мажлисдан келяпман. Бу мажлисда жамики жанжал олишувлар бугундан бошлаб ман этилди ҳамда барча паррандаю даррандаларнинг энди ҳамиша тинч ва тотув ҳаёт кечиришлари ҳақида ёрлик эълон

қилинди. Мана энди мен ҳам, азиз жоним ҳаққи қасам ичиб айтаманки, энди сенга зинҳор ёмон кўз билан қарамайман.

– Агар шу гапинг рост бўлса, қандай яхши – демак, шартнома ҳам ёзилган, ёрлиқ ҳам ўқилган; мен ҳам энди сен билан бажонидил дилкашлик қилавераман, лекин қара, анави катта йўлдан иккита отлиқ олдиларида итлари билан бу ёққа келишяпти; овга чиқишган шекилли.

Бу гапни эшитган тулки қўрқиб кетиб:

– Айт-чи, улар ҳали узоқдами ё яқин келиб қолишдими, бу атрофда беркинадиган бирон пана жой борми? – деб сўради. – Гап шун-

даки, каптаржон, тинчлик ҳақидаги ёрликдан итларнинг хабари борми ё йўқми – аниқ бир гап айтолмайман ҳозир.

Ана шунда каптар тулкига деди:

– Ҳа-а, тушунарли, сен айтган ўша ёрлик ёзилган бўлса ҳам ҳали имзоланмаган-ов, назаримда.

ОЙНИНГ СУВДАГИ АКСИ

Бир куни кечаси тулки дарё ёқалаб бораётганида сувда осмондаги ойнинг аксини кўриб қолиб, уни пишлоқ деб ўйлади. Шунда у, агар бу дарёни ичиб қуритсам, тагида ётган пишлоқни олиб ейман,

деб ўйлаб, дарё сувини апир-шапир
ичаверди ва ахийри бўкиб ўлди.

ЎТҚАЗИБ ҚЎЙИШ

Бир ўғри ҳар гал ёнидан ўтиб
кетаётган итга бирор-бир егулик
ташларди. Ниҳоят, бир куни ит у
одамга шундай деди:

– Сен бу қилиғингни ташла, би-
родар: қилаётган эҳсонларинг кел-
гусида қандайдир жиддий иш юз
беришидан мени огоҳлантирмоқда.

Агар биров кимнидир совға-
саломларга қўмиб ташлаётган экан,
демак, у қандайдир ғайриқонуний
ишни бошламоқчи.

ФАЛАКНИНГ ГАРДИШИ

Тулки шернинг қафасга тушиб қолганини кўриб, олдига яқин борди ва ҳеч ҳам ҳайиқмай уни мазах қила бошлади. Шунда шер унга деди:

— Ҳозир мени сен эмас, ўзимнинг бахтиқаролигим мазах қияпти.

ЯХШИЛИК АЖРИ

Бургут билан илон бир-бирига чирмашиб қаттиқ олиша бошладилар. Мана, илон узун гавдаси билан бургутни ўраб бўға бошлади. Бу олишувни кўриб қолган деҳқон уларни бир-биридан ажратди ва бургутни учуриб юборди. Илон деҳқоннинг бу қилмишидан қаттиқ

ғазабланди ва халоскор деҳқон ичмоқчи бўлган сувга ўз захрини томизди. Бунӣ сезмаган деҳқон сувни ичмоқчи бўлганида, бирдан бургут учиб келиб деҳқоннинг қўлидан сув идишини тортиб олди.

Яхшилик қилган одамга, албатта яхшилик билан жавоб қайтарурлар.

БЎЛИНГАННИ...

Уч нафар буқа доим биргаликда ўтлашар эди, шер эса уларга ҳамла қилиш ниятида орқаларидан пойлаб юрарди. Буқалар аҳил бўлганлиги сабабли, шер уларни енга олмаслигини билар, шунинг учун бир амаллаб буқаларни бири-биридан жудо қилмоқчи бўлди.

Мана, у буқалар ўртасида низо, нифоқ қўзғаб, уларни бир-бирига қарши қилиб қўйди; учта буқа бир-биридан аразлаб уч томонга тарқаб кетди. Ана шунда аҳил ва ҳамжиҳат бўлган бу жониворларни енга олмаган шер энди яккаланиб қолган буқани ҳеч қийналмай маҳв этаверди.

ҚИСМАТ

Қариб дармондан қолган от жангу жадални тарк этиб, энди куни тегирмон тошини айлантиришга қолди. Жанг майдонини тегирмонга алмаштиришга мажбур бўлган от бошига тушган бу изтиробли ҳаётдан зорланиб, ўтмишини эслай бошлади.

– Э воҳ, – деди у тегирмончига, – бир пайтлар мен урушда қатнашган кезларимда устимдаги эгар-жабдуқ ва бошқа абзаллар чақмоқдай чақнардди, махсус тайинланган отбоқар мени парвариш қиларди. Энди бўлса, қайси қилган гуноҳим учун жанггоҳни манави тегирмон тошига айирбошладим – ўзим ҳам билмайман.

Тегирмончи унга шундай жавоб қилди:

– Сен энди ўтмиш ҳаётингни эслашни бас қил: фоний жонзотларнинг қисмати ўзи шунақа – ҳаётимизда ҳузур-ҳаловатли дамлар ҳам, бахтсиз кунлар ҳам бўладики, ҳаммасига бардош бермоғимиз шарт.

ҚАЙТАР ДУНЁ

Сичқон қурбақа билан дўст ту-
тиниб ўз бошига бало орттирди.
Қурбақа дилида қора ният билан
сичқоннинг оёғини ўзининг оёғига
узун ип билан улади. Аввалига улар
пишган бошоқларни териб ейиш
учун далага чиқдилар; лекин кейин
бир ҳовуз лабига яқин келишгани-
да, қурбақа сувни кўриб, барал-
ла шўх-шўх қуриллади-да, ҳовузга
“шўлп” этиб сакраб, сичқонни ҳам
орқасидан судраб сувга тортди.
Шўрлик сичқон бир лаҳзада сувга
бўкиб шишиб ўлди ва қурбақанинг
оёғига боғлангани сабабли, жасади
унинг орқасидан сузиб юраверди.
Шу пайт сичқоннинг шишган жаса-
дини калхат кўриб қолиб, уни чан-

галига олди-да, осмонга кўтарилди; бунинг оқибатида оёғи сичқонга боғланган қурбақа ҳам сувдан кўкка кўтарилди ва, у ҳам калхатга ем бўлди.

ЎЗИНГДАН ЧИҚҚАН БАЛОГА

Бургут инидан чиққан қуёнларни таппа босишга чоғланиб қоя чўққисида пойлаб ўтирарди. Шу маҳал бир овчи бургутни нишонга олиб камонидан ўқ узди; ўқнинг тиғи бургутнинг баданига кириб, унинг патлар қадалган дум томони шундоққина унинг кўзи олдида тиралиб туриб қолди. Буни кўрган бургут деди:

– Э воҳ, ўз патларим тигидан ҳалок бўлаётганим вужудимни икки ҳисса аччиқроқ зириллатмоқда.

НАСИБА

Тўйимли ем билан боқилиб яхши парвариш қилинаётган отга эшак ҳасад қилиб, ўзининг аянчли қисматидан зорланаркан, юм-юм йиғлаб дерди:

– Энг оғир юкларни менга ортиб ташишади, лекин қорнимни тўйдиришга келганда чалақурсоқ қилиб боқишади. От бўлса, ялтироқ безакли юганни тақиб олиб, шўх-шўх гижинглайди, елдек учиб чопади.

Эшак шундай хаёллар билан банд бўлган пайтда уруш бош-

ланди; хўжайин яроқ-аслаҳаларни тақиб отга минди ва душманлар тўдаси томон уни қушдек учуриб кетди. Жанггоҳда от жароҳатланиб ерга қулади ва жони узилди. Шунда эшак энди бошқача ўйлай бошлади ва отга раҳми келди.

ХИЁНАТНИНГ ЖАЗОСИ

Бўрилар итларга шундай дейишди:

– Бизлар ҳар жихатдан бир-биримизга жуда ўхшаб кетамиз; шунақа экан, худди оға-инилардек бир жон-бир тан бўлиб яшасак яхши эмасми? Бир-биримиздан ҳеч фарқимиз йўқ, фақат яшаш шароитимиз бошқача: бизлар эркин ҳаёт кечирамиз, сизлар бўлсангиз

одамларга тобесиз, уларга худди куллардек хизмат қиласиз, бу ҳам етмагандай, улар сизни калтаклашади, бўйнингизга бўйинбоғ осишади, қўйларини қўриқлатишади. Шунча куйиб-пишиб хизмат қилсанглар ҳам сизларни фақат қоқсуяклар билан боқишади. Келинлар, яхшиси, гапимизга киринглар-да, қўйларни бизга топширинглар. Ана унда ҳаммамиз биргаликда гўштхўрлик қилиб бир хумордан чиқамиз.

Итлар бу таклифга рози бўлдилар, лекин бўрилар қўтонга кириб келишганда биринчи навбатда итларни ғажиб ташладилар.

ИККИ ХИЛ ҲАЁТ ТАРЗИ

Бири дала сичқони, яна бири уй сичқони бўлган икки сичқон бир-бирларини меҳмонга чақиришди. Уй сичқони дугонасиникига меҳмон бўлиб борганида ҳали далада ғалла ўрими бошланмаган эди. Меҳмон сичқон лой, тупроқ ёпишган дон ва илдизларни кемираркан, деди:

– Турмушинг шўрлик чумолиларникига ўхшаркан! Лекин меникида ҳар хил озуқалар ошиб-тошиб ётипти; еганим олдимда, емаганим кетимда. Яхшиси, юр меникига: бир мириқиб маишат қиламиз! Шундай деб у дала сичқонини ўз уйига бошлаб кетди ва унга омборхонадаги қоп-қоп ун, ловияларни, яна сават-сават анжиру хурмолар-

ни, кўзалардаги асални кўрсатди. Шунча кўп емишни кўрган дала сичқонининг кўзи ўйнаб кетди. Мана, у саватдан бир бўлак пишлок олиб ўз инига ташиб кетмоқчи бўлди. Шу пайт бирдан кимдир омборхона эшигини очди; сичқонлар чийиллашганча югуриб бориб бир кавакка тиқилиб кириб олишди. Салдан кейин дала сичқони аста бошини кавакдан чиқариб бир дона анжир туршагини олмоқчи бўлди, лекин яна кимдир ниманидир олгани кириб келди, иккала сичқон яна ўзларини панага олдилар. Ана шунда дала сичқони, гарчи қорни жуда оч бўлса ҳам, шундай деди:

— Яхши қол, дугонажон, бежавотир еб бўлмайдиган бу бойликларинг, дон-дунларинг ўзингга буюр-

син. Мен, яхшиси, ўз озуқам — ил-
дизлару гиёҳларни кемириб кун
кечиравераман.

ҚЎРҚУВ ИШИ

Бузоқ буғуга деди:

— Бўйнинг итдан анча баланд,
чопсанг ундан ўзиб кетасан, шох-
ларинг бор ўзингни ҳимоя қилгани;
ахир нега қўрқасан улардан?

Буғу деди:

— Гапинг тўғри, буни ўзим ҳам
биламан, лекин итнинг вовиллага-
нини эшитсам, бирдан эс-хушимни
йўқотиб қўяман-у, хаёлимга югу-
риб қочиб қолишдан бошқа ҳеч
нима келмайди.

ЎҒРИНИ ҚАРОҚЧИ УРДИ

Бўри сурувдаги бир қўйни ўғирлаб, елкасига ортмоқлаб, ўз уясига кетаётган эди; йўлда уни шер учратиб қолди ва ўлжасини тортиб олди. Бўри сал нарироққа қочиб бориб:

– Сен менинг қўйимни тортиб олдинг, бу инсофдан эмас! – деб қичқирди.

Шер бўлса бўрига истехзо билан деди:

– Нима, буни сенга кадрдон ошнанг инсоф юзасидан ҳадя қилганмиди?

ТАҚЛИД КАСОФАТИ

Бир замонлар калхатнинг овози жуда янгроқ бўлган ва ҳозирги овозига сира ҳам ўхшамас экан. Лекин у бир куни тасодифан отнинг кишнашини эшитиб қолибди-ю, кун сайин унга ўхшаб кишнашга уринаверибди. Аммо оқибатда, у кишнашни ҳам қойиллатолмабди, ўзининг янгроқ овозидан ҳам маҳрум бўлибди.

ЖАНЖАЛДАН АҲИЛЛИК ЯХШИ

Ёзнинг жазирама иссиқ кунларидан бирида сувсаб ҳансираб қолган шер билан тўнғиз чанқоқларини босгани мўъжазгина бир чашма

бошига келдилар. Лекин чашма яқинида жой тор бўлгани учун фақат битталари сувга яқин келиши мумкин эди. Мана, улар, қай биримиз биринчи бўлиб сув ичамиз, деб тортишиб қолишди. Сўнг бу тортишув бора-бора даҳшатли қонли жангга айланиб кетди. Бир маҳал улар нафас ростлаб олиш учун атрофларига назар ташлаган эдилар, кўзлари мағлуб бўлганнинг гўштини талаш учун шайланиб турган бир гала қузғун калхатларга тушди. Шунда шер билан тўнғиз жангни тўхтатиб, бир-бирларига:

— Нима, эсимизни едикми: калхат ва қарғаларга ем бўлганимиздан кўра, дўст бўлиб яшаганимиз яхши эмасми? — дедилар.

ЯХШИЛИКНИНГ ҚАЙТИШИ

Дехқон тузоққа илинган бир бургутни кўриб қолди ва унинг хушсурат қуш эканлигидан ҳайратга келиб, тузоқдан озод қилди. Кейинчалик бургут ҳам деҳқоннинг ҳимматига яхшилик билан жавоб қайтарди: бир куни у деҳқоннинг омонатгина чайқалиб турган бир девор тагида ўтирганини кўрди ва учиб келиб унинг дўпписини чанга-лига илди-да, олиб қочди. Деҳқон ирғиб ўрнидан турди ва бургутни қува кетди. Бургут дўппини ташлаб юборди. Деҳқон дўппини олиб, орқасига ўгирилса, ўзи ўтирган девор қулаб тушибди. Деҳқон бургутнинг бу қилган яхшилигидан беҳад тўлқинланиб кетди.

НОЖИНС

Чўпон янги туғилган бўри боласини топиб олди ва уни уйига олиб келиб ўзининг қўриқчи итлари билан бирга боқиб парвариш қила бошлади. Бўри боласи катта бўлди; лекин ўғри бўрилар сурувдаги қўйлардан олиб қочган пайтларида у ҳам итлар билан биргаликда бўрилар кетидан қуварди-ю, аммо итлар бўриларни қувиб етолмай орқаларига қайтишганида, бўри боласи битта қўйни ортмоқлаб ҳамжинслари – бўриларга эргашиб кетаверар ва ўзи олиб борган ўлжани улар билан баҳам кўрарди; фақат шундан кейингина орқасига қайтиб келиб итлар тўдасига қўшиларди. Ҳеч қандай бўрилар

ҳеч бир ёқдан қўйларга ҳужум қилишмаган пайтларда эса, унинг ўзи қўйларни бўғиб ўлдириб, уларни ейишда итларни ўзига шерик қиларди. Ниҳоят, чўпон бир куни фалокат қаёқдан келаётганини пайқаб қолди ва ўзи тарбия қилган бу бўрини тутиб олди-да, дарахт шохига осиб ўлдирди.

ҲАР КИМНИНГ ЎЗ МАНФААТИ

Эшак билан ит биргаликда йўлда кетатуриб сурғуч билан муҳрланган бир хат топиб олдилар. Эшак хатнинг муҳрини синдирди-да, уни итга эшиттириб ўқий бошлади. Хатда молхона тўғрисида, ундаги пичан, похол ғарамлари ҳамда

қоп-қоп арпа ҳақида ёзилганди. Бу нарсалар итнинг қулоғига ёқмади албатта, ва у эшакка деди:

— Сен, биродар, бу ерини бир оз ташлаб ўт, шояд бу хатда гўшт ё суяклар ҳақида ҳам бирон хуш-хабар ёзилган бўлса!

Эшак хатнинг бошидан охиригача кўз югуртириб чиқиб, ит айтган нарсалар тўғрисида ҳеч нима тополмади. Ҳафсаласи пир бўлган ит деди:

— Қўй, дўстим, ташлаб юбор бу хатни, бошимизга урамизми бирон маънили гапи бўлмаса?

ҚИШ ВА БАҲОР

Қиш баҳор устидан кулиб, унга маломат қила бошлабди:

– Вой, тавба, сен келдинг де-
гунча одамларнинг тинчи йўқо-
лади; биров далага чиқиб, қўй
ҳайдаб экин экади, биров чаман-
зорларга бориб, турфа хил гул-
лардан гулчамбарлар ясайди, яна
бошқа бир одамлар кемаларга
чиқишиб, олис-олис ўлкаларга саё-
ҳат қилишади – улар на аёзли
бўроннинг, на қор-ёмғирнинг таш-
вишини қилишади. Аслида, мана,
менман ҳақиқий ҳукмдор: мен ки-
шиларни кўкка эмас, оёқ остларига
қарашга мажбур қиламан, уларни
даф-даф қалтиратаман, титратаман;
шу боис улар уззукун уйларига
қамалиб ўтирадилар.

– Ана шунинг учун ҳам, – деб
жавоб қилибди унга баҳор, – одам-
лар сен билан жон-жон деб видола-
шадилар. Менинг эса ҳатто исмим

ҳам одамларни хушнуд қилади. Бу исм дунёдаги барча исмлардан зарифрокдир. Мен йўқ пайтимда одамлар ҳамиша мени ёдлаб тилга олишади, кириб келганимда эса, шод-хуррамлик билан қарши олишади.

МУТТАҲАМНИНГ ЖАЗОСИ

Қартайган шер дардга чалиниб ўз ғорида ётиб қолди. Подшоҳларининг ҳолидан хабар олгани ҳамма ҳайвонлар бирин-кетин келиб, ундан кўнгил сўрай бошладилар. Фақат тулкидан дарак бўлмади. Бу вазиятдан фойдаланган бўри тулкининг устидан ғийбат қила бошлади:

– Бу тулки улуг хукмдоримизни заррача хурмат қилмайди, шунинг учун ҳам у сизни кўргани келмаган.

Шу пайт ғор оғзида пайдо бўлган тулки бўрининг охирги сўзларини эшитиб қолди. Шернинг кўзи тулкига тушиб, унга ўдағайлаб ўкирди. Тулки дарҳол ялтоқланиб, ўзини оқлашга тушди:

– Айтинг-чи, олампаноҳ, бу ерга тўпланганларнинг қайси бири сизга менчалик ёрдам қила олди? Билингки, мен ҳаммаёққа елиб-югуриб, сиз учун шифобахш дори ахтардим ва табиблардан сўраб-суриштириб, уни ахийри топдим.

Шу заҳоти шер:

– У қандай шифобахш дори экан – қани айт? – деб талаб қилди. Тулки деди:

– Сиз Бўрининг терисини тириклигида шилиб олиб, унга ўранишингиз керак экан!

Кейинчалик тулки бўрининг ўлик жасадига қараб мийиғида кулганча деди:

– Ҳар доим ҳукмдорни ёвузликка эмас, эзгуликка даъват этмоқ лозим.

ЎЧ ОЛАМАН ДЕБ

Қобон билан от бир яйловда ўтлаб юрардилар. Лекин қобон ҳар доим от ейдиган ўтларни булғатар, ичадиган сувни лойқалатар эди; шунда от қобондан қасд олиш учун овчидан ёрдам сўради. Овчи:

– Майли, агар юган тақишга рози бўлсанг ва мени устингга

миндирсанг, ёрдам қилганим бўлсин, — деди.

От унинг бу шартларига рози бўлди. Шунда овчи отга миниб олиб қобонни енгди, отни эса ўз уйига етаклаб келиб охур олдига боғлаб қўйди.

ҲОЛИНИ БИЛМАГАННИНГ ҚИСМАТИ

Тошбақа осмонда учиб юрган бургутни кўриб, ўзининг ҳам учгиси келди ва бургут ерга қўнганида унинг олдига бориб:

— Қанча хизмат ҳақи сўрасанг бераман, фақат мени учишга ўргат, — деб ёлворди. Гарчи бургут, бунинг иложи йўқ, сен уча

олмайсан, деб қанча уқтирса ҳам тошбақа қўярда-қўймай унга ёл-вораверди. Ахири бўлмагач, бургут тошбақани чангалига олиб осмон-фалакка кўтарилди ва ўша ердан уни қоятошлар устига ташлаб юборди. Шунда тошбақанинг косалари чилпарчин бўлиб, жони узилди.

КУЧИНИ ОРТИҚЧА БАҲОЛАШ

Тошбақа ва қуён, қай бири-миз чопқирроқмиз, деб баҳслашиб қолишди. Кейин мусобақа вақти ва жойини белгилашиб тарқалишди. Қуён ўзининг табиатан чопқирлигига ишониб, чопишга шошилмади ва йўл ёқасига ётиб

пинакка кетди. Лекин тошбақа ўзининг имиллаб судралиб юришини биларди, шунинг учун у бир лаҳза ҳам дам олмай югургилаб кетаверди. Натижада, у ухлаб ётган қуёндан ўзиб кетиб маррага етиб борди ва пойгада ютиб чиқди.

НОДОННИНГ ДУШМАНИ

Товуқ илон қўйиб кетган тухумларни топди ва ўзи уларни босиб ўтириб бола очирмоқчи бўлди. Мана, тухумлар бирин-кетин чирс-чирс ёрила бошлади. Буни кўриб қолган қалдирғоч товуққа деди:

— Вой овсар-е! Нима қилардинг бунақа болаларни очириб; ахир сал катта бўлишса, даставвал сенинг бошингни ейдилар-ку булар!

ПАНД

Яйловда ўтлаб юрган эшак ўзи томон югуриб келаётган бўрини кўриб қолди ва дарҳол оқсоқлана бошлади. Бўри келиб ундан, нега оқсоқланаяпсан, деб сўради. Эшак унга жавоб қилди:

— Э, сўрама, четан девордан ҳатлаб ўтаётган эдим, фалокат босиб, оёғимга зиравча кириб кетса бўладими... Биладан, ҳозир сен мени ейсан; илтимос, олдин зиравчани суғуриб ол, тагин томоғингга тиқилиб қолмасин.

Бўри унинг гапига ишонди; эшак оёғини кўтарди, бўри эса синчковлик билан эшакнинг туёғини кўздан кечира бошлади. Шунда эшак пайт

пойлаб туриб бўрининг жафига чу-
нонам тепдики, йиртқичнинг ҳамма
тиши дув тўкилиб тушди. Оғриққа
чидолмаган бўри нола қилиб деди:

— Шўргинам қурсин менинг!
Ахир отам мени қассобликка
ўргатган эди-ку — табиблик қили-
шимга бало бормиди!

ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

Эшак билан тулки дўст тути-
нишди ва ов қилгани биргаликда
йўлга чиқишди. Йўлда уларнинг
рўпарасидан шер чиқиб қолди.
Шунда тулки катта хатарга учраш-
лари мумкинлигини сезиб, шер ол-
дига югуриб борди ва унга, агар
менга тегмасанг, эшакни сенга илин-

тириб берардим, деб ваъда қилди. Шер тулкини қўйиб юборишга сўз берди; шунда тулки эшакни бошлаб келиб шернинг домига илинтирди. Эшакнинг энди ҳеч қаёққа кета олмаслигини кўрган шер олдин тулкини тилка-пора қилиб еди, сўнг эшакка ташланди.

НОШУКУР БАНДАЛАР

Бир гуруҳ йўловчилар ёзда туш маҳалида жазирама иссиқдан лоҳас бўлиб оёқларини зўрға судраб борардилар. Шу пайт йўлларида бир чинор дарахти учраб қолди. Улар шу дарахт тагига келиб, соясида ётиб дам ола бошладилар. Бир оздан сўнг сал ўзларига келишгач,

тепаларидаги чинорга қараб бир-бирлари билан гурунглаша бошладилар:

– Қара, тоғдек бўйи бор-у, қисир дарахт: мева бермайди, фойдаси ҳам тегмайди одамларга!

Чинор уларга жавобан деди:

– Эй ношукур бандалар, ўзларинг-ку менинг соямда ётиб ҳордиқ чиқаряпсанлар. Бас, шундай экан, фойдаси йўқ, мева бермайди, деб мендан нолиганларинг инсофданми?

СЕЗГИР

Итларга таланиб чалажон бўлиб ётган бўрининг ўзига бирон егулик ўлжа излашга ҳам мадори қолмаган эди. Мана, у нарироқда ўтлаб юр-

ган бир қўйни чақириб, ундан шу ердаги жилғадан сув олиб келиб беришни илтимос қилди ва деди:

– Менга фақат сув берсанг бўлгани, овқатни ўзим топиб ейман.

Лекин қўй унга шундай жавоб қилди:

– Агар сенга сув берсам, унда ўзим сенинг овқатинг бўламан.

МИСИ ЧИҚҚАНЛАР

Сичқонлар ва сувсарлар ўртасида уруш кетаётганди унда сичқонлар мағлубиятга учраётганди. Мана, бир куни улар йиғилишиб, жангда ютқазаётганимизга сабаб – бизга рахбарлик қиладиган саркардалар йўқ, деб айтишди ва ўз ичларидан

лашкарбошилар сайлашди. Бу лашкарбошилар жанггоҳда савлатлироқ кўриниш ва ўз аскарларидан ажралиб туриш учун бошларига шохлар боғлаб олдилар. Жанг бошланди ва сичқонлар яна мағлубиятга учрадилар. Шунда оддий аскарлар дарров ин-инларига кириб беркиниб олдилар, аммо лашкарбошилар бошларига боғланган шохлар туфайли инларига қочиб киролмадилар ва сувсарларга ем бўлдилар.

ЧУМОЛИНИНГ ҚИСМАТИ

Бир замонлар чумоли одам бўлган ва ғаллакорлик билан шуғулланган экан, лекин ўз меҳнати билан етиштирган ҳосилга

қаноат қилмай, бошқа деҳқонларга доим ҳасад қилар ва уларнинг ғаллаларини ўғирлар экан. Шунда Худо бу ебтўймас, очкўз одамнинг қинғир ишларидан дарғазаб бўлиб, уни ҳозир биз чумоли деб юритувчи ҳашаротга айлантирган экан. Аммо у энди бошқача қиёфага кирган бўлишига қарамай, феъли ўша ўшалигича қолибди: ҳали ҳам уззукун далама-дала кезиб, хирмонлар ва омборхоналардан буғдой, арпа донларини ўз инига ташиб ғамлаш билан овора.

ЎТМАГАН ХИЙЛА

Далада тентираб юрган бўри бир арпазорга бориб қолди. Арпа унинг емиши эмас эди, шу боис тескари бурилиб, ўз йўлида кетаверди. Йўлида у дафъатан бир отни учратди ва уни арпазорга бошлаб келиб, деди:

– Қара, қанча арпа, ўзим емай сенга илиндим, чунки отларнинг “касир-кусур” қилиб арпа ейиши қулоғимга жуда ёқади-да.

Унга жавобан от деди:

– Йўқ, биродар, агар бўрилар арпани тамадди қила олганларида, сен қулоғингнимас, қорнингни қувонтирган бўлардинг.

БЎРИ БИЛАН ҚЎЗИЧОҚ

Бўри анҳордан сув ичаётган қўзичоқни кўриб қолди ва қулай бир баҳона билан уни емоқчи бўлди. Мана, у оқимнинг юқорироғида туриб олиб:

– Ҳей, сувни лойқалатма, мен ичолмаяпман, – деб қўзичоқни койий бошлади. Қўзичоқ унга жавобан деди:

– Мен сувга лабимнинг учинигина теккизяпман, ундан кейин қанақасига лойқалатай сувни, ахир мен сиздан пастроқда турибман-ку.

Қўзичоққа айб қўя олмаган бўри деди:

– Эсингдами, ўтган йили сен менинг отамни бўралаб сўккан эдинг!

– Вой, нима деяпсиз ўзи, ўтган йили мен ҳали туғилмаган эдим-ку, – деди қўзичоқ. Қўзлаган нияти амалга ошмаган бўри:

– Бўлди, бас, – деди, – ўзингни оқлашга уста бўлсанг ҳам барибир ейман сени!

ҚУВ ЭЧКИ

Бўри жар лабида ўтлаб юрган эчкини кўриб қолди; у эчкининг олдига чиқолмасди, шунинг учун уни пастга тушишга ундаб деди:

– Жар ёқаси хатарли, фалокат босиб йиқилиб тушишинг мумкин; бу ерда – пастда ям-яшил дала, барра ўтлар, мазза қиласан.

Лекин эчки унга бундай жавоб қилди:

— Йўқ, гап пастдаги ўтлоқда ўтлаш “мазза” эканлигида эмас, балки сенинг қорнинг очлигида. Зеро, сен менинг эмас, ўз қорнингнинг ғамини еяпсан.

ХОМТАМА

Егулик ўлжа қидириб изғиб юрган қорни оч бўри бир уй олдига келганида ичкаридан гўдак боланинг чинқириб йиғлаганини ва кампир бувисининг: “Бўлди, бас қил, бўлмаса, сени бўрига бериб юбораман!” деб қўрқитаётганини эшитиб қолди ва, кампирнинг гапи ростга ўхшайди, деб ўйлаб, болани унга ташлашларини кута бошлади. Кеч кириб, қоронғи тушди, лекин

кампи́р ҳануз ваъдасини бажармас-ди; бир пайт ичкаридан кампи́рнинг овози эшитилди: “Вой, ўзим ўргилай эркатойимдан, нега энди сени бўрига берарканман, ундан кўра, ўзимиз тутиб олиб ўлдирамиз ўша бўрини!”

Бу гапни эшитган бўри тезроқ бу ердан жуфтакни ростлаб нари кетаркан деди: “Бу уйда бетайин одамлар яшаркан – айтган гаплари бошқа-ю, қиладиган ишлари унинг тескариси”.

ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

Бир сичқон ухлаб ётган шернинг устидан пилдираб ўта бошлади. Шер уйғониб кетиб, сичқонни тутиб олди ва уни емоқчи бўлди.

— Сен, яхшиси, мени қўйиб юбор, — деб ёлворди сичқон. — Кези келганда мен ҳам бу яхшилигинг учун сени фалокатдан қутқараман.

Шер бу гапни эшитиб, хохолаб кулди ва сичқонни қўйиб юборди. Лекин орадан бир оз вақт ўтгач, сичқон, чиндан ҳам шерга берган сўзининг устидан чиқди — уни бир ўлимдан асраб қолди. Гап шундаки, шер овчилар тузоғига илиниб қолган ва улар шерни арқон билан дарахтга боғлаб қўйишган эди; шернинг нола чекиб ўкирганини сичқон эшитиб қолди ва дарҳол унинг олдига югуриб келди-да, арқонни кемириб, шерни тузоқдан озод қилди. Сўнг деди:

– У кунни устимдан кулган эдинг – сенга яхшилик қилишимга гўё ишонмагандай. Мана, энди сичқон ҳам миннатдорлик билдиришга қодир эканлигини билиб олдинг.

БЕФАҲМЛАР

Бўрилар қўйларни таламоқчи бўлиб кўп ҳаракат қилишди, лекин эплай олишмади, чунки қўйларни соқчи итлар қўриқлар эдилар. Шунда бўрилар ўз ниятларига етиш учун найранг ишлатмоқчи бўлдилар: улар қўйлар олдига элчи юбордилар.

– Итларингизни бизга беринг, – деб таклиф қилди элчи, – ахир сизлар билан бизларнинг ўртамизда

адоват пайдо бўлишига шу итлар сабабчи-ку. Агар уларни бизга берсангиз, кейин ҳаммамиз тинч-тотув яшаган бўлардик.

Бефаҳм қўйлар оқибати нима бўлишини ўйлаб ҳам ўтирмай, итларини бўриларга топширдилар. Ана шунда бўрилар ҳимоясиз қолган қўйларни осонгина тутиб еявердилар.

Ўзидаги халқ сардорларини ҳеч бир монелик кўрсатмай душман қўлига топширувчи давлатлар ҳам шунақа: орадан сал вақт ўтар-ўтмай, кутилмаганда, улар душманга тобе бўлиб қолганларини сезмай қоладилар.

ФАРОСАТ

Шер баҳайбат бир буқани ейиш-га чоғланиб, уни ширин сўзлар билан ўзига оғдирмоқчи бўлди. У қурбонликка қўй сўйганлигини айтиб, буқани зиёфатга таклиф қилди. Нияти – меҳмонни дастурхон ёнига чўк тушган пайтида ейиш эди. Мана, буқа келди; қараса, дошқозонларда сув қайнаётганмиш, бир қанча узун-узун сихлар ҳам кабоб қилишга шаймиш-у, аммо қўйдан дарак йўқмиш. Буқа бу ҳолатни кўрди-ю, чурқ этмай, орқасига қайтиб кета бошлади. Шер ундан ўпкаланиб:

– Нима, бирон гап билан дилингни оғритдимми, нега индамасдан орқангга қайтиб кетяпсан? – деди.

Буқа жавоб берди:

— Бундай қилишимга сабаб бор: қарасам, бу ерда қурбонликка қўй эмас, буқа аталган кўринади.

НОМУВОФИҚ ДЎСТЛАР

Денгиз бўйида айланиб юрган шер тўлқинлар ичра ўйноқлаб сузаётган дельфинни кўриб, кел, бир-биримиз билан иттифоқ тузайлик, деб таклиф қилди унга.

— Сен денгиз ҳайвонлари подшосисан, — деди шер, — мен эса замин ҳайвонлари подшосиман, бас, шундай экан, ўзаро дўст, инок бўлиб яшасак яхши эмасми?

Бу таклифни дельфин бажонидил қабул қилди. Орадан бир неча

кун ўтиб, шер бир ёввойи буқага
рўпара келди ва у билан олиша
бошлади. Ўлжасини енга олишига
кўзи етмаган шер наъра тортиб,
дельфиндан ёрдам сўрай бошла-
ди. Дельфин дўстига ёрдам бериш
учун қуруқликка чиқмоқчи бўлди,
аммо чиқа олмади; шунда шер уни
хиёнаткор деб айблай бошлади.
Дельфин унга жавобан деди:

– Сен айбни менга эмас, мени
қуруқликка чиқа олмайдиган ден-
гиз ҳайвони этиб яратган табиатга
қўй.

ЮГУРГАННИКИ ЭМАС...

Шер билан айиқ бир ёш буғуни
тутиб олишди ва уни талашиб
жанг бошлашди. Улар то силлала-

ри қуриб, кўзлари тингунча жон-жаҳдлари билан олишиб, ахийри ҳолдан тойиб йиқилиб қолишди. Шу маҳал бу ердан ўтиб кетаётган тулки буғу жасадининг икки ёнида чўзилиб ётган шер билан айиқни кўрди ва уларнинг беҳоллигидан фойдаланиб, буғуни судраб олиб қочиб кетди. Шунда қимирлашга ҳам мадорлари қолмаган шер билан айиқ:

— Шўримиз қурсин! Бундан чиқди, ҳали биз шу ўғри тулки учун тер тўкиб ҳаракат қилган эканмиз-да? — дейишди.

ҚАНОАТСИЗЛИК

Бир куни шер ухлаб ётган қуённи топиб олди ва уни емоқчи бўлиб,

энди оғзига олиб борган эди, шу пайт кутилмаганда унинг ёнгинасидан бир буғу югуриб ўтди. Шер қуённи ташлаб, буғу орқасидан қува кетди, лекин минг қувлагани билан унга ета олмади ва топган қуёнимдан қўймасин, деб орқасига қайтиб келди. Лекин қуён уйғониб, аллақачон жуфтакни ростлаб қолган эди. Шунда шер қуёндан ҳам айрилганини кўриб, деди:

— Минг лаънат! Узоқдаги ўлжани деб, қўлимдагисини қўйвориб ўтирибман мен, аҳмоқ!

ЧИВИН ВА БУҚА

Бир чивин учиб келиб буқанинг шохига қўнди ва анча вақт шу

ерда ўтирди; кейин учиб кетишга шайланиб, буқадан сўради:

– Балки учиб кетмаганим маъқулдир сенга?

Буқа унга жавоб қайтарди:

– Эҳ азизим, келиб шохимга қўнганингни ҳам сезмаган эдим, учиб кетсанг ҳам ҳеч нима сезмайман.

ҚЎРҚОҚЛАР

Ўзларининг ўлгудек қўрқоқ эканликларини тушунган қуёнлар, бу кунимиздан кўра сувга чўкиб ўлганимиз яхши, деган қарорга келадилар ва кўл ёқасидаги жар лабига борадилар; кўлдаги қурбақалар қуёнларнинг оёқ товушини эшитишиб чўчиб кетадилар ва чўлп-

чўлп этиб сувга шўнғийдилар.
Буни бир қуён кўриб қолади ва
хамжинсларига:

– Шошманглар, биздан ҳам
баттарроқ кўрқоқлар бор экан-ку
дунёда, шартмикин ўзимизни сувга
фарқ қилиш? – дейди.

НОЗИК ҲИЙЛА

Шер бир деҳқоннинг қизини се-
виб қолади ва уйига совчи бўлиб
келади. Деҳқон бу ваҳший ҳайвонга
қизини беришни ҳам хоҳламас,
айни пайтда, унинг талабини рад
этишдан ҳам кўрқарди. Мана, у
ўйлаб-ўйлаб шундай қарорга кел-
ди: шер қизнинг уйига ҳадеб танда
қўяверганидан кейин деҳқон унга
ушбу шартни айтди:

— Биламан, сен қизимга муносиб қайлиқсан, албатта, лекин қизимга уйланишингдан олдин сен тишларингни суғуриб олишинг, тирноқларингни кесиб ташлашинг керак, бўлмаса қизим сендан қўрқади.

Севгидан телба бўлиб қолган шер деҳқоннинг шартига бажонидил рози бўлиб тишлари ва тирноқларини олдириб ташлайди. Ана шунда деҳқон шердан қўрқмай қўяди ва у қизга уйлангани келганида таёқ билан уриб ҳайдаб юборади.

ОВОЗ ВА ВАЖОҲАТ

Қурбақанинг қуриллаганини эшитган шер, бу қандай ваҳимали ҳайвон бўлди, деб овоз келган томонга ўгирилиб қаради. Қараб, эндигина сувдан сакраб чиққан қурбақани кўриб, уни эзғилаб ташлади ва деди:

– Овоз эмас, важоҳат қўрқинчли бўлади.

КИМ АЙЁР?

Шер қариб қолди; энди у ўзи ов қилиб қорнини тўйдира олмасди; шунда у айёрлик қилиб кун кечирмоқчи бўлди: у ўз ғориға кириб, гўё касал бўлгандек ётиб олди; шундай ҳайвонлар унинг

ҳолидан хабар олгани кела бош-
ладилар, шер эса уларни тутиб ея-
верди. Бу орада анча-мунча ҳайвон
азият чекди. Ниҳоят, шернинг най-
ранг ишлатаётганини тулки сезиб
қолди; мана, у ғор оғзига келиб,
узоқдан туриб шердан ҳол-аҳвол
сўради.

— Аҳволим оғир, — деб жавоб
қилди шер, — ие, нега ташқарида
турибсан? Кир ичкарига!

Тулки унга шундай жавоб
қилди:

— Кирардим-у, лекин қарасам,
ғорга йўналган оёқ излари кўп
бўлса ҳам ичкаридан чиққан би-
ронта из йўқ.

ОҶОФАТ

Оғзида бир бўлак гўшт билан кўприкдан ўтаётган ит сувда ўз аксини кўриб қолади. У бошқа бир ит катта бўлак гўшт тишлаб кетяпти, деб ўйлаб, оғзидаги гўшtdан воз кечади-да, сувдаги ўз аксига ташланади. Натижада, иккала гўшtdан ҳам қуруқ қолади: катта гўшт бўлагини тополмайди, чунки у йўқ эди ва ўз гўштини йўқотиб қўяди, чунки уни сув оқизиб кетган эди.

ИККИ КЕМАНИ ТУТГАН

Каптархонадаги каптарларни яхши боқишаётганини кўрган зоғча шу қушлар жамоасида яшамоқчи

бўлиб, ўзини оқ бўёққа бўяб олди. У товуш чиқармаган чоғда каптарлар уни ўз тоифаларидан деб билишди, лекин у бир пайт ўзининг каптар эмаслигини унутиб қўйиб, бирдан қағиллаб юборди; шунда каптарлар зоғчани таниб қолиб, ораларидан ҳайдаб юбордилар. Каптарлар хўрагидан махрум бўлган зоғча ўз ҳамжинслари ёнига қайтиб келди; лекин бу оқ патли қушни зоғчалар тан олмай, ёнларига яқин йўлатмадилар. Оқибат, икки охурдан ем ейишни кўзлаган зоғча ҳар иккисидан ҳам қувилди.

ҚАРҒА БИЛАН ТУЛКИ

Қаердандир бир бўлак гўшт олиб қочган қарға учиб келиб

дарахт шохига қўнди. Уни тулки кўрди ва дарахт тагига келиб, қарға тумшуғидаги гўшт илинжида, унга:

– Оҳ, қарғажон, сен энг улуғ, энг гўзал қушсан, аслида, барча паррандаларга фақат сен шох бўлишинг керак эди-ю, лекин овозинг унча жарангдор эмас-да, – деб хушомад қила бошлади. Шунда қарға ўзининг янгроқ овозини тулкига намойиш қилиш учун тумшуғидаги гўштни тушириб юбориб, овозининг бориचा қағиллай бошлади. Тулки шу заҳоти гўштни илиб олди-да, қарғага деди:

– Эҳ, нодон, агар каллангда яна ақлинг ҳам бўлганида эди, бошқа ҳеч нима керак бўлмасди сенга қушларнинг шоҳи бўлишинг учун.

ЗОҒЧА ВА ҚАРҒАЛАР

Бир зоғча ўз қавмидаги бошқа зоғчалардан бўйдорроқ, бўлалироқ эди; шу боис у ўз уруғидан жирканиб, қарғалар жамоаси ҳузурига борди ва улар билан бирга яшамоқчи бўлганини айтди. Аммо зоғчанинг турқи ҳам, овози ҳам қарғаларга ёт эди, шунинг учун бу қушга рўйхуш бермай, чўқиб-чўқиб хайдаб юборишди. Қувилган зоғча ўз уруғлари олдига қайтиб келди, лекин зоғчалар бу такаббур қушдан нафратланиб, уни жамоаларига қўшмадилар.

ЎҒРИЛАР ВА ХЎРОЗ

Бир уйга ўғирликка тушган ўғрилар у ерда битта хўроздан бошқа ҳеч вақо топмадилар ва уни тутиб олиб жўнаб қолдилар. Ўзининг сўйилишини сезган хўроз ўғриларга ёлвориб деди:

– Худо хайрингизни берсин, мени қўйиб юборинглар. Ахир менинг одамларга кўп фойдам тегади: уларни кечалари уйғотаман, ишга боришсин, деб.

Ўғрилар унга дедилар:

– Ана шу қилмишинг – одамларни уйғотиб, бизнинг ўғирлик қилишимизга имкон бермаганинг учун ҳам сени сўямиз.

ДЕХҚОН ВА УНИНГ ИТИ

Бир деҳқоннинг ити қудуққа тушиб кетади. Деҳқон уни олиб чиққани қудуққа тушади. Лекин ит эгасининг нега олдига тушаётганини тушунмайди ва мени сувга чўктирмоқчи, деб ўйлаб, деҳқонни тишлаб олади. Оғриққа чидай олмаган деҳқон дейди:

— Ажаб бўлди, хўб бўлди, айб ўзимда: ҳамонки, ит ўзи сувга чўкмоқчи экан, нима қилардим уни қутқаришга уриниб?

ЧУМОЛИ ВА ҚЎНҒИЗ

Ёзнинг иссиқ кунларида чумоли ёлғиз далани айланиб, қишга фамлаш учун буғдой ва арпа дон-

ларини териб юарди. Уни қўнғиз кўриб қолди ва раҳми келиб, деди:

– Вой, шўрлик-е, шундай жазирама иссиқда ҳам ишлаб ётибсанми, нега бошқа жонзотларга ўхшаб сен ҳам яйраб дам олмайсан, вақтихушлик қилмайсан?

Ўшанда чумоли қўнғизга ҳеч нима демаган эди. Орадан вақт ўтиб, қиш келди, даладаги гўнгларни ёмғир ювиб атала қилиб юборди ва қўнғиз оч қолди. Мана, у чумолининг олдига, бирон егулик бер, деб тиланчилик қилиб келди. Шунда чумоли унга деди:

– Эҳ, қўнғиз, қўнғиз, ёзда меҳнат қилиб юрганимда, менга ақл ўргатиб насихат қилиш ўрнига ўзинг ҳам ишлаганингда эди, ҳозир оч ўтирмаган бўлардинг.

БЎРИ БИЛАН УЛОҚЧА

Подадан орқада қолган бир улоқчани бўри қува бошлабди. Улоқча ундан қочаркан, орқасига ўгирилиб, деди:

— Бўри, биламан, ҳозир сен мени ейсан. Кел, ўлимим олдидан сени бир хурсанд қилай: сен сурнай чал, мен рақсга тушай.

Бўри сурнай чалибди, улоқча эса ўйнай бошлабди; шунда подани қўриқловчи итлар сурнай овозини эшитиб, бўрини қува кетишибди. Бўри думини хода қилиб қочаркан, дебди: “Бу кунимдан баттар бўлмайманми: ахир мен ваҳшийман-ку... ким қўйибди менга машшоқлик қилишни?”

ИККИ ИТ

Бир одамнинг иккита ити бор экан: у бир итини ов қилишга, иккинчисини – уйни қўриқлашга ўргатибди. Ҳар сафар овчи ит эгасига ўлжа тутиб келганида, эгаси ўлжанинг бир бўлагини қўриқчи итга ҳам ташлар экан. Бу ноҳақликка чидолмаган овчи ит қўриқчи итга миннат қилиб, дебди:

– Мен ҳар куни эртадан-кечгача елиб-югуриб, ҳориб-чарчаб ов қилиб келаман, аммо сен иш қилмай, бировнинг топганини еб, қорин қаппайтириб ётасан.

Қўриқчи ит унга шундай жавоб қилибди:

– Сен бу миннатингни менга эмас, хўжайинга қил, чунки мени

меҳнат қилмай, бировлар ҳисобига
кун кечиришга ўша ўргатган.

ЭШАК, ХЎРОЗ ВА ШЕР

Қорни оч шер бир офилхонада
эшак турганини кўриб, уни емоқчи
бўлди ва аста пусиб кела бошла-
ди. Шу пайт уй эгасининг хўрози
қичқириб юборди (айтишларича,
шер хўроз қичқириғидан қўрқар
экан); шер қўрқиб кетиб ерга
қапишиб ётиб олди, сўнг тирақайлаб
қоча бошлади. Шернинг хўроз
овозидан қўрқиб қочганини кўрган
эшакнинг ғайрати жўшиб кетди ва
шер орқасидан қува бошлади; ана
шунда анча нарига бориб қолган
шер орқасига ўгирилиб, эшакни ту-
тиб еди.

ПАШШАЛАР

Бир омборхонада асал тўкилиб кетди; пашшалар уни татиб кўриб, ширин эканлигини билишгач, ҳаммалари унга виж-виж бўлиб ёпирилишди. Лекин оёқлари асалга ботиб уча олмаганларидан кейин, тотли асалга фарқ бўларканлар, дейишди:

— Эҳ, аттанг, бир зумли лаззатли ҳаёт деб жонимиздан жудо бўляпмиз.

БУҒУ ВА УЗУМ ТОКИ

Бир буғу овчилардан қочиб узумзорга яширинди. Овчилар уни кўрмай боғ ёнидан ўтиб кетишди. Шунда, фалокатдан қутулдим,

деб кўнгли таскин топган буғу ток баргларини ея бошлади. Лекин овчилардан бири шу пайт тасодифан орқасига ўгирилиб, буғуни кўриб қолди ва камондан ўқ отиб уни яралади. Ажали етганини сезган жонивор оғир бир нола чекиб ўзига-ўзи деди:

— Эҳ, қандай шўрпешонаман! Қилмишимга яраша жазойимни олдим: бу ток мени ўлимдан қутқариб қолган эди, мен бўлсам уни нобуд қилдим.

ҚИСМАТДАН ҚОЧИБ БЎЛМАЙДИ

Бир буғу овчилар таъқибидан қочиб арслон ин қурган ғор оғзига бориб қолади ва ўзини панага олиш

учун шу форга киради. Лекин бу ерда у арслоннинг панжасига илинади; у ўз ўлими олдидан дейди:

— Э, воҳ! Шўрим қуриди менинг! Ваҳший ҳайвоннинг чангалига илиниш учун қочибман-да одамлардан?

БУҒУ ВА ШЕР

Қаттиқ сувсаган бир буғу чанқоғини қондиргани булоқ бошига келади. У ҳузур қилиб сув ичаркан, ўзининг сувдаги аксини томоша қилади: тарвақайлаб ўсган йирик-йирик бежирим шохларига завқланиб қарайди, лекин қилтириқ, нимжон ва чўпдай ориқ оёқларини кўриб таъби хиралашади. Буғу шундай хаёлга фарқ бўлиб тургани-

да шер пайдо бўлади ва уни қува бошлайди. Буғу қочаркан, шердан анча олдинлаб кетади (Зеро, буғунинг кучи оёқларида, шерники – юрагидадир). Буғу очик далада шерни анча орқада қолдириб кетади, лекин ўрмонга кириб борганида, шохлари дарахт новдаларига илашиб, тез югуролмайди, оқибат, шер уни тутиб олади. Шунда буғу ажали етганини сезиб ўзига-ўзи дейди:

– Шунчалик бадбахт эканман! Хиёнат қилади, деб гумонсираганим – оёқларим мени ўлимдан қутқардилар, аммо халоскорим деб умидвор бўлганим – шохларим мени ҳалок этдилар.

АСАЛАРИЛАР

Бир киши асалари уялари турган ўтлоққа эгаси йўқлигида келиб, асалари уяларидаги мумкатакларни анча-мунча асали билан ўғирлаб кетди. Хўжалик эгаси келганида уялар бўм-бўш бўлиб қолган эди; шунда асаларичи уяларни бирма-бир кўздан кечира бошлади; бу пайт даладан асаларилар учиб келишди ва уяларини титкилаётган асаларичини кўриб, уни чақа бошлашди. Бу чақувлар азобига чидай олмаган асаларичи уларга деди:

— Вой ярамаслар-е! Бу нима қилганларинг! Нега сизларни парваришлаб боқиб келаётган кишини аямай чақяпсиз? Ахир сизлар мумкатакларингиз билан ғамлаган

асалингизни ўғирлаб кетган одамни
чақишингиз керак эди-ку!

ЭМАН ВА ҚАМИШ

Эман билан қамиш қай биримиз
кучлироқмиз, деб баҳслаша бошла-
дилар. Шу баҳс пайтида кучли ша-
мол кўтарилди ва қамиш бир сес-
каниб кетиб, бу шамолга бош эгиб
таъзим қилди; аммо эман шамолга
қарши кўксини қалқон қилиб ту-
раверди, оқибатда илдизи билан
қўпорилиб ерга қулади.

ИККИ ҚУРБАҚА

Бир-бирига қўшни икки қурбақа
бор эди. Уларнинг бири йўлдан
четроқдаги ҳовузда, иккинчиси

шундоққина катта йўл бўйидаги кўлмак сувда яшарди. Ҳовузда яшовчи қурбақа қўшнисини ўзи билан бирга яшашга таклиф қилиб деди:

– Келсанг яхши бўларди, бу ерда хўрак кўп, биргаликда тинч-тотув бўлиб яшардик.

Лекин йўл ёқасида яшовчи қурбақа бўлса унга:

– Йўқ, қўшнижон, мен ўз кўлмагимга кўникиб қолганман, уни ташлаб кетолмайман, – деб қўшнисининг ҳовузига боришга рози бўлмади ва оқибат, кунларнинг бирида йўлдан ўтиб бораётган арава филдираги уни мажақлаб юборди.

АЙИҚНИНГ “ПАНДИ”

Икки ўрток ўрмондаги сўқмоқ йўлдан кетиб борарди, кутилмаганда олдиларидан бир баҳайбат айиқ чиқиб қолди. Йигитлардан бири шу заҳоти дарахтга тирмашиб чиқиб, новдалар орасига беркиниб олди. Лекин иккинчи йигит қочишга улгура олмади, шу боис ерга узала тушиб, худди ўликдай қимир этмай ётди. Айиқ унга яқин келиб, афтини ҳидлай бошлаганида, йигит нафас ҳам олмади; чунки, айтишларича, айиқлар ўлаксаларга тегмас экан. Айиқ орқасига ўгирилиб жўнаб кетибди, шунда дарахтга чиқиб олган ўрток ерга тушди ва:

– Айт-чи, айиқ қулоғингга нималарни пичирлади? – деб сўради.

Ўртоғи унга жавобан бундай деди:

– Бундан кейин сафарга чиққанингда сени мушкул аҳволда ташлаб қочадиган одам билан ҳеч ҳам ҳамроҳ бўлма, деб шипшиди.

ДЕҲҚОН ВА ТАҚДИР

Бир деҳқон ўз чорбоғида ер чопиб туриб, хазина топиб олди. Шундан кейин у бу чорбоғни, ҳожатбарорим, деб эъзозлаб, ҳар куни янги-янги турфа гуллар билан безатиб турди. Деҳқоннинг бу амалини кўрган тақдир унинг ёнига келиб шундай деди:

— Биродарим, нима учун сен ерга миннатдорчилик билдирмоқдасан? Ахир хазинани сенга ер эмас, мен бахш этдим-ку, сенинг бой бўлишингни хоҳлаб! Борди-ю, ишларинг беҳосдан чаппасига кетиб, ночор ва нотавон аҳволга тушсанг, унда яна мени — тақдирингни қарғай бошлайсанми?

ОРТИҚЧА ДОН

Бир бева аёлнинг ҳар куни тухум қўядиган битта товуғи бор эди. Бева, агар унга кўпроқ дон берсам, кунига иккитадан тухум туғиб беради, деб ўйлади ва шундай қилди ҳам. Лекин товуқ бундай боқувдан семириб кетиб, бутунлай тухум қўймай қўйди.

ДЕХҚОН ВА ИЛОН

Бир илон аста ўрмалаб келиб деҳқоннинг ўғилчасини чақиб ўлдирди. Бу оғир мусибатдан аламдийда бўлган деҳқон қўлига болта олиб, илонни инидан бош чиқаргани ҳамона чопиб ўлдирмоқчи бўлиб пойлай бошлади. Мана, илоннинг боши кўринди, деҳқон уни болтаси билан чопмоқчи бўлди, аммо илон чап бериб қолди, болта эса уя оғзидаги катта тошни ёриб юборди. Шу воқеадан кейин деҳқон юрак олдириб қўйди ва илонга ёлвориб, кел, ярашайлик, деди.

— Йўқ, — деб жавоб қилди унга илон, — ёрилган тошни кўриб мен ҳам, ўғлингнинг қабрини кўриб сен ҳам бир-биримизга яхшилик тилай олмаймиз.

САЪВА

Деразага осиб қўйилган қафасдаги саъва кечаси билан тинмай сайраб чиқарди. Унинг хонишини эшитган кўршапалак учиб келиб:

— Нима учун кун бўйи чурқ этмайсан-у нуқул кечаси сайрайсан? — деб сўради.

Саъва унга жавоб берди:

— Бунинг сабаби бор: мен илгари кундузи сайраб юрган чоғимда ногаҳон тўрга илиниб қолгандим. Шундан кейин эсим кириб, фақат кечалари сайрайдиган бўлдим.

Кўршапалак унга шундай танбех берди:

— Сен илгари, тўрга илинмасингдан олдин шунақа эҳтиёткор бўлишинг керак эди. Эсингнинг энди кирганидан фойда йўқ.

ЭҲТИЁТ

Иккита қурбақа ўз масканлари бўлмиш кўлмакда сув қуриб қолганидан кейин бошқа сувли ерни қидириб йўлга тушадилар. Улар бир қудуқ олдига келадилар; шунда биринчи қурбақа:

– Кел, тезроқ қудуққа сакраб тушақолайлик – ўйлаб ўтирамизми? – дейди.

Лекин иккинчи қурбақа ҳамроҳига жавобан шундай дейди:

– Борди-ю бу ерда ҳам сув қолмаса, унда қандай чиқамиз қудуқ ичидан?

ҲАР ЕРНИ ҚИЛМА ОРЗУ

Кўкторғоқ — хилват жойларни ёқтирадиган қуш, шу сабабли у ҳамиша денгизда яшайди. Айтишларича, у ўзини қуш овловчилардан олиб қочиш мақсадида уясини соҳилдаги қоятошлар устига қўяр экан. Унинг тухум қўйиб, бола очадиган пайти келибди; у денгиз узра туртиб чиқиб турган бир қояни танлаб, ўшанинг устига ин қурибди. Лекин кунларнинг бирида у овқат излаб учиб кетганида, кўтарилган кучли шамолдан денгиз қаттиқ тўлқинланиб, кўкторғоқнинг инига-ча кўтарилибди ва уни ювиб кетибди; ҳамма полапонлар сувга чўкиб нобуд бўлибди. Кўкторғоқ инига қайтиб келиб юз берган фалокатни кўрибди ва дебди:

– Шўргинам қурсин! Мен қуруқ-
ликдаги хатардан қўрқиб, денгиз-
дан паноҳ излагандим, аммо денгиз
янада қабихроқ, маккорроқ бўлиб
чиқди.

НАФС БАЛОСИ

Бир куни қорни оч тулки дарахт
кавагида подачилар эҳтиёт шарт
қўйиб кетган нон билан гўштни кў-
риб қолди. Шу заҳоти кавакка ки-
риб олиб ҳамма егуликни еб ту-
гатди. Кейин ташқарига чиқмоқчи
бўлган эди, кўп овқат егани учун
қорни дўмбира бўлиб шишиб кет-
ганидан, қанча кучаниб ихрама-
син, инграмасин, ҳеч кавак оғзига
сиғмади. Шу маҳал бу ердан чопиб
ўтиб кетаётган бошқа бир тулки

унинг оҳу ноласини эшитиб қолди ва яқин келиб қавакдаги тулкидан ҳол-аҳвол сўради; нима бўлганини билгач, ҳамжинсига шундай деди:

— Энди қавакка кираётганингдаги ҳолингга қайтгунингча шу ерда ўтирасан. Фақат шундагина қавакдан чиқа оласан.

ХЎРОЗЛАР

Бир одам бозордан қўлга ўргатилган каклик сотиб олиб, уни уйидаги хўрозлари орасига қўйиб юборади. Лекин хўрозлар уни тепкилиб, чўқий бошлайдилар. Шунда каклик қаттиқ хафа бўлиб, ўзига-ўзи дейди: “Хўрозлар мени ёқтиришмаяпти, чунки уларнинг қавмидан эмасман-да”. Аммо сал

вақтдан кейин хўрозлар бир-бирларини аямай, ўзаро қонли жанг қила бошлайдилар. Бунини кўрган каклик ўзига таскин бериб дейди: “Йўқ, хўрозлар мени чўқилашди, деб нолимайман энди, қарасам, улар ўзларини ҳам аямас эканлар”.

МУНОФИҚ

Овчилар таъқибидан қочиб келаётган тулки ўрмонда бир дарахт кесувчига рўпара келади ва унга, мени яшир, деб илтижо қилади. Дарахт кесувчи унга, бор, кулбамга кириб беркинақол, дейди. Бир оздан сўнг бу ерга овчилар етиб келишади ва дарахт кесувчидан:

– Кўрмадингми, шу ердан бир тулки югуриб ўтмадими? – деб сўрайдилар.

Дарахт кесувчи баланд овоз билан:

— Кўрмадим, — деб айтади, аммо айти пайтда тулкининг қаерга беркинганини қўли билан кўрсата бошлайди. Лекин овчилар унинг ишорасини тушунишмайди; қисқаси, овчилар унинг гапига ишонишиб, жўнаб кетишади. Ниҳоят, тулки овчиларнинг от чоптириб кетишганини эшитиб кулбадан чиқади ва чурқ этмай кета бошлайди. Бу ҳолни кўрган дарахт кесувчи унга:

— Ҳой, ношукур жонзот, ахир, мен сени ўлимдан қутқариб қолдим-ку! Сен бўлсанг менга раҳмат ҳам айтмай, жуфтакни ростлаб қоляпсан-а! — деб маломат қилади. Унга жавобан тулки дейди:

– Раҳмат айтардим, агар айтган сўзинг билан имо-ишоранг бир-бирига мос бўлганида.

ТИКАНЛИ БУТА

Тулки деворга чиқмоқчи бўлди ва йиқилиб кетмаслик учун тиканли бутадан ушлади. Бутанинг ўткир тиканлари унинг баданини тилиб оғритди, шунда тулки бутага маломат қилиб, деди:

– Ахир, мен сендан ёрдам тилаб қўл чўзган эдим-ку, сен бўлсанг ёрдам кўрсатиш ўрнига баданимни тилка-пора қилдинг.

Бута унга эътироз билдирди:

– Сен, тасаддуқ, менга ёпишиб хато қилдинг, сабабки, мен ўзим ўтгангаям, кетгангаям ёпишишга одатланганман.

ҲИЙЛА

Тулки бир тузоққа тушиб думидан айрилиб қолди-ю, бундай шарманда бўлиб яшашдан истиҳола қилди. Шунда у айёрлик қилиб, ҳамма тулкиларни ўз думларини кесиб ташлашга ундамоқчи бўлди: кўп қатори бўлсам айбим сезилмайди, деб ўйлаган-да. Шунда у бутун тулки қавмини йиғиб:

— Келинглар биродарлар, думларимизни кесиб ташлайлик. Сабаб-ки, биринчидан, қоматимизни бузади; иккинчидан, у биз учун ортиқча юк, — деди.

Бу ваъзни эшитган тулкилардан бири деди:

— Сени қара-ю! Агар ўз фойдангни кўзламаганингда, бизларга бундай маслаҳат бермаган бўлардинг.

ТУЛКИ ВА УЗУМ

Қорни оч тулки бир боғ ёнидан ўтиб кета туриб, узумлари шовул бўлиб осилиб турган токни кўрди; кўрди-ю, узумини емоқчи бўлди. Лекин қанча уринса, қанча сакраса ҳам узумга бўйи етмади. Шунда ҳафсаласи пир бўлиб нари кетаркан, ўзига-ўзи деди: “Ҳали хом — еб бўлмайди”.

ТУЛКИ БИЛАН МАЙМУН

Йўлда ҳамроҳ бўлиб кетаётган тулки билан маймун, қай биримиз машхурроқмиз, деб баҳслаша бошлашибди. Униси ҳам, буниси ҳам роса оғиз кўпиртириб мақтанибди. Шу маҳал улар бир қабристон

ёнидан ўта бошлашибди. Маймун у ердаги сағаналарга кўз ташлаб, офир-офир хўрсина бошлабди.

— Ҳа, нима бўлди, нега хўрсин-
япсан? — деб сўрабди ундан тул-
ки; шунда маймун қабр тошларини
кўрсатиб:

— Нега хўрсинмай! — дебди. —
Ахир, мана шу қабр тошлари та-
гига ота-боболаримнинг қуллари
дафн этилган.

Тулки унга жавобан деди:

— Ҳа, мақтан-а, мақтан! Ахир,
бу майитларнинг биронтаси ҳам
қайта тирилиб сени ёлғончига
чиқара олмайди-да.

ТУЛКИ ВА ШЕР

Тулки ҳеч қачон шерни кўрмаган эди. Бир куни у тасодифан шерга рўпара келиб қолди ва кўриб шунақанги қўрқиб кетдики, юраги ўйнаб, сал бўлмаса ўлаёзди; у шерни иккинчи марта кўрганида ҳам анча ваҳимага тушди-ю, биринчи галдагичалик қаттиқ қўркмади; тулки шерни учинчи марта учратди ва энди ўзини дадил тутиб, у билан суҳбатлашишга ҳам журъат этди.

ОВСАР

Бир тулки беҳосдан қудуққа тушиб кетди ва у ердан чиқолмай, ноилож ўтираверди. Шу пайт қудуқ бошига чанқаган бир така

келди; у қудуқ ичида турган тулкини кўриб, ундан:

— Сув қалай экан, муздайми? — деб сўради. Айёр тулки сувни оғиз кўпиртириб мақтай кетди ва уни ҳам қудуқ ичига таклиф қилди. Чанқоғини қондиришдан ўзга нарсани ўйламаган така қудуққа сакраб тушди ва мириқиб сув ичди. Ана шундан кейингина бу ердан қандай қутулиб чиқиш ҳақида тулки билан маслаҳатлаша бошлади. Тулки:

— Менда ажойиб бир фикр пайдо бўлди, агар уни амалга оширсак, иккаламиз ҳам бу ердан эсон-омон қутулиб чиқиб кетамиз, — деди. — Бундай қиламиз: сен олдинги оёқларингни кўтариб деворга тирайсан ва шохларингни

эгиб турасан. Мен сенинг елканг-дан тирмашиб юқорига чиқаман; кейин сени ҳам тортиб оламан.

Тулкининг бу таклифини ҳам така ўйлаб-нетиб ўтирмай қабул қилди; тулки таканинг думғазасига, кейин елкасига чиқиб, орқа оёқларини унинг шохларига тирадида, олд оёқлари билан қудуқ оғзига тирмашиб, бир ирғишда юқорига чиқиб олди ва орқасига қайрилиб ҳам қарамай, ўз йўлида кетаверди. Така лафзида турмаган тулкини бўралаб сўка бошлади, тулки эса орқасига ўгирилиб деди:

— Вой овсар-е! Агар миянгда соқолингнинг тукичалик ақл бўлганида, қудуққа тушишдан олдин у ердан қандай чиқишни ўйлаган бўлардинг.

ЁВВОЙИ ЭЧКИЛАР

Бир чўпон эчкиларини ҳар куни яйловга ҳайдар ва кечқурун уларни яна қўрасига қайтариб келарди. У эчкиларини қўрага қайтаргани ўтлоққа борибди. Қараса, бир гала ёввойи тоғ эчкилари унинг эчкилари билан ўтлаб юрганмиш. Чўпон уларни ҳам ўз эчкиларига қўшиб қўрага ҳайдаб киритибди. Эртаси куни ҳаво айниб, жала қуя бошлабди, шу боис у жониворларни қўрадан чиқармай, шу ерда боқа бошлабди. Қизиги шундаки, у ўзининг эчкиларига номига бир сиқим-бир сиқимдан хашак солса, бегона эчкилар олдига, уларни қўлга ўргатиш ниятида, пичан ва емни уйиб ташлабди. Лекин эртаси куни ҳаво очилиб кетиб, у

барча эчкиларни ўтлоққа хайдаб чиққанида, ёввойи эчкилар тоғ томон шаталоқ отиб чошиб кетибдилар. Бу ҳолни кўрган чўпон таъна қилиб, уларга дебди:

— Эҳ ношукур махлуқлар, ахир мен сизларни яхшилаб боқдим, парвариш қилдим-ку, нега мендан қочиб кетяпсизлар?

Шунда ёввойи эчкилар орқаларига ўгирилиб, чўпонга дебдилар:

— Биз сеникига кечагина келгандик, сен бизни ўзингнинг қадрдон эчкиларингдан афзал кўриб роса сийладинг. Бундан чиқди, агар сеникига яна янги эчкилар келгудек бўлса, бизни назардан қолдириб, уларни эъзозлар экансан-да? Мана шунинг учун ҳам ўзимизни сендан эҳтиёт қилмоқдамиз.

БУЛБУЛ ВА ҚАРЧИҒАЙ

Булбул дарахт шохига қўниб олиб, ўз одати бўйича хониш қиларди. Уни қорни оч бир қарчиғай кўриб қолди ва “шув” этиб учиб келиб бечора қушчани чангалига олди. Шунда куни битиб, ажали етган булбул қарчиғайга ёлвориб деди:

— Жон ака, мени еманг, ахир мен зиғирдеккинаман — тишингизнинг қавагида йўқ бўлиб кетаман. Агар қорнингиз очган бўлса, яхши-си, йирикроқ қушларни тутиб енг.

Лекин қарчиғай унга эътироз билдириб деди:

— Агар чангалимдаги ўлжани ташлаб, қорасиям кўринмаган ўл-

жани қидирадиган бўлсам, ғирт аҳмоқ бўлган бўлардим.

БУРГУТ БИЛАН ТУЛКИ

Бургут билан тулки дўст тути-нишди ва қўшни бўлиб яшашга аҳд қилишди. Бургут азим тут дарахт-нинг учига уя қурди. Тулки эса, шу дарахт тагида, буталар орасида болалади. Орадан бир қанча вақт ўтиб, кунларнинг бирида тулки овга чиқди. Шунда ўз полапонла-рини нима билан боқишни билмай, очиқиб ўтирган бургут пастга учиб тушиб, буталар орасида ётган тул-киваччаларни чангалига илиб уяси-га олиб чиқди-да, уларни ўз пола-понлари билан баҳам кўрди. Тул-ки инига қайтиб келди, келди-ю,

бир қарашда не ҳол юз берганини фаҳмлади. У жуда қаттиқ қайғурди – нафақат болаларининг нобуд бўлганидан, балки қотилдан қасос ололмаслигидан ич-этини еб, изтироб чекди, зеро, ердаги ҳайвон осмондаги қушни тута олмаслигини у яхши билар эди. Нотавон ва ночор ҳайвон нима ҳам қила оларди? Ғанимини фақат узоқдан туриб қарғашгагина кучи етарди унинг. Бироқ орадан кўп вақт ўтмай бургут дўстлик аҳдига хиёнат қилгани учун жазосини олди. Бир одам далада эчки сўйиб, қурбонлик қилди; бургут буни кўриб, учиб келди-да, қурбонгоҳда лаққачўғ бўлиб ёнаётган калла-почаларни ўғирлаб уясига олиб чиқиб кетди. Худди шу пайт бирдан қаттиқ шамол туриб,

нозик шох-шаббалардан қурилган уя бояги калла-почалар орасидаги чўғлардан “пов” этиб аланга олди. Ҳали учишни ўрганмаган темирқанот, жиш полапонлар кабоб бўлиб ерга тушишди; шунда тулки югуриб келиб бургутнинг кўзи олдида унинг полапонларини ямламай ютиб юборди.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. *Абдурахмон Жомий*. Баҳористон (Шоислом Шомухамедов таржима-си). – Тошкент, 1997.

2. *Абдулла Қаҳҳор*. Ҳикматлар (Тузувчи Асрор Самад). – Тошкент, 1991.

3. Аждодлар ўғити (Тўпловчи ва таржимон Бўрибой Аҳмедов). – Тошкент, 1991.

4. *Асқад Мухтор*. Чинор. – Тошкент, 1983.

5. *Жалолиддин Румий*. Маснавий ҳикояларига шарҳлар (Нашрга тайёрловчи А.Тилавов). – Тошкент, 2011.

6. *Иброҳим Ҳаққул*. Занжирбанд шер қошида. – Тошкент, 1989.

7. *Калила ва Димна* (Суйима Фаниева таржимаси). – Тошкент, 1988.

8. Машриқзамин – ҳикмат бўстони (Тўпловчи ва таржимонлар Ҳамиджон Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний). – Тошкент, 1997.

9. Панчатантра ёхуд беш муқаддас китоб (Иброҳим Фафуров таржимаси). – Тошкент, 1993.

10. *Убайд Зоконий, Муҳаммад Авфий, Фахриддин Али Сафий, Абул Фароҷ*. Ҳикоят ва ривоятлар (Тўпловчи ва таржимон Кибриё Қаҳҳорова). Иккинчи наشري. – Тошкент, 1987.

11. *Фаридиддин Аттор*. Ҳикматлар ва ҳикоятлар (Нашрга тайёрловчи Эргаш Очилов). – Тошкент, 2010.

12. *Чингиз Айтматов, Мухтор Шохонов*. Чўққида қолган овчининг

оҳи-зори (Набижон Боқий ва Ёқубжон Хўжамберди таржимаси). – Тошкент, 1998.

13. *Эзон масаллари* (Қодир Мирмуҳамедов таржимаси). – Тошкент, 2010.



МУНДАРИЖА

Мажоз ва ҳақиқат.....	3
Маймун ва дурадгор	5
Очкўзликнинг жазоси.....	7
Думсиз эшак.....	8
Яхшиликка ёмонлик	9
Ходисалар занжири.....	16
Оз ва кўп.....	20
Ит ва тулки	21
Тошбақа	22
Лочин ва товуқ	29
Манфаат ва эҳтиёткорлик.....	31
Тўти билан қарға.....	32

Илоннинг касби	33
Тақлидчининг аҳволи	34
Чаён	36
Дўстлик синовии	36
Дўст қачон душманга айланади?	38
Ёмонга яхшилик ҳайф.....	40
Бировга чоҳ қазисанг... ..	42
Бировнинг устидан кулма	46
Зулм оқибати	48
Ипак қурти ва ўргимчак	50
Ари билан чумоли	51
Ақл ва сабр	52
Тамагирлик оқибати	53
Гадо итдан баттар	56
Баднафс тулки.....	57
Куч етмаса, ҳийла қил.....	57
Қуённинг ҳийласи	60
Бола шароитга қараб кўпайтирилади	64

Уч балиқ.....	65
Тошбақа билан чаён	67
Фаросатсиз ўрдақ	69
Мунофиқ дўстлар.....	70
Ўрдақлар ва қурбақа.....	79
Маймунлар	82
Тузоққа ўзи тушди.....	84
Ёғ ва пилик.....	86
Ўргимчак ва пашша	86
Кўршапалакнинг жавоби.....	88
Чув тушган тулки	88
Душманини менсимаганнинг аҳволи	90
Бўри ва эчки.....	92
Сичқон билан қурбақа.....	93
Този ва оҳу	96
Зўравоннинг ҳалокати	97
Шам ва парвона	100
Нафси ёмон бўри.....	100
Лочин ишини қилмоқчи бўлган	
ҲОЗ	102

Одобни кимдан ўрганиш керак?....	104
Шижоатли чумоли	105
Сичқон ва туя	106
Шохсиз қолган ҳўкиз	107
Қарға ва товус	108
Тақлидчи ғоз	110
Сўнгги пушаймон	110
Ўзига қолганда... ..	112
Энг яхшиси	117
Оққуш муҳаббати	117
Оқибатли бўрилар	118
Инсонлар ва ҳайвонлар	120
Дўстлар иттифоқи	132
Донишманднинг ҳийласи	136
Сир очилгач... ..	139
Ўлим нигоҳи	141
Икки хил тарбия	143
Икки бўйинли қуш	146
Кўпчилик кучли	147

Тақдир тухфаси	148
Ҳийлагар шағол	152
Ватан қадри	158
Ақл ва кибр	159
Нонкўр.....	162
Хавфли иш	164
Фаросатли туя	165
Нафс	166
Ибрат	167
Номувофиқлик	168
Паноҳ	170
Чора	171
Ҳасад	172
Туя билан эшак	172
Рамзлар тили	173
Учрашув жойи	179
Нафс ўйини	180
Синоат	181
Қимматга тушган найранг.....	182

Риёкор	185
Ойнинг сувдаги акси	188
Ўтқазиб қўйиш	189
Фалакнинг гардиши	190
Яхшилик ажри.....	190
Бўлинганни... ..	191
Қисмат	192
Қайтар дунё	194
Ўзингдан чиққан балога	195
Насиба	196
Хиёнатнинг жазоси.....	197
Икки хил ҳаёт тарзи.....	199
Қўрқув иши.....	201
Ўғрини қароқчи урди.....	202
Тақлид касофати	203
Жанжалдан аҳиллик яхши	203
Яхшиликнинг қайтиши	205
Ножинс	206
Ҳар кимнинг ўз манфаати	207

Қиш ва баҳор.....	208
Муттаҳамнинг жазоси.....	210
Ўч оламан деб.....	212
Ҳолини билмаганнинг қисмати.....	213
Кучини ортиқча баҳолаш.....	214
Нодоннинг душмани.....	215
Панд.....	216
Қилмиш-қидирмиш.....	217
Ношукур бандалар.....	218
Сезгир.....	219
Миси чиққанлар.....	220
Чумолининг қисмати.....	221
Ўтмаган ҳийла.....	223
Бўри билан қўзичоқ.....	224
Қув эчки.....	225
Хомтама.....	226
Дунёнинг ишлари.....	227
Бефаҳмлар.....	229
Фаросат.....	231

Номувофиқ дўстлар.....	232
Югурганники эмас... ..	233
Қаноатсизлик.....	234
Чивин ва буқа.....	235
Қўрқоқлар.....	236
Нозик ҳийла.....	237
Овоз ва важоҳат.....	239
Ким айёр?.....	239
Очофат.....	241
Икки кемани тутган.....	241
Қарға билан тулки.....	242
Зоғча ва қарғалар.....	244
Ўғрилар ва хўроз.....	245
Дехқон ва унинг ити.....	246
Чумоли ва қўнғиз.....	246
Бўри билан улоқча.....	248
Икки ит.....	249
Эшак, хўроз ва шер.....	250
Пашшалар.....	251

Буғу ва узум токи	251
Қисматдан қочиб бўлмайди.....	252
Буғу ва шер	253
Асаларилар	255
Эман ва қамиш.....	256
Икки қурбақа	256
Айиқнинг “панди”	258
Дехқон ва тақдир	259
Ортиқча дон	260
Дехқон ва илон	261
Саъва	262
Эҳтиёт.....	263
Ҳар ерни қилма орзу	264
Нафс балоси.....	265
Хўрозлар	266
Мунофиқ	267
Тиканли бута	269
Ҳийла.....	270
Тулки ва узум	271

Тулки билан маймун	271
Тулки ва шер	273
Овсар	273
Ёввойи эчкилар	276
Булбул ва қарчиғай	278
Фойдаланилган адабиётлар	282

Адабий-бадгий нашр

Ҳикоят ва ривоятлар олами

РАМЗЛАР СИЛСИЛАСИ

Иккинчи наشري

Муҳаррир *И. Аҳмедов*

Бадгий муҳаррир *Ҳ. Қутлуқов*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Кичик муҳаррир *Г. Ералиева*

Мусахҳих *С. Салоҳутдинова*

Компьютерда тайёрловчи *Ф. Ботирова*

Наشريёт лицензияси АИ № 158.14.08.09.

Босишга 2018 йил 10 апрелда рухсат этилди.

Бичими 60x84^{1/64}. Офсет қоғози.

“Virtec Peterburg” гарнитурасида офсет усулда
босилди. Шартли босма табоғи 4,30.

Нашр табоғи 4,24. Адади 10000 нусха.

Буюртма №18-305.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг
“O‘zbekiston” наشريёт-матбаа ижодий уйи. 100011.

Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz

Р-22 Рамзлар силсиласи/Тузувчи Э.Очилов. 2-нашр – Тошкент: “O‘zbekiston” НМИУ, 2018. – 296 б. –(Ҳикоят ва ривоятлар олами).

ISBN 978-9943-01-946-1

Мажоз – адабиётдаги энг қадимий тасвир усулларида бири бўлиб, мажозий образлар асосида турли жанрларда кўплаб асарлар яратилган. Мажозий мазмундаги ривоятлар шулар жумласидандир. Қаҳрамонлари ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар, дарахтлар, гулу гиёҳлар, турли табиат ҳодисалари бўлган ушбу тўпламдаги ривоятларда мажоз воситасида ҳаётий ҳақиқатлар мўъжаз шакл ва таъсирчан усулда бадиий талқин қилинган.

**УЎК 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)**